

**Jamoatchilik kengashi raisi:**  
Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**  
Akramjon ADIZOV  
Feruz MUHAMMADJONOVA  
Abulqosim MAMARASULOV  
Ahmad OTABOYEV  
Minhojiddin MIRZO  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**  
**Sobir O'NAR**

**Bosh muharrir o'rinbosari:**  
Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**  
Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**  
Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO'LDOSHEV  
Abdusaid KO'CHIMOV  
Sirojiddin SAYYID  
Alisher NAZAR  
O'rozboy ABDURAHMONOV

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

**Rassom:** Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Manzilimiz:**

Toshkent. sh.

O'zbekiston shohko'chasi, 16-«a» uy.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/faks:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 5 (246) 2011 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi  
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali  
1982 yildan chiqa boshlagan.

## MUNDARIJA

### MULOQOT

Erkin VOHIDOV. Qalbimiz hududlarin omon saqlaylik. .... 2

### ADIB XONADONIDA

Mirzo KENJABEK. Ruhning ozuqasi ma'naviyat bozorlaridadur. ... 7

### NAZM

Ahmad JABBOROV. Dunyoning ichida dunyolar yotadi. .... 25

Vafo FAYZULLOH. Xayrlashgan men bilan dashtlar. .... 36

G'ulom FATHIDDIN. Yulduzlar yodimga soladi seni. .... 58

Sabohat ODILOVA. Bilarmisiz, anglarmisiz qalbimni? .... 63

### NASR

Salim ASHUROV. Ikki hikoya. .... 15

Anvar NAMOZOV. Notanish. Qissa. .... 28

Ro'ziboy QULMAT. Xat. Hikoya. .... 50

### JARAYON

Alimurod TOJIYEV. Jarohatli qalb bitiklari. .... 52

### MULOHAZA

O'roqxon NARZULLAYEV. Tarbiya – hayot demak. .... 54

### JAHON ADABIYOTI

Somerset MOEM. Chumoli bilan chigirtka. .... 55

### MUTOLAA

Rustam MANNOPOV. A'lamning alam-izitroblari. .... 57

### BIR SAVOLGA BIR JAVOB

Akbarxon MAGDIYEV. Yashashdan maqsad nima? .... 60

### XOTIRA

Normat YO'LDOSHEV. Munaqqidlar munaqqidi. .... 62

### YELPUG'UCH

Tursunboy ADASHBOYEV. Yangi parodiyalar. .... 64

Bosishga 20. 05. 2011 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.  
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart.  
G'afur G'ulom nomidagi NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 223. Adadi 6315 dona.  
100128, Toshkent sh., Shayxontohur ko'chasi, 86-uy.



## ҚАЛБИМИЗ ҲУДУДЛАРИНИ ОМОН САҚЛАЙЛИК

Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоири Эркин Воҳидов билан суҳбат



– Сиз севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг Миллий театримизда бўлиб ўтган 70 йиллик юбилей тантанасидаги табрик сўзингизда кўпчиликни ҳаяжонлантириб юборган бир воқеа тафсилотини айтдингиз. Яъни, сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг ўша долғали 60-йилларда Сиз ва Абдулла Ориповга нисбатан “Сизларни бу аждаҳоларга ем қилиб бериб қўймайман” деганларини эслатганингизда ўтирганлар бир қалқиб тушгандек бўлди. Агар мавжуд воқелик нуқтаи назаридан олиб қараганда ростдан ҳам бу сўзлар ҳақиқий жасорат тимсоли эди.

Назаримда худди мана шу жойда адабиётга садоқат ва эътиқод масаласи бўй кўрсатади. Адабиётнинг яшовчанлиги ва софлиги ижодкор эътиқоди ва фидойилиги билан чамбарчас боғлиқ ҳодисага ўхшайди. Сиз бунга нима дейсиз?

– Ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга кириб келган янги авлод – бамисоли навбахорнинг илк бойчечаклари бўлди. Чинакам баҳорга ҳали узоқ эди. Қиш хатари кетмаган, бир совуқ ел бизларни адо қилиши

ҳеч гап эмасди. Лекин биз буни сезмас, ўйламас эдик. Танқидларни самимий қабул қилардик. Кўпни кўрган устозлар, қатоғон йилларини бошдан кечирган кекса авлод бу хил айбловлар оқибатини билиб, ҳис этиб, хавотирланишар эди.

Ғафур Ғулом 1966 йилнинг апрелида Тожикистон ёзувчилари анжуманига борар экан, Комил Яшинга айтиб мени ҳам рўйхатга киритганини, йўл-йўлакай бу боланинг қулоғини чўзиб қўяман, деб айтганини эшитганман. Дарҳақиқат, у киши ўша сафардан қайтишда менга танбех бериб: “Сиёсатга тўғри келмайдиган шеърлар ёзармишсан. Ҳукумат билан ўйнашма, жимжилдоқдек шоирсан. Бу давлат маршалларни ҳам отган”, дегани қулоғимдан кетмайди.

Бу отадек меҳрибон, куюнчак устознинг сўзлари эди.

Абдулла Қаҳҳор табиатан исёнкор адиб сифатида бизни йўлдан қайтариш эмас, аксинча қўллаб-қувватлаш, қалқон бўлишдек масъулиятни зиммасига олган эди. Ўз асарларига бизнинг шеърларимиздан эпиграф олгани, “мен шу ёшлар томонидаман, уларга тега кўрман”, деган жасоратли хитоби эди.

Ижодкорлар бир-бирига ўхшамаганлари каби устозларимиз: Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Шухрат, Саида Зуннунова, Озод Шарафиддиновларнинг бизга меҳру ардоғи ҳам турли йўсинда бўлган. Уларнинг ёди олдида қарздормиз ва бу қарзни ижодкор ёшларга меҳр кўрсатиб узоғимиз керак. Сиз айтган адабиётга садоқат ва эътиқод масаласи ҳам аввало сўз санъатининг келажиги тўғрисида қайғуришдан бошланади. Адабиётимиз олдида қайғуришга лойиқ муаммолар бор. Замон янги, авлод янги, дунёқараш, муносабатлар янги. Рақобатли дунёда китобнинг қудратли, сеҳргар рақиблари кўп. Аввалги мавқеини тиклаш учун янги авлоддан фавқуллодда истеъдод ва мислсиз жасорат талаб этилади.

– Ҳар бир миллат адабиётининг ўз овозлари бўлади. Бу “овозлар” ўша миллат адабиётининг, маънавиятининг тимсоли саналади. Ўтган XX аср ўзбек шеърлятида ўнлаб янграқ овозлар пай-



**до бўлди ва авж пардаларда жаранлаган бу овозларнинг акс-садоси ҳамон эшитилиб турибди.**

**Хассос шоир Абдулла Ориповнинг шеърляти ўзининг теран фалсафаси билан, шоир Рауф Парфи ижоди шакл ва моҳиятдаги янгиликлари билан, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн ва Мирзо Кенжабек сингари шоирларнинг шеърляти ўзининг бетакрор жозибаси ва оҳанглари билан алоҳида ажралиб турди. Сизнинг ижодингиздаги Сўз эса жўшқинлиги ва сержило оҳанглари билан ўқувчи қалбини забт этди.**

**Айтмоқчи бўлганим: эндиликда адабиётимизда бу янграқ овозларга ҳамоҳанг ва сафдош овозлар намён бўлмаётгандек. Нима, истеъдоднинг юзага келишига ҳам ижтимоий-тарихий ҳаётнинг таъсири бўладими?**

– Ҳар бир замоннинг ўз идеаллари, ихлос қўйган санъати бўлади. Миллий театримизнинг Маннон Уйғур, Етим Бобоҷон раҳбарлик қилган, Аброр Ҳидоятлов, Шукр Бурхон, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраевалар гуркираган даврини эсланг. Марғилонда Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Хоразмда Комилжон Отаниёзов авж пардаларда қуйлаган даврларни ёдга олинг. Муқимий номидаги театрни жаранглатган Маҳмуджон Ғофуров овози ҳам санъатимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлган. Бугун энди эстрада замони. Овоз борми-йўқми, фарқсиз, ҳамма қўшиқ айтадиган бўлди. Савод борми-йўқми, ҳамма қўшиққа сўз ёзадиган бўлди. Овоз кучайтиргичлар қулоқ пардаларини ёриш даражасига етди. На илож, ҳозирги ёшлар шуни яхши кўрадилар.

Тегирмон навбати билан айланар экан. Шеърлят ҳам қирқ-эллик йил аввалги шўҳратини тиклаб олар. Ёшлардан умид катта. Уларга эътибор ва ғамхўрлик ҳам ҳар қачонгидан юксак. Адабиётимизнинг келажаги муҳтарам Президентимиз диққат марказида турган масалалар сирасига киради. Юртбошимиз топшириғи билан тузилган «Ижод» жамоат фонди энг бой ва фаолият доираси кенг жамғармалардан бири. Янги таъмирдан чиқарилган Дўрмон боғи энг шинам ижод маскани бўлиб қолди. Бу ғамхўрликлар албатта ўз ҳосилини беражак.

**– Биз мактабни тамомлаётганимизда Ҳазрат Навоийнинг 550 йиллик тўйи нишонланган эди. Ростини айтиш керак, биз ўрта мактабдан Навоий ҳақида бор-йўғи уч-тўртта жумла ўрганиб чиқдик. Тўғри, ўша пайт дарсликларида Ҳазратнинг қарашлари, идеаллари бузиб кўрсатилган, ҳукмрон мафкура “муסיқаси”га мослаштирилган эди. Бугун орадан 20 йил ўтибди. Мустақиллик йилларида Навоий ижодини ўрганиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Мамнуният билан айтишимиз мумкинки, шу кунларда бир гуруҳ заҳматкаш олимларимиз томонидан Ҳазратнинг тўлиқ асарлар тўплами қайта нашрга тайёрланмоқда. Аммо мени ўйлантирган масала шундаки, Ҳазрат Навоий ҳақида бузунги ўрта мактаб битирувчиси, биз – 20 йил бурунги битирувчилардан кўпроқ нарса билишига ишониш қийин. Назаримда, ўрта мактабларимиздаги педагог-кадрлар савиясига кўп нарса боғлиққа ўхшайди...**

– Ҳар бир миллатнинг келажаги истаимизми-йўқми, ўқитувчилар савиясига боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Биз эндиликда шўроча мафкурадан, адабий мезонлардан бутунлай қутулдик.

Адабиётимизни, хусусан, мумтоз адабиётимизни бутун бўй-баста билан кўрсатадиган вақтлар келди.

Биз улуғ адилларимизнинг мумтоз асарларини боқий деб атаймиз. Дарҳақиқат, юз йиллар, минг йиллар ўтиб оҳорини йўқотмаган ижод намуналари бор. Мумтоз адабиётимиз намуналари орасида баъзан шундай байтлар, мисралар борки, уларни мутолаа қилган инсон қалби ва руҳиятида ажиб бир ўзгариш, покланиш содир бўлганини ҳис этади. Бу ғазаллар оддий илҳом лаҳзаларида эмас, илоҳий илҳом тўлқинларидан туғилган бўлса ажабмас. Болаларимиз мана шу бебаҳо ва беқиёс маъволардан бебаҳра қолмаслиги керак.

Лекин бу борада бошқа бир ҳақиқатни ҳам тан олишга мажбуримиз. Ҳар замоннинг ўз тафаккур тарзи бўлади. Бугунги ёшлар онгини ҳар дақиқа босиб келувчи ахборот тўфони кўмиб ташлаган. Ўрта аср хотиржамлиги йўқ. Томоша, ўйин-эрмакнинг ҳам минг хил тури бор. Ҳақиқатга очиқ кўз билан қараган инсон бугун Навоийнинг оммавий мутолаа қилинмаслигини тўғри тушунади.

Мен ўзим ҳазрат ғазалларини ёшлиқдан ўқиб қалбга сингдирганман ва бу соҳир сўздан ҳамманинг баҳраманд бўлишини истаيمان. Лекин бу ширин орзу, холос.

Навоийни XV асрда ҳам барча бирдек тушунган эмас. Сўзларининг мазмунини билганлар ҳам сўз остида ётган чуқур маънонинг илдизига етиб боролмаганлар. Буюк шоир ташбеҳларини англаш учун мадраса илми камлик қилган.

Ҳазратнинг муҳташам “Ҳазойинул-маоний”сини бошлаб берган:

*Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул худо,  
“Ёр аксин майда кўр”, деб жомдин чиқти садо.*





– байтларини Алихон Тўра Соғуний ҳазратлари бир соатга яқин шарҳ қилган эдилар. Кейин англасам, бу шарҳ тасаввуф илмидан ажиб бир сабоқ бўлган экан.

Миртемир домладан: “Нега ижодхонангизда Пушкин сурати стол устида, ўзимизнинг Навоий панароқ жойда турибди”, деб сўраганимизда, устоз шоир шундай жавоб берган эдилар: “Мен Пушкинга тик қарашим мумкин. Уни бошдан-оёқ ўқиганман, кўп таржима қилганман. Лекин Навоийни ростмана англаб етмадим, барча асарларини ўқиб мағзини чаққан эмасман”.

Устознинг бу сўзларини машҳур навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовга айтсам, у киши камтарлик билан: “Биз ҳам шундай”, деган эдилар.

Бу сўзларим, Навоийни ўқиб англашга уринмай кўяқолайлик, деган маънони билдирмайди. Ҳазрат – ўзбекнинг ота шоири. Унинг асарларини бошдан оёқ ўқиб таҳлил қила олмасак-да, энг машҳур ғазал, рубоий, туюқ, фардларидан, дoston ва маснавийларидан бир шингил бўлса-да ёд билмасак, улуғ шоир бундоқ деганлар, деб ҳикматли сатрларни айтолмасак, ўзбеклигимиз қаерда қолади?

**– Дунё моддийлашиб бормоқда. Эндиликда ҳар бир нарса моддий қиймат билан ўлчанадиган бўлиб қолди. Кишилардаги романтик руҳият ўрнини реалистик кайфият эгаллаб бормоқда. Табиийки, бундай шароитда одамларни, хусусан, ёшларни китобга, бадиий адабиётга қизиқтириш осон кечмайди. Бироқ китобсиз яшаб ҳам бўлмайди. Шундай экан, сизнингча, “қизиқтириш” жараёнини қаердан ва қай йўсинда бошлаган маъқул?**

– Бунинг учун кўлимизда турган имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Имкониятларимизни фарзандларимизнинг келажаги, миллатимиз маънавияти, адабиётимиз равнақи учун фойдали ишларга сарфбар этишимиз лозим.

Бугунги кунда интернет деярли ҳар бир хонадонга кириб улгурди. Бироқ телевидение оммавийликда ўзининг етакчи мавқеини бўшатиб бергани йўқ. Уни ҳамма кўради, эшитади. Элга танилишининг йўли – телевидениеда кўриниш. Қайси хонанда телевизорда кўпроқ чиқса, тўйларнинг тўри уники. Шоир, ёзувчилар тўйга юрмайдилар, телевизорда чиқишдан манфаатлари йўқ, ойнаи жаҳондан ўзларини тортиб юрадилар. Бу тўғри эмас, албатта. Элга кўриниб туриш, эл ичида бўлиш одамларда адабиётга, китобга меҳр уйғотиш учун керак. Ахир меҳр кўзда деган гап бекорга айтилмаган.

Биз ўзбекларда истиҳола кучли. Ўзни намоён қилишдан тортинамиз. Ахир бизнинг ўнлаб ноёб истеъдод эгаси бўлган, юрт ардоғидаги шоирларимиз, ёзувчиларимиз бор. Улар зинҳор телевизорда кўринмайдилар. Шеърлари ўқилса ҳам кадр ортидан, муаллифи айтилмай ўқилади. Бу камтарликнинг фойдасидан зарари кўпроқ.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Саксонинчи йиллар эди. Мени ўртача лавозимдаги вазифага тайинлаш учун ҳужжат тайёрлаётган юқори идора мансабдори таржимаи ҳолимни ўқиб шундай деган эди: “Мен сизни жиддий раҳбар деб ўйласам ҳали шеър ҳам ёзасизми?”

Бундай тушунча ҳамон йўқолмаган кўринади. Бизнинг тортинчоқлигимиз адабиётни ўлдириши мумкин. Яна такрор айтаман, улкан рақобат асрида яшаяпмиз. Инсон қалбидаги ҳудуднинг ҳар қаричи учун кураш кетаётган замон. Биз чекинаётган қўшин каби анча-

гина ҳудудимизни бой бердик. Муҳтарам Юртбошимизнинг ўтган йил Ёзувчилар уюшмаси раиси билан қилган мулоқоти ва бадиий ижодга улкан шароитлар яратиб бергани бежиз эмас. Адабиёт ҳамиша маънавиятнинг олдинги қаторида борган ва шундай бўлиши керак. Бунинг учун етарли куч-қувватимиз бор. Энди ўша истиҳолаи йиғиштириб, халқ билан мулоқотнинг ҳамма шаклларида фойдаланишимиз лозим. Бу замон олдидаги, Ватан олдидаги бурчимиздир.

**– Эркин ака, ижодкор ўз ҳайратларини сақлаб қолиши билан бошқалардан ажралиб туради. Суҳбатимиз якунида бугунги кун ҳайратларингиз ва ижодий режаларингиз ҳақида сўрасам майлими?**

– Мен бошқа асрда, бошқа замонда туғилиб, яшаб, бошқача бир давронда ҳаёт кечираётган одамман. Бундай эврилишни хаёлга сиғдириш қийин. Мен ҳам, ҳар дақиқа ҳайрат ичида яшайман.

Кейинги бир йил ичида ижодий иш билан кўпроқ шуғулланыпман. Бундай имкониятларга эга бўлганимдан бошим кўқда. “Ёшлик”ка ҳисобот бериб кўяй: ўтган йил “Орзули дунё” ва “Табассум” деб аталган икки китобим чиқди. Шеърларим матбуотда мунтазам эълон қилинмоқда. Кечагина “Шарҳ юлдузи”га бир туркум шеърлар юбордим. Ўқирсиз, баҳо берарсиз.

Суҳбат сўнгида ўзим биринчи муҳаррир бўлган “Ёшлик” журнали ижодий ходимларига, муштарийларига қизгин салом ва энг яхши тилаklarимни йўлламан. Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги ҳаммамизга муборақ бўлсин!

**Суҳбатдош: Алишер НАЗАР**





Эркин ВОҲИДОВ

## Мен фалакка отдим қалбимдан кўшиқ

\* \* \*

Камолинг муборак бўлсин, истиқлол,  
Йигит ёшига етган навқирон юртим.  
Эзгу умид билан экилган ниҳол  
Тотли ҳосилини, шукрки, кўрдим.

Шукрки, долғали йўллардан бориб,  
Бу обод кунларга етдик тинч, омон.  
Биз шундай яшадик, элликда қариб,  
Етмишига етганда бўлдик навқирон.



### ХУРРИЯТ

Хуррият – номус-ор, нафсониятдир,  
Қадрин билган элга мангу ниятдир.  
Хурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас,  
Бахт учун энг буюк имкониятдир.


Хурриятга ишонч, саботинг керак,  
Журъатинг, парвозинг, қанотинг керак.  
Ватан хуррияти учун ҳамиша,  
Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.

### ФАЛАККА САВОЛ

Ҳайратларим тугамас мангу  
Бу дунёнинг бир камлигидан.  
Ориқларнинг тажанглигию,  
Семизларнинг беғамлигидан.

Адо бўлмас саволларим ҳам,  
Нега осон келмас саодат?  
Нима учун бойда инсоф кам,  
Камбағалда эса қаноат?

Нега жоҳил жангари, ёвқур,  
Нега доно камтар ва ювош,



Муттаҳамлар мағрур ва масрур,  
Пок инсонлар эгиб юрар бош?

Бу саволни фалакка бердим,  
Жавоб берди гулдираб осмон:  
– Мен бундоқ каж бўлмасам эрдим,  
Сен зерикиб ўлардинг, инсон.

### КАМОН ВА ЎҚ

Лонгфеллодан

Мен фалакка отдим камонимдан ўқ,  
Қайга бориб тушиди, билолганим йўқ.  
Парвози тез эди, илғамай кўзим,  
Ўзим отган ўқни йўқотдим ўзим.

Мен фалакка отдим қалбимдан кўшиқ,  
Қайга бориб тушиди, билолганим йўқ.  
Шундан бери қалбда бир қайғу ёлғиз,  
Наҳот пайконларим йўқолар беиз?

Мана, йиллар ўтди, оқибат бугун  
Ўқни топиб олдим, синмаган, бутун.  
Кўшигимни излаб ҳар ёққа чопдим,  
Охир уни дўстлар қалбидан топдим.

### УЛАР ТОШ ОТСАЛАР

Чеккан чекмаганни ёмон кўради,  
Ичган ичмаганни ёмон кўради.  
Юртидан, имону ор-номусидан  
Кечган кечмаганни ёмон кўради.

Молинг сот, боринг сот, юрт сота кўрма,  
Юрт сотганлар билан туз тота кўрма.



*Сенга тош отсалар қад кўтариб юр,  
Номардга тенг бўлиб тош ота кўрма.*

**ЎЗИМНИНГ БОЛАМ**

*Кекса академик бозда бир оқишом  
Жажжи гўдак билан сайр этар эди.  
Бир шогирди кўриб бердию салом:  
“Домлажсон, набира ширин-да!” деди.*

*Чиндан ҳам боладан ширин нима бор?  
Аллома кўзида қувонч бир олам.  
У дейди: “Набирам – таниқли меъмор,  
Фан доктори! Гўдак – ўзимнинг болам”.*

**ЗАМОН ЖОНОНИ**

*Десам, мен сенга парвона,  
У бепарвода парво на?*

*Замон жонони фарқ этмас  
На жон, жонон на, жоно на.*

*Ғазал ҳам бир, гизол ҳам бир,  
Не фарқ девону девона?*

*Писанд этмас сўзим дурин,  
Ўзим дур, дейди Дурдона.*

*Сўз очсам Лайли, Мажнундан,  
Дегай, бу эски афсона.*

*Қулингман, десам, айтур ёр:  
– Керак ёр менга мардона.*

*Дедим: – Ишқингда беҳушман,  
Деди: – Жойинг – шифохона.*


*Дедим: – Остонада ётсам...  
Деди: – Ёстиқмас остона.*

*Дил англар дил тополмасман,  
Бу савдо на, бу савдо на?*

*Қочиб парвоси йўқлардан,  
Кетарман, қайда Фаргона?*

**КЕЙИНРОҚ...**

*Етмишингни ганимат дегин,  
Саксонингда йўл гамин егин.*



*Кейингиси келсин кейинроқ,  
Юздан кейин, юз ўндан кейин.*

**ОДАМ БЎЛ**

*Урфий Шерозийдан (XVI аср)*

*Одам бўл! То кетсанг кўз юмиб,  
Инсон борки, чексин қайгулар.  
Муслмонлар Замзамга ювиб,  
Ўтга ёқсин сени ҳиндулар.*

**ҲАЁТ ЙЎЛИ**

*Замон тез, фурсат оз, ҳар лаҳза зиқдир,  
Ҳар лаҳза зиқлиги билан қизиқдир.  
Ҳаёт йўли недир? Қабр тошида  
Икки сана аро қисқа чизиқдир.*

**НОБЕЛЬ**

*Нобель – кашфиёти гумбурлаган зот,  
Нобель – кошифларга олий мукофот.  
Нобель – буюк унвон ижод элига,  
Нобель – бомба, худкуш жаллод белига.*

**БОР БЎЛСАНГ**

*Бор бўлсанг, ҳикоят қилма, борингга  
Суюнгувчи ким?  
Хор бўлсанг шикоят қилма, зорингга  
Куюнгувчи ким?*

**СОЯ**

*Қуёшли кун соянг қолмас изингдан,  
Булут чиқса гойиб бўлар кўзингдан.  
Қуёшинг тик келса ётар пойингда,  
Кунботарда узун бўлар ўзингдан.*

**БОДОМ**

*Бодом одамга ўхшар,  
Навбаҳорни суяди.  
Одам бодомга ўхшар,  
Эрта гуллаб қўяди.*

**БИЛАҒОННИНГ ЖАВОБИ**


*– Сан-Марино қайда экан?  
Харитадан тополмадим.  
Билагондан сўрсам, деди:  
– Ўлай агар, мен олмадим!*





Мирзо КЕНЖАБЕК

## Руҳнинг озукаси маънавият бозорларидадур



Кўнглимда адабиётга илк муҳаббат болалик давримдан уйғонган. Ҳазрати Боязид Бистомий ўз ҳолларини “онадан туғма давлат” деганлар. Албатта, ҳар бир шоирнинг шоирлиги ҳали туғилмасидан бошланади.

Ёзган шеърларимдан кўра ёзмаганларим кўпроқ.

Ота-онам фақат меҳнат-машаққат ичида яшади-лар.

Онам беш ёшда оталари, саккиз ёшда оналаридан айрилиб, етим ўсган ғариба аёл, акамни ўзига ота қилиб олган, мени ака, укаларимни ука, амаки ва тоғалар қилиб олган эдилар. Кейин сингилларим: онамнинг она ва опалари туғилди. Бу юксак мартабаларимиз дилимга ғамгинлик бериб, кўзимни ёшлар эди. Ўша илк ғамларим, кўз ёшларим кўнглимда уйғонган илк шеърлар бўлса, ажаб эмас.

Беш яшарлигимда уч яшар синглим сувда оқиб кетиб, вафот бўлди, онам тегирмон тагидан топиб чиқдилар. Онамнинг ўлик қизчани бағрига босиб фарёд чекканлари, эҳтимол, илк шеърларимдир.

Қишнинг узун кечаларида акам иккимиз онамга ва бизни келган қўшни аёлларга халқ дostonларини ўқиб берар эдик. Энг ғамгин жойларида акам чиқиб кетар, мен йиғлаб, давом эттиришга мажбур бўлар эдим. Масалан, Холбиканинг икки ўғли дорга осияпти, у нажот қидириб, бўзлаб, дорнинг оғочига салом беради: “Ассаломалайкум, дорнинг оғочи!” – дея золимлар қалбига шафқат солмоқчи бўлади. Балки, ўша риёсиз йиғилар илк шеърларимдир.

Кейин замона адибларининг роман ва қиссаларини ўқийдиган бўлдим. Қайси асарни ўқисам, узоқ вақт унинг таъсирида юрар ва ўзимни китобнинг ижобий қаҳрамонидек ҳис қилар эдим. Сўнг мақолалар ёзиш-

ни ўргандик. “Сариосиё ҳақиқати” газетасида “Далалардан дараклар” рукнида Сирожиiddин Саййид билан иккимизнинг мақолаларимиз чиқа бошлади. Биз бир вақтда Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетига ўқишга кирдик ва танишдик. Кейинчалик Сирожиiddин бир шеърый китобимга ёзган тақризини “Юраклардан дараклар” деб атаганида ўша болалик даврларига ишорат қилган эди.

Ислол деган дўстим доимий суҳбатдошим ва сирдошим эди. Биз ҳар бир ўқиган асаримизни кунлар бўйи муҳокама қилар эдик. Мактаб давримиздаёқ Сергей Есениннинг “Замин дарғаси” китобидаги кўп шеърларни ёд олган эдик. Мен унга ўзбек адабиётининг мумтозларини билдирсам, у менга форс-тожик адабиётининг мумтозларини билдирар эди. Шундай қилиб, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Ҳилолий шеърларини ўқийдиган бўлдим.

Илк шеърый машқларим ўша давр (70-йиллар) ёки мактаб муҳитига мос бўлиб, шеър дегулик эмасди. Шунинг учун талабалик давримдаги “Моможон” шеъримни илк шеърим десам, бўлар. Бу шеърим билан устоз Абдулла Орифнинг назарига эришгандирман. Ўшанда Миллий университетнинг учинчи курсида ўқирдим. Талабалар шаҳарчасида таниқли шоирлар билан эркин ижодий мулоқотлар кўп бўлар эди. Қишки имтиҳон вақти, филология факультети ётоқхонасидаги бир анжуманда менга навбат берилиб, “Моможон” шеъримни, қутилмаган олқишлардан кейин Лойиқ Шералидан таржима қилганим – “Ўшанда етарлар шоир қадрига” деган шеърни ўқиган эдим.

“Ёшлик” альманахида шеър бериб, азиз устоз Эркин Воҳид йўқловига эришдим. Шоир Мирпўлат Мирзо



мени Эркин Воҳид қидираётганини айтди, “Ёш гвардия” нашриётига келганимда бош муҳаррир бўлмиш устоз хузурига бошлаб кирди. Шеърятимизнинг ҳақли дарғалари бўлмиш икки буюк устоз назаридан ҳар ким ҳам руҳланар эди.

Тўртинчи курслигимда ёш ижодкорларнинг соғлом минбари бўлган “Гулистон” журналида икки шеърим чиқди, кейинроқ бир туркумим тайёрланди. Бош муҳаррир Асқад Мухтор: “Ҳеч сўлмас баҳорлар тилайман сенга!”, деган сатримни туркумга ўз қўли билан сарлавҳа қилиб танлаган эди. Шунда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ташкил топиб, Асқад Мухтор унга муҳаррир бўлди, “Гулистон”нинг янги муҳаррири 4-сондан бир ярим саҳифалик шеъримни олиб ташлади. Қўлёмани таҳририятдан олиб, Асқад Мухторга киритиб бердим. Фидойи устоз туркумни газетада чоп этди. Ўша “Ҳеч сўлмас баҳорлар тилайман сенга!” – деган ёзувни раҳматлик Асқад Мухторнинг эзгу дуоси деб биламан.

1982 йилда “Мактубларим” номли илк китобим чиқди. Албатта, у маҳалдаги ҳаяжонларнинг тавсифи йўқ. Номни асли “Адашган мактублар” эди, нашриёт кенгашида китоб номига эътироз бўлиб, “Мактубларим” бўлиб қолди. Лекин муқовага ишланган расмдан то хануз уяламан.

Китоб ҳақида келган мактублар ичида Турсунбой Адашбоевнинг Ўшдан йўллаган хати энг руҳлантирувчи, мағзи тўқ эътирофнома эди. Бу митти китобча ва “Қуёшга қараган уй” номли иккинчи китобчам корректураси билан Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим.

Хоҳ ижодда, хоҳ илмда бўлсин, изланишдан тўхтаган ёки ҳаётда бирор довонга етган киши ўтмиш хотираларини сўзловчан бўлиб қолади. Мен ўзимни изланишда деб ҳисоблайман. Лекин кўпчиликка ибрат бўлгулик хотираларим ҳам йўқ. Ҳаётим тенгдош қаламкашлар ҳаётига ўхшаш: деярли бутун болалигим пахта далаларида ўтган. Бунинг устига, сўз санъатида қоилмақом кашфиётим ҳам зоҳир эмас.

Ўтмишимга назар ташласам, фахрлангулик, юпангулик бир ҳолни кўрмайман. Болалик давримизда диёримизда, яқинларимизда қанча улуғ зотлар, шайхлар, валийлар, алломалар бўлган, лекин биз уларнинг илму маърифати оламидан бебаҳра ўсганмиз. Беҳисоб шукронам шундаки, кейинчалик Аллоҳ таъоло менга гўзал маънавий неъматларини ато айлади.

Ҳаётда кўп яхши одамлар ва яхши устозларга дуч келдим. Шеърят сирларини биров бошимда туриб ўргатмаган бўлса-да, ҳаёт ўзи муаллимлик қилди.

7-8-синфда ўқирдик, бир куни Саидқул деган синфдошим ҳовлиқиб Абдулла Орифнинг китобини топиб келди, ҳаяжонланиб, “Онажон” деган шеърини ўқиди. Шеърят ҳақидаги ибтидоий қарашларим барбод бўлди. Шеърда инсон қалбини, дардини, рост гапни ёзиш мумкинлигини, эҳтимол, илк марта ўшанда ҳис қилгандирман.

Мактаб саҳнасида мушоира ва мусобақалар кўп бўлар эди. Бир анжуманда биздан қуйироқ синфдаги Эргаш Салимов деган мактабдошим Эркин Воҳиднинг

“Ўзбегим” шеърини жаранглатиб ўқиб қолди. Ҳаммани ҳайратда қолдирди. “Бу шеърни қаердан топдинг?” десам, “Акам Тошкентдан олиб келган китобда бор”, деди. (Акаси Муҳаммадқул Салимов қишлоғимиздан ТошДУнинг филология факультетида ўқийдиган ягона шахс эди, сўнг ҳарбий соҳани танлади.) Бу шеър бизнинг кўплаб сохта тантанали шеърларимиз ва маҳдуд қарашларимизни барбод қилди. Ўз миллий Ватанини куйлаш, миллатини шарафлаш шўро сиёсатида хилоф саналар эди.

Шундай қилиб, икки улуғ шоир шеърлари ўз соҳибларининг ғамгин ва жасур қалбини шарафлаган ҳолда илк марта Сурхон воҳасидаги чекка, эски Ашуржийлон (ҳозирги Меҳнат) қишлоғига кириб келди.

Университетдаги таълим таъсирлари фикр-ўйларимизни ўзгартирди. Нажмиддин Комил, Ғайбулла ас-Саломлардан фақат таржима сабоқларини эмас, ҳаёт дарсларини ўрганар эдик. Ёзги таътилларда, Хуфар тоғларига чиқиб кетган чоғларимда ҳам улар нашр этган “Таржима санъати” китоби ёнимда бўлар эди. Воҳид Абдуллаев, Анвар Шомақсудов меҳрибон устозлар эди. Воҳид Абдуллаев мени илм йўлига тортишга уринганлар. Кейин билсам, олдин Тоҳир Маликни ҳам илмий ишга ундаган, Ўткир Ҳошимовнинг матбуотда чиққан асарини курс иши ўрнида қабул қилган эканлар. Қобилиятни пайқаш шуъурлари бор эди. Тўғон Эрназаров билан кам кўришсак-да, яхши таассурот олганмиз, доктор, профессор домланинг шоирлигини билиб қувонганмиз. Сайди Умиров шогирдлар фикрини ҳаёт билан боғлашга ҳаракат қилса, Бойбўта Дўстқораев тарихни ҳаёт билан боғлашга уринар, Чўлпон сатрлари, Усмон Носир шеърларидан ўқиб бериб, биз ёшларда соғлом фикр ва ғоялар уйғотар эдилар. Курс раҳбаримиз Назира Абдуазизова куюнчак, меҳрибон ҳимоячимиз эдилар, сўнг журналистика тарихи соҳасида аёллардан чиққан биринчи фан доктори бўлдилар.







Биз гарчи журналистика факультетида ўқисак-да, филология дарсхонасида кечадиган адабий анжуманлардан кўпроқ баҳра олар эдик. Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов ва бошқа олимларнинг сўзлари биз ёшларга ёқар эди.

Бир гал Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров билан мулоқот бўлди. “Улуғбек хазинаси” асари чоп этилиб, Чингиз Айтматовнинг адибга мактуби “шовшув” бўлган, Бобуршоҳ ҳақидаги “Юлдузли тунлар” китоби ҳали нашр бўлмай, овозаси тарқалган кезлар. Бир нотиқ икки адибни қиёслаб: “Пичокни қайроқда қайрагандек”, деган иборани қўллаган эди, Пиримқул Қодиров ўзини камситилган сезиб, аччиқланди: “Пичокни фақат қайроқда қайрамайди, пичокни пичокда ҳам қайрайдилар!” – дея эътироз билдирди. Бу дақиқ ибора ҳаммага ёқиб, олқишланди. Дарвоқе, муҳитдаги шоиру ёзувчилар бир-бири билан қайралиб юрган мусобақадорлар эди.

Шижоатли адиб Шухрат билан учрашув бўлганда, уруш даврини эслаб: “Ойдин кечаларда жангга халал етар ва биз осмондаги ойдан койинар эдик”, деганди. Англадикки, тун маликаси – ой шеъриятга ярашар экан, уруш қонуниятига мувофиқ келмас экан.

Атоқли адиб Саид Аҳмаддан чой дамлашни ва кўп дақиқликларни ўргандим. Баъзан синчков кузатувлар ҳам сабоқ бўлар экан. 1988 йили Польшага – санъат ва шеърият фестивалига жўнаш олдида Саид Аҳмаднинг дуосини олай дедим. “Шерикларинг кимлар?” – деб сўради. “Ленинград ва Белоруссия шоирлари, яна Доғистондан Фазу Алиева”, дедим. “Фазуни танийсанми?” – деди. “Йўқ”, дедим. “Дунёдаги ҳамма темиртақаларни ўзига тақиб олган аёлни кўрсанг, ўша Фазу Алиева бўлади!” – деди. Москвада, Шереметево аэропорти назоратидан ўтиб, кутиш залига киргач, узоқдан кўп ялтироқ тақинчоқларни тақиб олган аёлни кўрдим. Табассумдан ўзимни тиёлмай, олдида бориб: “Сиз Доғистоннинг машҳур шоираси Фазу Алиевасиз!” – дедим. “Ҳа, менман, нега куляпсиз, йигит?” – деди. “Сизни кўриб, хурсандлигимдан куляпман”, дедим. Ҳолбуки, мени кулдирган Саид Аҳмаднинг латиф ифодаси эди.

Шукур Холмирзаев ва Рауф Парфидан ватансеварлик сабоқларини ўргандик. “Илҳом” клуби, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон суҳбатлари ва хонадонлари бизнинг ҳаракатдаги очик адабий муҳитимиз эди. Мурод Муҳаммад Дўстнинг Москвадан ўқишни битириб Тошкентга қайтиши бизга қувонч бахш этган, гўё ҳаётимиз ранги бир оз ўзгарган. Унинг суҳбатини топган киши: истеъдодига муносиб асарини ҳали ёзган эмас, деб ишонади. Йўлдош Эшбек “Гулистон” журналидаги бир туркум шеъри билан машҳур шоирга айланган.

Миръазиз Аъзам: “Кўп шоирлар фақат қатъий интизом билангина юксаклик даражасига етган”, деб таъкидлар эди. Бас, ёшлигимдан ҳаётимда мустаҳкам иш интизомини ўрнатиб олишга интилдим.

Адабиёт газетасида хизмат қилганимда обуна ишлари билан Нукусга сафар қилгандим. Тўлепберган Қаипбергеновнинг уйда унинг иш низомидан ҳайратда қолганман: эртадан кечгача, тафаккур қилар, ўтириб ҳам, ётиб ҳам ёзаверар эди.

Шукур Холмирзаевни ёзишдан холи топиш қийин эди. Бошқа иш қилаётганда ҳам ҳаёли ёзувида бўлар эди. Маълум бўладики, сўз санъатининг талаби тинимсиз меҳнатдир.

Абдуқаҳҳор Иброҳим: “Ҳаётда тарозининг икки палласидан бирига тош қўйиш зарур бўлган ҳоллар дуч келади. Ҳамиша тарозининг яхшилиқ палласига тош қўйинг, агар яхшилиқ палласига тош қўйиш кўлингиздан келмаса, бир илож топиб, ёмонлик палласига тош қўйишдан сақланинг”, дер эди. Бу сўзни яшаш шиори қилиб олишга уриндим.

Эркин Воҳид: “Шоир сўзда ҳам, шеърда ҳам иссиқ нафас қилиши керак. Фаришта омин дейди, деган гап бор. Ўлимдан ёзган шоирларнинг кўпи ёш ўлган. Асқад Мухтор: “Кўнглим сезиб турар, узоқ бўлар умрим”, деб ёзган, мана узоқ умр кўрмоқда”, дея яхши ният тақдиротнинг яхшилигидан хабар беришини айтар эдилар.

Абдулла Ориф бир болалар шоири ҳақида: “Фалончининг оғзини саккиз йил пойладим, оғзидан бир ҳикматли гап чиқмади”, дердилар. Албатта, булар ҳаёт сабоқларидир.

Китобларимни, шуъран билиб турсам-да, санамаганман (санагулик ҳам эмасдир), умумий ададини ҳам ҳисобламаганман. Санашни ва бир нарсанинг кўплиги билан фахрланишни ёқтирмайман. Уларнинг ҳаммасидан ҳам кўнглим тўлган эмас. Навоийси бор қаламкашнинг ўз ижодидан кўнгли тўлармиди! Ҳаммамиз у буюк тоғнинг этагида овуниб юрганлармиз.

Менга қўйса, халқимиз ва Ватанимиз эрку озодлиги йўлидаги курашларим ва публицистик мақолаларимни бошқа ижоддан устун қўйган бўлар эдим.

Шеърий китобларимдан “Баҳорим еллари” (ҳамма шеърлар эмас), маърифий асарларимдан “Термиз тазкираси”, таржималаримдан “Омолий”, “Тазкиратул-авлиё”, “Сунани Термизий”, “Тасаввуф ва гўзаллик”, Махтумқули “Сайланма”си кўнглимга таскин беради.

\* \* \*

Адабиётнинг жамиятдаги ўрни, агар у ҳақиқий адабиёт бўлса, танадаги руҳ кабидир. Албатта, адабиётни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тартибга солиш яхши ва бу ҳар бир ижодкорнинг ўз иймони ва виждонида бўлиши керак. Лекин шахсларни синдириш, халқнинг руҳини ўлдириш, сўзни, ижодни, илму фанни, тафаккурни, ҳатто туйғуларни ва қалбни сиёсийлаштириш мустабид тузумнинг мажбурловчи услуби эди. Баданнинг озукаси бўлганидек, руҳнинг ҳам озукаси бор. Баданнинг озукаси табиат бозорларида бўлса, руҳнинг озукаси маънавият бозорларидадир.

Шўро даврида руҳ озукаси бўлган маърифат, миллий тарих хазиналари, илоҳий ҳақиқатлар, Қуръони карим, ҳадиси шарифлар тақикланиб, халқнинг биргина маънавий таянчи адабиёт бўлиб қолган эди. Ҳатто ҳинд кинофильмлари, ўта содда бўлишига қарамай, халқимизнинг миллий туйғуларига мувофиқ тушар, қайноқ инсоний ҳисларни сақлашга сабаб бўлиб, ёшлар ўзаро табриқномаларида бир-бирига “ҳиндуёна муҳаббат” тилар эди.



Шунинг учун истиқлолнинг илк даврида асл илоҳий манбаъларга йўл очилгач, Раҳмоний маърифат натижаси бўлган ҳақиқий адабиётга эҳтиёж ортди ва шайтоний илҳом маҳсули бўлган асарлар бозори касод бўлди. Янги фикрли, заковатли, салоҳиятли, талабчан китобхонлар зумраси пайдо бўлди. Баъзи қаламкашлар бунини ҳисобга олмаяптилар ва эски фалсафий қолипларда юрибдилар.

Энди бир фикр туғилади: Адабиётнинг жамиятдаги ўрни-ку, маълум. Адибнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак? Адиб, баъзилар каби, эски маддоҳ, эски замонасоз, эски латифагўй, эски мукофотпараст, эски ичиб бижғиб юрувчи кимса бўлиб қолавериши керакми? Ёки ўзини ислоҳ қилиши керакми? Адибда субут бўлмаса, иззати ҳам қўлдан кетади. Шўро даврида ўзини пуч, ёлғон ва ўткинчи ғояларга боғлаб берган адибларнинг аҳволи не бўлди? Бу каттаю кичик ҳамма ижодкорларга тарих сабоғидир.

Навоийнинг қомусий даҳосига қарасак, ҳаётимиз маҳдуд, маърифатсиз бир равиш билан ўтаётгандек туюлади. Ўтмиш манзаралари: оддий ҳаётнинг масалаларда сиёсий айбномалар тақаш, васваса билан халқ ичидан душман қидириш, бир ёғду кўрганда ёнғиндан бонг уриш, айниқса, муқаддас дин аҳллари камситиш, душман деб билиш ва жамиятдан четлатиш, одамларга кўтаринки ҳаёт бахш этиш ўрнига, руҳни ўлдириш, шахсларни парчалаш, сохтакорлик – истибдод давридаги ҳаёт тарзимиз ана шу эди.

Мактаб фақат учинчи синфдан иборат эмас. Бошқарувчи устоз биринчи синфга ҳам, бешинчи ва ўнинчи синфга ҳам лаёқатли, қамровли, фаросатли, заковатли ва кенгфеълли бўлиши шарт.

Ижодкор некбин ва тирикқалб бўлиши керак. Истибдод даврида ҳаётни “бугун”дан иборат деб билганлар алданиб қолди. Уларнинг сандиғидан келажак учун ёзилган ҳақиқат асарлари ҳам чиқмади. Улар зулм ва ноҳақлик пойдевори устига қурилган шўро салтанатини ҳаргиз емиримайди, деб гумон қилдилар. Лекин бир буюк ибрат, бир буюк сабр ва сабот намунаси бор: биз дарсликлардан билган ва таниган машҳур ёзарлардан ташқари, ҳаётнинг пинҳон қатламида яна бир тоифа замондош шоир ва адиблар зумраси бор эдики, уларнинг номлари ва асарлари истиқлол давридагина халққа маълум бўлди. Алихонтўра Соғуний, Фақирий Шаҳрисабзий, Йўлдошхўжа Доғий, Назруллоҳон Ғарибий, Дадахон Қори Суҳайлий, Қул Азиз Туркистоний шулар жумласидандир. Истибдод даврида “мулла” ва “эшон” деган тамғалар билан хаспўшланган бу азиз зотлар ижодини адабиёт дарсликларига киритиш вақти энди келгандир.

Адибнинг ҳаёти тириклик давридан иборат эмас. Ўлим баъзи тақиқларни бузади. Баъзан адибларнинг ҳаётда ман этилган асарлари вафотидан кейин ҳаётга йўл топади. Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” асари тарихий-ҳужжатли адабиётнинг энг юсак намунасидир. Бу “роман” адиб вафотидан кейин дунё юзини кўрди. Чунки адиб зулм салтанатининг барбод бўлишини англаган ва келажакка ишонган эди.

\* \* \*

Мумтоз адабиётда “мажоз тариқи”, “ҳақиқат тариқи” деган тушунчалар бор эди. Бу кун бунини англайдиган инсонларнинг ўзи оз. Менимча, шарқ халқларининг, ўзбек халқининг адабиёти муайян ахлоқ ва ҳаё пардаларига ўралган бўлиши шарт. Денгиз ортидаги ҳурриятни (демократияни) ёки ғарб ва оврўпо ҳурриятини айнан бир мамлакатга, масалан, Ўзбекистонга кўчириш мумкин бўлмаганидек, баъзи адабий мезонларни ҳам айнан кўчириш мумкин эмас. Чунки уларда ҳамма нарсага – ҳаромга, фасодга, бузуқликка ҳам ҳуррият бор. Ислом маданияти тарқалган ўлкаларда эса ҳаққа ҳуррият бор, ботилга, фасодга, бузуқлик ва беҳаёликка ҳуррият йўқ.

Муҳтарам кишилар таржима қилган баъзи романлар борки, гарчи уларда “буржуа” разолати, фоҳишабозлик фош этилган бўлса-да, одамлар, ёшлар улардан яхшилиқни ўрганади, дейиш қийин. У китоблардан ёшлар ўша жирканч ҳаётни, бузуқликни, беҳаёликни ўрганмасмикин, деган қўрқувдаман. Телевидениедаги баъзи сериаллар ҳам шунга дохилдир. Қадим шарқ маданиятида гуноҳни ёзиш тугул, гапирришга руҳсат бўлмаган. Чунки гуноҳ гапирилса, инсонлар унга кўникиб қолади, жирканч ишдан ҳазар қилмайдиган, уни тўхтатмайдиган бўлади.

Саҳна асарининг ҳам, кўшиқ санъатининг ҳам, бадиий фильмларнинг ҳам таянчи сўздир – адабиётдир. Баъзи эстрада кўшиқлари санъат намунаси эмас, шаҳват намунаси бўлса, бас, ўша сўз санъат асари эмас, шаҳват асаридир.

Адабиёт азал-абад эзгуликни, одамийликни, меҳр-муҳаббат ва дўстликни, покликни, олий инсоний фазилатларни устун тутди. “Ўзимдаги ҳамма яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман”, деганда атоқли адиб КИТОБнинг моҳиятини очиб берган. Китоб муборак ва мўътабар нарсидир. У шармандали ҳаёт мажмуъи бўлиб қолмаслиги керак. Шукур Холмиров Толстой тилидан: “Санъатнинг энг улғу вазифаси эса – инсонларни бирлаштириш, бир-бирига биродар қилишдан иборат», дейди.

Бас, адабиётимизда мумтоз, аслий гўзал анъаналар давом этиб, ноҳуш иллатлар барҳам топишини истаيمان.

\* \* \*

Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам хилма-хиллик, рангбаранглик яхши. “Икки куни бир-бирига ўхшаган кишининг ҳолига вой бўлсин” деган ҳадиси шариф бор.

Ҳаётда ҳамма нарса янгилик бўлгани каби, ҳеч нарса янгилик ҳам эмас. Биз учун янгилик бўлган баъзи шеърини оқимлар бошқа ўлкаларда аллақачон ўз умрини тугатиб бўлган.

Ижодкор ўз қалб хазиналарини турли шаклларда ошкор этаверади. Ҳақиқий ижод намунасига бир номни андаза қилиш шарт эмас. Янгилик, замонавийлик мазмун ва моҳиятдадир: ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам шундай.



Узоқдан келган бир нарсага эргашганда биров эп-лаб эргашади, биров эпсиз эргашади. Истеъдод аҳли ўз сўзини айтишга имконият қидиради ва топади: ҳаётдаги ҳамма нарса унга имконият омили бўлаверади.

Бу кунги замонавий адабиётнинг энг юксак намуналари қадимий турк битиктошларида мавжуд эди. “Олтин ёруқ”, “Хўби битик” тошларидаги ёзувлар замонавий шеърятнинг олий намуналаридир. Дунёдаги ҳамма “модернчи”лар бирлашса, Навоийнинг “Муножот” асарига етадиган замонавий бир асар ёза олмайди. Чунки у фақат сарбаст эмас, у фақат фикр маҳсули эмас, пок қалб, комил иймон, нурли маърифат, илоҳий ишқ маҳсулидир. Демак, гап маънавий аҳволдадир.

Бугунги ўзбек адабиётини ривожлантириш учун фикри ва руҳияти соғлом авлодларни етиштириш, шоир ва ёзувчиларни аввалгилар мубтало бўлган балолардан қутқариш керак. Илму маърифати заиф ижодкор, ҳар қанча истеъдодли бўлса-да, маҳдуд бўлиб қолаверади

Ўрни келганда бир ҳасратимни айтиб ўтай. Бир қанча қаламкашлар умрини ичкилик барбод қилди. Улар, шубҳасиз, соғлом ва онгли фаолиятдан маҳрум бўлдилар. Чунки шоирнинг юмуши фақат шеърдан, ёзувчининг машғулоти фақат насрдан иборат эмас.

Халқ учун, Ватан учун қилинадиган ақлий меҳнат турлари беҳисобдир.

Адабиёт ривожда тил ва луғатнинг ўрни беқиёсдир. Мустамлака даврида ўзбек луғатлари учун “инқилоб” (1917 йил) деб аталган даврдан бу ёқдаги асарлар асос қилиб олинган. Ҳозир янги луғатлар, бир мунча бойитилиб, жилд-жилд нашр бўлаётгани яхши, лекин ўша шўро қолипи ҳамон сақланиб турибди. Навоий асарлари луғати алоҳида, тўрт жилдлиги алоҳида (жуда оз нусхада чиққан), мумтоз девонлар охирига илова қилинаётган луғатлар алоҳида, шевалар луғати алоҳида, гўё уларнинг ҳозирги замон адабиётига алоҳаси йўқдек! Ўзбек адабиётига даврий чегара қўйиб, иккига ажратишга кимнинг ҳаққи бор? Қадимий битиктошлардан то шу давргача бўлган ёзма асарлар яхлит, бир бутун ўзбек адабиётидир! Бас, луғатлар ҳам барча давр сўз бойликларини жамлаган бир бутун луғат бўлиши керак.

Ниҳоят, оилам ҳақида айтсам, шукр, икки ўғил, икки қизим, набираларим бор. Оилада тинчи бўлган адибнинг ижодда ривож бўлади. Менинг темир интизомимда, иншоаллоҳ, энди халқимизга етиб борадиган бир қанча китобларнинг ёзилиши ва таржима қилинишида оиламнинг ёрдами беқиёсдир.

## ШОИР ҲАҚИДА

*Шоир, таржимон, журналист Мирзо Кенжабек 1956 йилда Сурхондарё вилояти, Сарйосиё туманида туғилган. Ўрта мактабни шу ерда (1963-1973) тамомлади. 1974-1979 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетида, сўнг 1999-2001 йилларда Имом Бухорий номидаги Ислом институтини таълим олди. 1982 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

**Шеърӣ китоблари:** «Мактубларим», «Қуёшга қараган уй», «Муножот», «Шарқ тили», «Баҳорим еллари».

**Маърифӣ китоблари:** «Термиз тазкираси», «Дунёнинг муршиди», Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Рисолаи Волидийа» асари, Заҳририддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб назмий таржимасининг қисқа шарҳи, «Эътиқоф», «Қабристон зиёрати одоби».

**Жаҳон адабиётидан таржима қилган асарлари:**

1. А.С.Пушкин: «Евгений Онегин», Фаридиддин Аттор: «Тазкират ул-авлиё» («Валийлар ёдномаси»), Махтумқули: Сайланма, Сирожиддин Усмон Ўший: «Омолий» манзумаси, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Юнус Эмро ва И.В.Гёте ижодидан намуналар.

**Таржима қилган илмий-маърифӣ китоблари:**

Маҳмуд Асъад Жўшон: «Ҳақиқий севги», «Тасаввуф ва гўзаллик», Абу Ййсо Муҳаммад ат-Термизий: «Сунани Термизий» («Ал-жомиъ ас-саҳиҳ»), Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий: «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди» (Соғлом исломий ақида), Шайх Мавлоно Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий: «Жомӣ ул-мутун» («Аҳли суннат эътиқоди»), Қутбиддин Изникий: «Муршиди мутааҳҳилийн», Ҳожи Аҳмадҷон Маҳдум Ҳанафий-Нақшбандий: «Рисолаи сужуди саҳв».



Шоир набиралари Муҳаммад Мунир ва Маҳмуд Мубашширлар билан.



Мирзо КЕНЖАБЕК

## Асл ғаввос бўлсанг, дурни кўрайсан

### ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Сенга нима бўлди, ҳайвонот мулки,  
Кўзлар кўзгусида маҳзунлигинг бор?!  
Мен кутган шижоъат, мен кутган кулги  
Болалик давримда қолдими зинҳор?

Бўрида бўрилик, шерда шерлик йўқ,  
Канада итлари итликдан кечган.  
Мўғул отларида ул айғирлик йўқ,  
Шамол жайронларин хаёлот қучган.

Сахро кемалари – туялар хомуш,  
Панжара ортидан кўпиклар сочмас.  
Буғулар аслини қилган фаромуш,  
Шўхлик давронидан саҳифа очмас.

Шиша ҳовузчада биллурдек балиқ,  
Сув ютса, ичидан кўриниб турар.  
Унда йўқ балиққа хос бўлган қилиқ,  
Сунъий тўлқинларда уриниб турар.

Мўъжаз ўтлоғида туяқуш: ёху,  
Инсон афъолидан қуяман, дейди.  
Юк кўтар десангиз, қушман дейди у,  
Кўкка уч десангиз, туяман, дейди.

Инсон залолатин жисмида сақлаб,  
Қувликни унутган маймун шикаста:  
Дарвиннинг момоси қадрига йиглаб,  
Аргимчоқ устида чақади писта.

Айиқда полвонлик қачонлар ўлмиш,  
Ўрмон салтанатин унутмиш арслон.  
Йўлбарсда ўзликдан йўл-йўли қолмиш,  
Фақат терисига қопланмиш қоплон.

Ёдида қолмаган филнинг филлиги,  
Коридан Ҳиндистон хижолатдадир.



Ўрмон жонзотларин хилма-хиллиги  
Бир оҳанг остида – итоатдадир.

Мен одам наслидан бир муҳбир бўлиб,  
Болалик давримдан дараклар кутдим.  
Бу боғ сокинлиги ажиб сир бўлиб,  
Кўнглим қулогини борлиққа тутдим.

Овоз эркинлиги қафасда ҳам бор,  
Жонзот наърасига тўсиқ-четан йўқ.  
Бор гапки, ҳар нарса унда бекам бор,  
Бор гапки, уларда озод ватан йўқ.

Жамланди лаҳзада йиллар сабоги,  
Тарих тегирмони ажиб санъатдир:  
Огоҳ дил наздида ҳайвонот боғи  
Аҳлин руҳи ўлган бир мамлакатдир.

Фақат бир қувонч бор, ибрат ва сабот,  
Қийналса ҳам манзил ётлиги учун.  
Метин қафасларда турфа махлуқот  
Яшайди одамзод шодлиги учун.

### УСТОЗ БЎЛМАСА

Устоз Воҳид Абдуллаев хотирасига

Жаҳон ободлиги устоз биландир,  
Дилда қарор бўлмас, устоз бўлмаса.  
Камолот, қушуфот устоз биландир,  
Ишда барор бўлмас, устоз бўлмаса.

Йўқдан олим бўлди отамиз Одам,  
Ҳақдан таълим олди Сарвари олам,  
Сабаб оламинда бул қуни бекам  
Илму анвор бўлмас, устоз бўлмаса.



Ҳар йўл, ҳар соҳанинг бир пири бўлур,  
Эҳтиром дил аҳлин тадбири бўлур,  
Ҳар ишда устознинг бир сири бўлур,  
Кашифи асрор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ҳикмат кўп илму фан касбу корида,  
Дехқон кетмонида, дорбоз дорида,  
Ошпазнинг бир сири – гармдорида,  
Шогирд ҳушёр бўлмас, устоз бўлмаса.

Устоз қадрин билур ҳар қалби салим,  
Ҳаёт дарсларидан бергандир таълим,  
Диллар ардоғида азиз муаллим,  
Кимса сардор бўлмас, устоз бўлмаса.

Маърифат, иқтисод, санъат турлари,  
Осмон эшиклари, ер унсурлари,  
Устоз-ла очилгай Қуръон сирлари,  
Ҳадис ошкор бўлмас, устоз бўлмаса.

Пуштли, устозлидир ҳар бир синиқчи,  
Беустоз муҳандис – оддий чизиқчи,  
Устозсиз очилмас ҳатто қизиқчи,  
Сухан тағдор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ўзи ўсган дарахт мева бермагай,  
Сурчи ўз тўйида сурнай чалмагай,  
Сартарош ўз сочин ўзи қирмагай,  
Уста саркор бўлмас, устоз бўлмаса.

Устоз кўрган зотлар ишга омилдир,  
Заковат аҳлига бу сўз шомилдир,  
Устознинг авлоси пири комилдир,  
Дилда баҳор бўлмас, устоз бўлмаса.

Мирзо, ҳар кўнгилда ният бор бўлсин,  
Ватан обод, эл ҳам бахтиёр бўлсин,  
Покдил устозларга Тангри ёр бўлсин,  
Ҳаёт гулзор бўлмас, устоз бўлмаса.

## ТОШКЕНТ

Етти иқлим аро юрт кўп, шаҳар кўп,  
Тарих сиргоҳида бир дона Тошкент.  
Ёмон ҳар жойда ҳам қилмишин топар,  
Яхшига меҳрибон бир она Тошкент!

Қадим Турон аро насиблар тегиб,  
Дилларга яхшилик уругин экиб,  
Дўстларга дўстона бошини эгиб,  
Ёвга бош кўтарган мардона Тошкент!

Ернинг ой, қуёши, гарбу шарқи бор,  
Бағрингда юз ўттиз миллат халқи бор,  
Ҳар ўзбек фарзандин сенда ҳаққи бор,  
Ҳеч кимга эмассан бегона, Тошкент.

Ватан илму ирфон билан ободдир,  
Иймон, адлу инсоф элга қанотдир,  
Қалби озод халқнинг юрти озоддир,  
Юртга зиё берган нурхона – Тошкент!

Замин меҳрингга мос сарват кўргузар,  
Инсон инсонга хос шафқат кўргузар,  
Ҳар ким ўз ҳолича ҳиммат кўргузар,  
Шоҳнинг муруввати – шоҳона, Тошкент!

Ҳар ким ўз илдизин бир ён кўчирмас,  
Ҳар жойда мевали дарахт кўкармас,  
Шоир эркалигин ҳар юрт кўтармас,  
Ёшлик ҳисларимга ҳамхона Тошкент.

Ғариблик эзганда баъзан дилимни,  
Елкамда ҳис этдим дўстлик қўлингни,  
Устоз меҳри билан тутдим йўлимни,  
Меҳрибон дўст иши – дўстона, Тошкент!

Илму маърифатда қай юрт бош бўлур,  
Дарси Абулқосим, Кўкалдош бўлур,  
Кўҳакийлар бизга заминдош бўлур,  
Не-не азизларга хилхона Тошкент!

Ҳазрати Имомдан равшан каромат,  
Соҳибқирон кезган кўҳна Баноқат,  
Салору Чигатой, Кайковус, Бинкат –  
Тарих уммонида дурдона, Тошкент!

Бу кун жаҳон алқаб, бўлгай пурҳавас,  
Кўҳна Шош – ватанга меҳвар ҳар нафас,  
Сенга елкадошдир, ҳамдам, ҳамнафас,  
Сурхону Самарқанд, Фарғона, Тошкент!

## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*


Ҳа, мен сокин юрадирман ерга қараб,  
Балки, ҳикмат терадирман ерга қараб.  
Дунё ичра нигоҳимни гофил деманг,  
Мен осмонни кўрадирман ерга қараб.

\* \* \*

Бир сўзим бор, айтай сенга йўли билан:  
Эл бўлмагин элбўлмаснинг эли билан.  
Дунё билан муҳораба айласанг ҳам,  
Катта йўлда тортишмагин лўли билан.

\* \* \*

Қайтиши ҳам турфадир, ҳаёт жумбоқдир,  
Яхшиликка қайтмоқ – олга юрмоқдир.  
Зулмат, жаҳолатда илгари кетмоқ  
Тобора орқага қадам урмоқдир.





\* \* \*

*Улар шароб ичди, биз ичдик зиё,  
Улар дунё еди, биз тотдик маъно.  
Гуруҳлар қасрлар қурганда гуррос,  
Бизлар қабримизни безадик бир оз...*

\* \* \*

*Дўст, майли, тухмат қил, ҳақорат қилгин,  
Тангрим, сен сабрга ишорат қилгин.  
Қалбимга урилган ҳар бир озорни  
Бирор гуноҳимга кафорат қилгин.*

\* \* \*

*Деманг: Фалон деган банда хор ўтди,  
Йўқ, унда қанча бахт, ифтихор ўтди.  
Фақат ёндош туриб, сирдош билмади:  
Унинг гариб кўнгли дўстга зор ўтди.*

\* \* \*

*Бири кам келганлар бири кам кетди,  
Олам сарватлари дам-бадам кетди.  
Ҳеч нарсанг йўқ эди – борингни бердинг,  
Сендан нима кетди? – Сендан ғам кетди!*

\* \* \*

*Одамзод ҳар ҳолу мақомга келур,  
Қўр текса, тилсизлар каломга келур.  
Сени хўрлаганлар тазарруъ айлаб,  
Бир куни қабринга саломга келур.*

\* \* \*

*Кетмагил, гар кетсанг, фарзона кетгил,  
Мажнундек бўлиб чин афсона, кетгил.  
Нур бўлиб яшагил, Ҳақ хузурига  
Бир кун кетар бўлсанг, мардона кетгил.*

\* \* \*

*Элдошлар минг бўлса, турли тарафлик,  
Кўнгишлар бир бўлса – бир хил ҳадафлик.  
Дунёда қалбимни йиғлатган, эй ғам,  
Содиқ ёр топмадим сендан шарафлик.*

\* \* \*

*Дардингни ўз дилин тиглаган билур,  
Дарду ғамин пинҳон сақлаган билур.  
Ҳолингни дунёда қулганлар билмас,  
Кеча зулматида йиғлаган билур.*

\* \* \*

*Ер билан самонинг сенга фарқи йўқ,  
Паст билан аълонинг сенга фарқи йўқ.  
Айт бизга: ошиқлик қандай балодир?  
Дард билан давонинг сенга фарқи йўқ!*

\* \* \*

*Хоҳи ниёда бўл, хоҳи отда бўл,  
Сўзинг содда бўлсин, ўзинг содда бўл.  
Мудом хайратда бўл: кетганингдан сўнг  
Дуоини хайр ичра доим ёдда бўл.*

\* \* \*

*Айрилиқ азобин найдан билурсан,  
Бир висол қувончин тўйдан билурсан.  
Мудом ўз қалбингдан бехабар бўлсанг,  
Ўзгалар қалбини қайдан билурсан?!*

\* \* \*

*Йўл яна ўшадир, ул баҳор қани?  
Ерлар, қирлар ўша, лозазор қани?  
Қалб ўша, дил ўша – умидлар қайда?  
Умрингга нур берган ишқи ёр қани?*

\* \* \*

*Аслий дўсту ёрлар келсин биз томон,  
Ғамгинлар, беморлар келсин биз томон.  
Давлати борларни тўрға ўтқазинг,  
Фақат қалби борлар келсин биз томон!*

\* \* \*

*Умрингни кўп қисқа кўрса ҳам фалак,  
Нур дея, гул дея вужудинг ҳалак.  
Сени ўлдирсалар, танангда қон йўқ,  
Қонингни ким ичди, жоним, капалак?..*

\* \* \*

*Аввал кўзни асра, шул эҳтиётдир,  
Ҳар бир имолари махфий ҳаётдир.  
Йўқ, йўқ, кўзни асра, оламлар Рабби  
Кўзлар хиёнатин билгувчи Зотдир.*

\* \* \*

*Асл ғаввос бўлсанг, дурни кўргайсан,  
Соф бўлсанг, кетар чоғ хурни кўргайсан.  
Ҳамма ёқ зулмат деб ишқоят қилма,  
Ўзингда нур бўлса, нурни кўргайсан...*





Салим АШУР




## ИККИ ҲИКОЯ

### МУНЧОҚ

Воҳид ярим соат олдин ишини тугаллаб, кўчага чиқди.

Трамвайда бораркан, очик ойнадан баҳор ҳавоси юзига урилар, кун бўйи михланиб қоғоз титкилаганидан димиққан юраги қафасдан озод бўлган кушдек яйраб, потирлар эди. Кунлик иш мажбуриятидан қутулганига бир енгил тортган бўлса, атрофни кузатиб, кўклам кўркидан минг қувонарди. Йўлнинг икки ёғида, зилзиладан кейин қад ростлаган ака-укалардек уйқаш ҳовлиларнинг дарвозаси олдида чираниб ўсган ўриқларнинг гули асосан тўкилиб, япроқлари қафт ёзган, япроқлар орасида капалакдек нозик, андак-андак сарғая бошлаган яккам-дуккам гуллар титранар, шаҳар муҳитининг вазминлигиданми, қандайдир қийналиб, буришиб ўсган шафтолилар ғарқ гулга кирган, гуллари тоза ва тиниқ, қараган сари кўз ҳам ўхшаши йўқ покизалиқдан озиқланар, олча-гилослар оппоқ ҳарир ёпинган келинчалардек нафис чайқаларди.

Трамвай темир издан – бир хиллик ва қолипдан гўё чиқиб кетмоқчи-ю, шу боис чапга, ўнгга барабар силкинар, чизилган йўлдан чиқолмасликка маҳкумлигини тан олишни истамагандек, дам-бадам шахдига шахд қўшар, бамисо-





ли яхмалакда учаётган каби бир маромда сирғалар, сирғалган сайин тарақлар эди.

Тиниқ осмоннинг ғарбий буржида бир парча адашган булут кўринди. Булут оқ бўлиб оқ, қора бўлиб қора эмас, балки кулранг эди.

Воҳид Бешқайрағочга етмай, Гули бекатида тушиб қолди. У Хондамир кўчасида, Зайнаб опанинг уйида, тўғрироғи, ҳовли кунжидаги ташландиқ «временка» – хужрада ижарада туради.

Биринчи муюлишдаги биринчи уй. Қалин девор икки томондан кўча ва йўлақдан ажратиб туради. Учинчи томондан, кўшни билан ўртага одам бўйидан баланд шифер тўсиқ сифатида тортилган. Тўртинчи томондан эса кўшнининг уйи баланд девори билан қараб, яъни «орқа ўгириб» турибди. Кўк темир дарвоза икки табақали, одам кириб чиқадиган алоҳида эшиги ғийқиллаб очилиб-ёпилади. Ҳовлида бир туп ёзги, бир туп қишки олма, бир туп нок, бир туп гилос, бир туп олча ўсади. Баҳорда навбатма-навбат – бир у, бир бу дарахт гулласа, ёз бўйи меваларнинг бири қўйиб бири шигил пишади. Яйраб ўсган настарин, тартибсиз экилган бўлса-да, оқ, пушти, қизил атиргуллар сокин ҳовлига файз бағишлайди. Ток айни навқирон ёшда, гуркираб, ишқомдан тошиб, том устига ўрмалаб, кенг қулоч ёйган.

Ҳовлининг эгаси Зайнаб опа эмас, унинг руҳий касаллиги туфайли қирқ олти ёшда ҳам сўққабош ўғли Марат ёки ҳар замонда меҳмонга келадиган, икки фарзанд – бир ўғил, бир қиз-у, эрини бағрига олиб, шаҳарнинг Бешёғоч қисмида маъмур ва фаровон умргузаронлик қилаётган, ўқимишлигина қизи Лола ҳам, ижарада турган Воҳид ҳам эмас, балки шу ҳовлини гўёки жонли ҳаётга, тирикликнинг завқу шавқига тўлдирган Мунчоқ ва Бароқ иккаласи эди. Мунчоқ – оқ гуржи кучук, қулоқлари сал кам ерда судралади, думи нақ ер супуради. Бароқ эса малларанг мушук. Семизлигидан бутун вужуди диркиллади, жунлари ялтирайди. Бу иккисининг ёлғиз меҳрибони, тавба дейиш керагу, Парвардигордан ҳам олдин шу кампир эди.

Кампир – Зайнаб опа икки кам саксонда. Тарих фанлари кандидати, доцент. Нафақага чиққунига қадар университетда дарс берган – партия тарихидан. Ўқиган ва ўқитган нарасасига ўзи-да ишонган. Воҳид дастлаб келганида, яъни хужрани ўзига мослаштириб, зах ҳиди ўтирган кераксиз лаш-лушларни чиқариб ташлаётган маҳалда эски шкафнинг кичик бўлмасидан қалингина папка чиқиб қолди. Қизиқди, очиб кўрди. Машинада ҳафсала билан кўчирилган, тартиб билан тахланган. Сарғайган қоғозларни титиб, эринмай ўқиди ва билдики, Зайнаб Бекқулованинг кандидатлик даражасини ҳимоя қилиш учун тайёрлаган илмий иши. Мавзу – «Қорақалпоғистонда маккажўхоричиликини ривожлантиришда партиянинг ташкилотчилик роли».

Бу каби илмий мавзу бугун эриш туюлиши мумкин, ҳимоя қилинган замонда эса бундай мавзунини танла-маслик ғалати туюлар эди. Давр чиндан эврилди, бугун бу каби мавзулар ҳам, уларнинг қаҳрамонлари-ю, муаллифлари – тўқиб чиқарганлар ҳам эскирди.

Ҳа, эс-кирди. Инчунун, Зайнаб опа илмий ишини, бир вақтлар қизиқиб ёзиб қўйган қиссаси қўлёмасини, вақт ўтиб ўзига ёқмай қолганидан сўнг, йиртиб ташлашга кўзи қиймай, бир четга – қўл етмас жойга итқитган

талабчан ёзувчи сингари, кўздан панага улоқтирган эди. Бу Зайнаб опага ўхшаган виждонли эски одамлар учун ўз умрини, ҳаётини, маслак-аъмолини, пировардида ўзини четга улоқтириш билан баробар эди. Тузум ўз зуғумига ўзи дош беролмай, чок-чокидан дарз еганда унинг тешик, тирқишларида, ўпқонида бутун-бутун авлодлар, бенаво тақдирлар ва бечора қисматлар чўкиб, йўқ бўлиб кетар экан-да. Буни авом англамаслиги мумкин, лекин илм кишиси... ҳар ҳолда...

Бу каби зиддиятли мулоҳазалар, кундан-кунга янгиланаётган, ўзгараётган баҳо ва мезонлар, тарихчи аёлнинг умр уммонини тарк этиб, бошқа уммонлар сари ўтиб бораётган ҳаёт кемаси, яъни олиманинг истак-ихтиёрига бўйсунмаган тараққиёт қонуниятини, аниқроқ қилиб ифодалаганда, ҳаёт ҳақиқати шафқатсиз тарзда ожизани асабий, тажанг, абгор қилиб қўйган эди. Сийпалаб айтганда, у давр зиёлиларининг пешқадам, виждонли, иймонли вакили, ўз аъмолига ҳеч қачон хиёнат қилмаган. Ҳақиқатчи деб ном чиқарган. Тарбияси, принципи, дунёқарашини шу тарзда шаклланган банда эди.

Энди-чи, энди нима бўлди, у тиклаган аъмол иморати таг-туғи билан куйиб кул бўлмадимми?!

Бу ожизона маҳқумлик миллионларнинг бири бўлган бу зиёли аёлни шубҳакор, сергумон ва беқарор қилиб қўйган эди.

Ҳозир яшаб турган ҳовлини ҳам зилзиладан кейинги йилларда, университетдан берилган участкада эрсиз, ёлғиз боши билан тиклаганди. Ўша пайтлар фарзандлари ёш, уларга алоҳида қаров талаб этиларди. Албатта, чангга, лойга ботиб усталар ишлаган, лекин бир уй тиклангунича усталарни ишлатиб, уларга кўз-қулоқ бўлиб туришининг ўзи бўладими? Уй ҳозир ҳам бировникидан ортиқ, бировникидан кам бўлиши мумкин, аммо не бўлганда ҳам, зарур қулайликларга эга.

Воҳид ҳали темир дарвозага яқинлашмай, муюлишдан қайрилиши ҳамона кучук ҳурди – кампирга хабар берди. Шунақа ўзи: қадам товушлари эшитилиши билан Мунчоқ ким келаятганини фаҳмлайди. Ўткинчи бўлса, ҳуриб ўзини уринтирмайдиям, ҳафсала қилса, ғингиб қўя қолади. Шу ҳовлида яшайдиганларни эса қадам олишидан ажратади. Таниш қадам товушларини эшитаркан, келаятган одамнинг кайфиятини илғаб, ўшанга мос вовиллайди, гўёки мажбуриятини бажаради – бекани хабардор этади. Шу Мунчоқ туфайли бу ҳовлида алоҳида эшик кўнғироғига ҳожат йўқ.

Кампир инқиллаб-синқиллаб эшикни очди. Унинг юзида кейинги пайтларда норози қиёфа қотиб қолган эди. Оёғини зўрға ердан узиб, пилдираб айланаётган Мунчоқни ҳайдаган бўлди. Мунчоқни ичида жони бор, кераксиз копток эмаски, бутунлай нарироққа кетса...

Воҳид кўчалик кийимларини ечиб, эгнига уй кийимларини илди. «Қулбаи вайрона»нинг ўзиям кимсасиз зериккан ва ғариб кўринар эди.

«Қулбаи вайрона» деганимиз стол-стул, шкаф, антикварга айланган эски тахта диван, шалоғи чиққан каравот ва газ плитани бағрига олган чоғроқ хона. Дарсхонаям, емакхона, дам олиш хонасиям шу. Томда баъзан шовир-шувир бўлиб қолади: сичқонлар улбул талашиб, чийиллаб бир-бирини қувиб қолса керак, ҳойноҳой. Пастдан кўтарилаётган зах шунчалик





майинки, баъзан сезилмайдиам. Эшик, дераза зичлаб ёпилса-да, тешик, тирқиш қолади.

Воҳид елкасига сочиқ ташлаб, ташқарига чиқди. Тугмалари ўтказилмаган кўйлагини чаққон ечди-да, гилоснинг шохига илди. Ҳовли четидаги водопровод жўмрагини очиб, энгашиганча бет-қўлини юваркан, елкаларида ёмғир томчиларини ҳис этди. Томчилар совуқ эди. Тепага қаради. Ғарбдан қора булут тўлғониб-оқиб келарди. ёмғир сония сайин тезлашарди. Кўйлагини шохдан олиб, кийишга ҳам тоқат қилмади, қўлтиқлаб ичкарига ўзини урди. Эгнидаги майкаси ҳўл бўлган эди. «Баҳор ҳавосига ишониб бўлмайти-да», деб хаёлидан ўтказди.

Юпқа тўшак тўшалган тахта каравотга чўзилди-да, бир табақаси очик деразадан дарахтларнинг қучоқ-қучоқ гул тутган новдаларига тикилиб, хаёл суриб ётди.

У нима ҳақда ўйламасин, фикрлари бир «қозик»да айланаверарди, бу – иш эди. Тезроқ ўзини кўрсатишни, у ҳақда ҳамма жойда оғиз кўпиртириб гапиришларини, ҳозиргидан чандон яхши кун кечиришни истар, бутун ҳаракатларини шу мақсад атрофида жамлаган, шаҳри азимда бекорга мусофир бўлиб юраганини, билдирилган ишончни тезроқ оқлашни дилдан хоҳлар эди. Шу боисми, шаҳарнинг ўзбекона муҳит ҳукмрон маҳалласида ижарашин эса-да, бу ердагилар, хусусан, қўни-қўшнилари билан эл бўлиб кетолмади. Кўча бошидаги кўк дарвозадан ҳар куни бир неча бор кириб-чиқишини кўпчилик билмасди.

Қанча ётганини у билмайди, кўзи илинган экан, аллақандай товушлардан уйғониб кетди. Шуҳрат келдимикан, деб ўйлади. Шуҳрат – жияни, талаба, бирга туришади. Лекин у кўпинча ётоқхонада курсдошлари билан ётиб юради. Жўрабозликни, посон кийиниб, пўрим юришни, катта еб-ичишни яхши кўради. Доим кинома-кино, паркма-парк, бозорма-бозор санғийди. Қизларга ҳам суяги йўқ. Дарсгаям борса-боради, бормасаям ҳеч ким ҳеч нарса демайди унга. Баъзан ярим кеча, баъзан тонготарда кўзларини уқалаб кириб келаверади. Бундай пайтларда Мунчоққа худо беради: вовиллаб, кичкина жони билан катта маҳаллага жар солади.

Лекин бу гал Воҳидни уйғотиб юборган шовқин хонадошининг қадам товушлари эмас, умуман бошқача гала-ғовур эди. Шундоқ ёнида нимадир гувиллар, нимадир тарақлар, томда сичқонлар жуда безовта, у ёқдан-бу ёққа гала-гала бўлиб пилдиллаб ўтиб-қайтар, буни тепадан эшитилаётган шошқин шатир-шутир овозлардан сезиш мумкин, олам-жаҳонга бадбўй ҳид ёйилган эди.

Воҳид туриб ўтирди, дивандан оёғини ерга қўяр экан, тўпигигача сувга ботди. Сер солиб қараса, хонани сув босган, юпқа шолчалар сувда кўтарилиб турибди.

У шошиб қолди. «Наҳотки, жўмрак очик қолиб, қувурга латта-путта тиқилган бўлса, наҳотки, сув тошиб, кулбагача оқиб кирган бўлса?!» деган ўйда довдиради.

Каравот тагидаги буюмларни тез олиб, диван устига қўярди. Янги кийиму бошқа арзанда нарсалари жойланган жомадонни кўтарган эди, одатдагидан оғирроқ туюлди. Дарҳол сезди: ичига сув кирибди. Шуҳратнинг

жомадонини ҳам диван устига қўйди. Ундан жўриллаб сув оқди.

У илгари бундай ҳолатда бир неча бор машқ қилиб кўргандек, ишонч билан ҳаракат қиларди.

Кўк темир дарвоза тақиллади. Бошқача тақиллади: қандайдир бўғик, лекин ваҳмкор... Шундай бўлади ўзи, ёмғир сасни бўғади. «Шундай ёмғирда қанақа аҳмоқ келиши мумкин?...» – деб ўйлади. Тақ-туқ тобора кучаярди. «Кимдир қишлоқдан келган-ов, қўни-қўшни бундай пайтда иссиқ ўрнини совутмайди-ку...»

Дарвозани очиш учун ташқарига чиқди. Ёмғир челақлаб куймоқда. Чуқур ҳовли сония сайин сувга тўлади. Зайнаб опа ҳам цемент зинадан тушиб, ҳовлининг нариги томонидан дарвозани очгани келмоқда. Воҳид жойида туриб қолди, кампир балки кимнидир кутаётгандир?

– Ҳозир, ҳози-ир! – деди Зайнаб опа жаҳл аралаш. – Ҳозиргилар бунча бетоқат бўлиб кетишган-а! – Дарвозанинг темир илгагини олишга уринар, лекин кучи етмасди. Тақиллатаётган дарвоза очилишини кутмас, билъакс баттар тақиллатар эди. Воҳиднинг кўнгли алағда бўлди. Шиппаги сувга ботиб келди-да:

– Тўхтанг, мен очаман, – деди тараддулланиб. Бу пайтгача кампир илгакни олишининг уддасидан чиққан эди.

Илгак олинди-ю, дарвоза шиддат билан очилди. Кампир ҳам, Воҳид ҳам дарвозани тутиб қололмади. Дарвозани катта куч билан сурган сув эди. Очилган дарвозадан ҳовлига сув шиддат билан оқиб кирарди. Дам-бадам келаётган тўлқин дарвозани таг-туғи билан суғуриб отмоқчидек замзама қиларди.

Кўча баланд, ҳовли паст, саркаш сув ҳовлига боштириб қиради. Бир пасда ҳовли катта ҳовузга айланди-қўйди.

Кампир чайқалиб, мувозанатини йўқотди. Оёқларида туриб қололмади. Тизза бўйи сувга чалқанча йиқилди. Оғзи-бурнига сув тўлганиданми ёки сув совуқ эканми, бирдан уни ўчди. Туришга урингани сари оёғи тояр ва яна йиқиларди. Шайтон қурсин, нохуш кулги Воҳиднинг томоғига тиқилди, яхшиямки ўтмади.

Воҳид аҳволни тушунди. Кампирни қўлтиғидан олиб, суяб-судраб уйига олиб кирди. Кампир нукул ўқчир, қандайдир оятни чала-чулла қайтарар, сўзларини англаб бўлмас эди. Хаёли қочди, шекилли, бир «скорий»га телефон қилиш керак, бир «пожарний»ни чақир, тез, тез бўл», деб ғудранар, бундан ортиғига тилиям айланмасди.

Воҳид тушунди: Зайнаб опа – қарилликни бўйнига олишни истамайдиган бу кампир энди ўзига келиши, кийимларини алмаштириши керак.

Ҳовлини тор билган сув ўртадаги шифер тўсиқни ағдариб, тизгинсиз лашкардек қўшни ҳовли сари интилди.

Воҳид тизза бўйи сувни кечиб, қўчага чиқди: «Нималар содир бўлаяпти ўзи?!» Кўчани бор энига қоплаб, бошдан қуйига пишқириб келаётган сувни кўриб, юраги орқага тортиб кетди. Гўёки юраги урмай қолди ёки ғоят тез уриб кетди. Йўл, йўл четидаги йўлаклар, йўл билан йўлак ўртасидаги бетон ариқчалар... ҳеч, ҳеч нарса йўқ, фақат сув бор эди. Асов сув деворларга урилар, «Девор, сен зўрмисан, мен зўрми?» – дегандек куч синашар, турган жойида донг қотиб қолган дарахтлар би-



лан бахслашарди гүё. Уйларнинг олдида турган енгил машиналар шинасининг ярмигача сув ичида қолганди.

Гоҳ у, гоҳ бу ҳовлидан йиғи-сиғи, дод-фарёд овозлари эшитилар, барча овозларни сув шовқини ютиб юборарди. Одамлар уйдан кўчага чиқишар, кўчада юриб бўлмас, аёллар йиғлар-сиқтар, чоллар, кампирлар баланд овозда тиловат қилишарди. Болалар-чи, болалар... Бутун оламга зид равишда қувнашарди! Негадир болалар жала олиб келган селдан кўрқишмас эди.

Дайди итлар, эгасиз мушуклар, кўқда гала-гала айланадиган қушлар... ҳамма-ҳаммаси ном-нишонсиз кетган эди.

Жала қандай тез бошланган бўлса, шундай тез ўтди. Фақат... фақат ҳовлида, кўчаларда қалин лой-балчиқ қолди. Ҳавода бадбўй ҳид ва рутубат айланди.

Эртасига Зайнаб опа касалхонада ётадиган бўлди. Темир йўлда вагон кузатувчиси бўлиб ишлайдиган қизи вагон машинисти – куёви билан келиб, уни машинага ўтқазиб, олиб кетишди. Қиз ва куёв доим шошиб келиб-шошиб кетишар, юриш-туришлари режали, иш важдан шекилли, вақтни ҳаммиша ҳисоб-китоб қилишар, кетар чоғларида яна қачон келишларини кун, соатига қадар айтишар, она-қайнона доим: «Набираларимнинг дийдорига тўядиган кун ҳам борми?...» дея зориллар эди.

Машинага ўтирар экан, кампир инқиллаб-синқиллаб бир гапни қайта-қайта такрорлади:

– Воҳид, Шухрат, Мунчоққа яхши қаранглар, оч қолмасин. Овқатини вақтида беринглар, тунда хабар олиб туринглар-а ундан. Ҳураверса, китоб ўқишга халал бераяпти деб калтаклайсизлар уни, биламан, лекин мен йўғимда урманглар, у ўчакишиб, баттар хуради. Ўшандай пайтда оч қолган бўлади. Холлодильникка колбаса, нон, суяк, эт қўйиб қўйдим. Ўзларинг еб қўйманглар, Мунчоққа беринглар. Мунчоқ оч қолмасин... – кампир негадир мушукни эсламади, унинг номини ҳам тилга олмади. Бу пайтда Мунчоқ оёқ тагида пилдирар, Зайнаб опанинг оёғини ялаб-юлқар, суйкалар, баландга сакраб, бармоқларига тумшугини теккизарди, халатининг этагини тишлаб ортга тортар, қўйвормас, дарвозадан чиққани қўймас, куёв дамбадам оёғи билан туртиб ҳайдаса-да кетмас, унга сайин баттар жаврар эди.

Ит бор-йўғи ит-да, шунча одам унга қулоқ осармиди, мабо-одо, жа-а ақлли бўлган тақдирда ҳам?!

Кампир кетди, дарвоза илинди. Мунчоқ мунчоқ-мунчоқ ёш тўқди. Келиб суйкалаётган, қувлашиб ўйнагандагидек гоҳ қулоқлари, гоҳ думидан тишлаб тортиб, ирғишлаб қочаётган, ўйнаб-қувнашга ундаётган Бароққа парво қилмас, ҳатто қайрилиб қарамасди.

Уч кун бўлди – Мунчоқ ҳеч нарса емайди, ичмайди. Тиқ этган товушга қулоғи динг бўлади. Кўчадан қадам товушлари эшитилса – бўлди, дарвоза тагига ётиб пойлайди. Ҳар сафар ҳафсаласи пир бўлади. Бароқнинг шўхликларини кўтармайди, ўйнамайди у билан. Гўёки Бароқ деган мушукни танимайди, ҳаётида кўрмаган уни. Ҳолбуки, иккаласи бирга – иккита ит ёки иккита мушук каби катта бўлишган. Орада «ит-мушук»чилиқ сезилмаган ҳеч. Битта беканинг қўлидан нарса еб, саховат ва марҳаматидан баравар баҳраманд бўлишган. Энди-чи, кампир кетди-ю, ора-

ларидаги иноқлик кўтарилди. Мунчоқ ўзгарди, кун сайин бошқача бўлиб бормоқда. Доим кўзлари нам, аввалги ўти йўқ. Бароқ эса ўша-ўша, ишкомга тирмашиб томга чиқади, томда каптарлар билан қувлашади. Томдан нарига – қўшниларикига ҳам ўтиб келаверади, хоҳласа келмайди, ихтиёри ўзида. Кун қиздирганда гулбутанинг тагида хумордан чиққунча ағанайди.

Мунчоқ эса... кампирнинг эски шиппагини авайлаб тишлаб, у ёқдан-бу ёққа олиб юради. Титилиб кетган шу арзимас оёқ кийими устида «қулча» бўлиб ётади. Ҳолбуки, кампир уни ахлатга итқитишга кўзи қиймай, бурчакдаги картон яшикка ташлаган эди. Ит бир талай оёқ кийимлари орасидан нуқул шуни топиб олаверади.

Бир гал Воҳид шиппакни Мунчоқдан тортиб олмоқчи бўлди, балки шу шиппак деб нарса емаётгандир бу жонивор? Қайда, Мунчоқ шиппакни бермади, оламан деб узалган қўлга худди катта йиртқичлардек ташланди. Ҳай, ҳай демаса, тирноғи билан тилиб ё тишлаб олишдан ҳам қайтмайдигандек эди. Миттигина бўлиб, унга солиштирганда тоғдек одамдан тап тортмас, ҳайиқмас эди.

Воҳид ҳам, Шухрат ҳам ўз ташвишлари – ўқиш ва юмушлари билан овора эди. Ит ёки мушук ташвиши ёш йигитларнинг қайғуси бўла олармиди?!

Аввалига эътиборсиз бўлишди. Кейин – орадан бир ҳафта ўтгач, ҳушёр тортишди. Мунчоқ сўлиб қолганди. Кампир тайинлаб кетганидек, музлатгичдан колбаса, суяк, эт беришса-да, ҳатто ҳидлаб кўрмас, нафақат ҳидламас, балки қайрилиб қарамас, фақат баҳорнинг куйдиргучи куёшидан беркиниб сояга ўтар, кампирнинг шиппагига баъзан бошини қўйиб, баъзан бағрини бериб ётарди.

Қўйилган нарсалар сасиб, бижғиб кетди. Ит ялоғини моғор босди.

Бароқ ўзига керакли нарсаларни ажратиб олди.

Йигитлар ҳайрон бўлишди: нега шу нарсаларни кампир берганда Мунчоқ ютоқиб ер эди-ю, бизнинг қўлимиздан емайди бу ит?!

Зайнаб опа касалхонага тушгандан буён руҳий бемор ўғли Марат синглиси Лоланинг уйида турар, нега деганда унинг ўзига алоҳида қаров зарур, доридармон ва муолажаларини тайин бир вақтда қабул қилиши керак, бу тартибга ўзи риоя қилолмас, бундан ташқари уни доим тергаб турмаса, ўз бошича номаълум ёқларга кетиб қолар, ўзига қарашни билмас, ён-атрофдагиларга масхара бўлар, уйга бир ташвиш келтирар эди.

Икки ҳафта деганда Лола, эри ва Марат келди. Зайнаб опа яна икки ҳафта ётадиган бўпти. Кампирга тоза уст-бош, бошқа зарур нарсаларни тугун қилиб олиб, яна дарҳол қайтиб кетишди.

Ётган жойида кампир: «Тоза қўйлагимни кийдиринглар...» дермиш, «Мунчоғимни соғиндим, менсиз ҳоли нима кечдийкин?...» деявериб, ҳамшираларни ҳам ҳол-жонига қўймасмиш.

Мунчоқ эгасининг фарзандларини таниди. Бир-икки ҳуриб, сас берди. Уларнинг изларини, оёқ кийимларини ҳидлади. Атрофларидан бир-икки айланди, лекин олдинги шўхлигу эркаликларини қилмади. Бароқ эса уларнинг олдида шишиниб кетди, «хунари»ни кўрсатиб қўймоқчи бўлган «манман» дорбоздек иш-



комга тирмашди, ундан томга чиқиб, бир-бирининг пар-патиға маҳлиё бўлиб «ку-ку»лашаётган бир тўп каптарни тўзғитиб юборди...

Лола онаси тайинлагандек қилди: ит ялоғини ювиб тозалади, музлатгичдан колбаса, эт, суяк олиб кўйди. Ўзи ҳам целлофан халтачада суяк келтирган экан, ким билади қаердан олган буни, ўраб музлатгичга кўйди. Сув идиш – темир товоқни ювиб, сув тўлдирди.

Аммо Мунчоқ бу сулукатга қайрилиб қарамади.

Лола бир ёнда, Марат бир ёнда:

– Мунчоқ ойимни соғинибди, ойимни соғинибди, – деб куйинишарди, лекин куёв аҳволни сезди, шекилли:

– Ҳаҳ, бечора-я, ойижонга жуда ўрганган экан-санда-а, – дея хўрсинди-да, Мунчоқнинг бошини юмшоқ силади. – Уйга олиб кетсакмикан-а?..

– Уйга қатга обorasиз, «дом»да ҳамма жойни расво қилади-ю, ким буни кетидан тозалаб юради, буни устига сиззиям, маниям кўлимиздан нарса емайди-ку, бу ўлгур исқирт ит, – дея бобиллади Лола; шунга ўхшаш ҳолатларда аёллар эрларини жеркиброқ ва асабий гапирадилар, Лола ҳам худди шундай қилди.

Уч ҳафта бўлди, кампир касалхонада.

Мунчоқ энди муштдеккина бўлиб қолган, кўзлари чуқур ботган, оёқлари толхивичдек, думи арқондек ингичка тортган эди. Оппоқ пахмоқ жунидан асар ҳам қолмади, сарғайиб кетди. Бошини кўтаролмай энди бир жойда ётар, қовурғалари қошиқ дастасидек билиниб турар, кун давомида жойини бир ўзгартирса ўзгартирар, бўлмаса умуман ўзгартирмас эди.

Егуликка қайрилиб қарамасди.

Воҳид бир парча этни олиб, Мунчоқ ёнига борди. Мунчоқ бошини қийнаиб кўтарди, ён томонга мўлтираб қаради, кўзлари сўник эди, бошини тутиб туролмади – шиппак устига кўйди.

Ит этни ҳидламадиям.

Бароқ ўйноқлаб келди-да, этни илиб қочди.

Мунчоқ қийнаиб ўрндан турди, шиппакни тишлаб, ҳовли четиға, қурилишдан қолган синиқ гиштлар-у, шифер парчалари уюб кўйилган бурчакни мўлжаллаб юрди. Оёқлари гавдасини тутолмас, ҳамма ёғи қалтирар, титрар эди. Ярим йўлга бормасдан йиқилди, оғзидан шиппак тушиб кетди. Ит шиппакка бағрини берди.

Воҳид Мунчоқ ёнида куймаланишаётганидан дадилландими ёки бир томоша кўрсатиб, буларни хурсанд қилай дедимикан, ишқилиб, Бароқ ўқдек учиб келди-да, Мунчоқнинг тагидан шиппакни суғуриб қочди. Шу қочишда ишкомга, ишкомдан томга ўтди, томда шиппакни худди чалажон сичқонни ўйнагандек ўйнади, кейин кўринмай қолди.

Мунчоқ шиддат билан хезланиб, Бароқнинг ортидан ташланганди, аммо... Аммо ҳеч қанча босмай, боши тагида қолиб, ўмбалоқ ошиб тушди. Ўзини ўнглаб ололмади. Ётган жойида тез-тез хириллаб нафас олар, бутун вужуди сопқондек кўтарилиб тушар, кўзларидан сув томчиларди...

Тўрт ҳафта ўтди.

Мунчоқ бир жойда – ўша йиқилган жойида ётиб қолди. Бошини кўтаролмас, кўзғалопмас, қулоқларини, думини-да қимирлатолмас эди. Қовоқлариям қимирламас, кўзлари ҳаракатсиз эди. Фақат юқалашиб

қолган теридан ит юрагининг қийнаиб, эриниб тепиши билиниб турарди.

Бароқ Мунчоқнинг ҳолидан хабар олмай кўйди. Кейинги икки-уч кунда умуман кўринмади.

Эрталаб ювингани чиққан Шухрат бироз ўтиб ташқаридан деразани тортиб очди, ичкарига бош суқди-да:

– Воҳид ака, Мунчоқ ўлиб қолибди, – деди ҳовлиқиб. – Энди нима қиламиз, Зайнаб опага нима деймиз?..

Йигитлар маслаҳат қилишди: Мунчоқ – жонивор, ахлатга ташлаб бўлмайди, ахлат машина келганда бериб юбориш, барибир, ахлатга ташлаш билан баробар...

Жони узилган жойдан чуқур ковлаб, жуда чуқур ковлаб кўмишди, ер билан текислашди. Оёқости бўлмасин, деган мулоҳазага бориб, гул экиб кўйишди,

Шундай қилиш жоизми, ножоизми – билмасдан, Воҳид ичида билганича оят ўқиди, чамаси Шухрат ҳам шундай қилди.

Шу-шу, Бароқ бу ҳовлида бошқа кўринмади.

Икки кун ўтиб, Зайнаб опа дов-даска билан уйга келди. Қизи, ўғли, куёви кампирни кўллаб-кўлтиқлаб машинадан тушириб, уйга олиб киришди. Кимсасиз уй ғала-говурга, нурга тўлди, ҳовлига қандайдир катта ҳаётнинг бир бўлаги кириб келгандек бўлди.

Лола деразадан бошини чиқариб, ҳовлининг тўрига қараб бақирди:

– Воҳид, ҳу Воҳид, сиззи ойим чақирвоттила...

Воҳид атай бормади. Ўзини уйкуга солиб ётди. Кампир Мунчоқни сўрашини билди. Сўраса нима дейди?..

Қизи билан куёви кўп ўтирмади, ишли одамларда, тез кетишди. Иккаласи ҳам яқин соатларда сменага чиқиши керак экан.

Ҳеч қанча ўтмай, ҳовлини айланиб кўздан кечирган, дарахт ва гулларга унча эътибор бермай, водопровод жўмрагини очиб-ёпиб кўриб, унинг ижарада турган йигитлар томонидан бузилмаганлигига ишонч ҳосил қилган кампирнинг ўзи «временка» эшигини тақиллатиб келди. Хонани обдон кўздан кечирар экан, лиқиллоқ стулга ўтирди.

Зайнаб опанинг рангига ранг югурган, даволангани, кучга киргани дадил-дадил гапиришларидан ҳам аён эди. Воҳиддан Мунчоқни сўради, «нега кўринмаяпти?» деди.

У, Мунчоқ энди бу ёруғ оламда йўқлигини айтганда, кампир шилқ этиб ёнига йиқилди.

Марат, Шухрат, Воҳид учаласи кампирни авайлаб ётоғига олиб ўтишди. Кампир пардек енгил эди.

«Тез ёрдам»да келган шифокор Зайнаб опа инсулт бўлганини, уни кўзғаш мумкин эмаслигини айтди.

Кампир шу ётишда тўрт ҳафта ётди. Тилдан, ҳаракатдан, овқатдан қолди. Мунчоқ сўнги кунларини қандай яшаган бўлса, кампир ҳам худди шундай яшаётган эди, яъни кундан-кунга шамдек сўниб борарди.

Кўзлари чуқур чўқди, юзи суяк устига терини ташлагандек шалвираб осилди. Бармоқлари қаламдек ингичка тортди. Бутун вужуди кичрайиб, муштдеккина бўлиб қолди.

Лола – меҳрибон қизи, нима овқат тайёрлаб тутмасин, ютмади, томоғидан ичкарига ўтказмади. Фақат



сувни тўхтатолмас, сув сирғалиб томоғидан ўтарди.

Тўрт ҳафта деганда кампирни ғарғара тутди, хириллаб, зўрға-зўрға нафас оларди. Кутилаётган воқеани истамагандек, чойшаб остида муштипар юрак гурсиллаб тепар, кўкрак темирчининг босқонидек кўтарилиб тушар эди.

Қизи, ўғли, куёви, набиралари рози-ризалик қилишди. Кимдир яширинча кўзёш қилди, кимдир баралла ўқинди. Энди бу воқеа нима билан тугашини ҳамма ич-ичдан англади эди.

Воҳид билан Шуҳрат гарчи ижарада туришса-да, яъни бу хонадонга нисбатан бегона бўлишса-да, гўё

кампирдан ҳол сўрамоқчидек узун-қисқа бўлиб, бош эгиб киришди. Кичик набира – ҳали мактаб ўқувчиси, боқибегам бола момосини шу кўйга солган Мунчоқнинг ўлими тафсилотини сўраб қолди.

Воҳид Мунчоқ кампирнинг шиппагини бермай олиб юргани, унга гоҳ бошини кўйиб, гоҳ бағрини бериб ётганини гапирар экан, тўрт ҳафтадан буён қимир этмаган кампир хиёл кўзғалиб қўйди-да, «уҳ» тортиб юборди.

У сўнги нафасини олган эди.

Март, 2011 йил

## ҚОР МАЙДАЛАБ ЁҒАРДИ

Баҳром компьютерни ўчиришга шайланаркан, но-хос телефон устма-уст жиринглаб қолди.

У кун давомида кўнғироқлардан безиб қолар, ҳар гал телефоннинг «варажаси» тутганда ток ургандек сесканиб кетарди. Ҳозир юраги дукурлаб гўшакни кўтараркан, биринчи ўринбосар дағал овозда дўриллади:

– Ходимларнинг бир кунлик ҳисоботини, эртанги иш планини тайёрлаб киритинг. Муддати, ижрочи, масъулларни аниқ кўрсатинг. Эртанги семинарга борадиганларнинг объективкасини тахлаб кўйинг. Яқин қариндошларини ҳам кўрсатинг, биласиз-а, қайнана-қайната ҳам яқин қариндош ҳисобланади...

Эътироз бирдирмоқчи, «бунинг кимга, нима кераги бор», демоқчи эди, бошлиқ сезиб қолгандек қатъий: – Марказий кенгашдан сўрашяпти, – деди.

Тамом.

Баҳромнинг устидан қайноқ сув куйилгандек бўлди – куйиб кетди, «Ҳар куни бир нағма ўйлаб топшади, – деб хаёлидан ўтказаркан, қизиган тошдек чирсиллади. – Кунлик ҳисобот, кунлик режа... бизнинг ишимизда буни нима кераги бор? Ҳамма ўз ишини билиб қилаверса... Аҳмоқлар, икки соатлик йиғинга иштирокчиларнинг объективкасини нима қиласан, гўрингга ғишт қилиб қалайсанми?... Тағин яқин қариндошлари эмиш... Шунча дардинг бор экан, икки соат олдин айтмайсанми, ярим кун олдин айтмайсанми?...» деган ўйда асабийлашарди. Яна компьютерни ёқди, айтилган қоғозларни ҳозирлашга киришди.

Энди мобил телефони жиринглаб қолди. Шошиб деворга осиглиқ соатга қаради: роппа-роса саккиз. Иш вақти тугаганига икки соат бўлган, «икки соат ортиқча ишладик, буни пулини энажонинг тўлайдимми?...»

У мобил телефонининг яшил тугмачасини босиб, қулоғига қўйди, бошини ёнга энгаштириб, кифтига қисди, қўллари компьютерда клавишларни терарди.

– Келақолмайсизми энди, – деди телефонда хотини зарда билан, – букчайиб ётиб қолди каттангиз. Келмасангиз айтинг, «скорий»ни ўзим қақирай?...»

Икки-уч кундан буён катта ўғли «оғрияпти» деб қорнининг гоҳ у, гоҳ бу ерини кўрсатади, инграйди. Ўнг

биқинини баъзан чангаллаб қолади.

Энг қизиғи, бу дард тунда кўзийди, эрталаб йўқолади. Оғриқ уйғонганда «тез ёрдам»ни чақирмоқчи бўлишади, аммо «иситмаси бўлмаса, «тез ёрдам» келмайди», деб хотини кўрикни эрталабга қолдиради. Бола эса наҳорда ўзини соппа-соғ ҳис этиб, «дўхтирга бормаيمان, мактабга бораман» деб оёқ тираб туриб олади.

– Иссиғи чиқдимми? – деб сўради Баҳром.

– Йўқ, чиққани йўқ, лекин бола кўкариб кетаяпти.

– Ундай бўлса, «скорий»ни эмас, Суннатни чақир, мошинасида келсин. Олмазордаги «Шошилинич тез тиббий ёрдам»га олиб боринглар. «Скорий» чақирсанг, ким билади, қанақа дўхтир келади, қаёққа олиб боради?... Мен ишдан чиқиб тўғри ўша ёққа бораман. Ҳозир қўлимга иш беришди. Кутиб туришибди, топширмасдан кетолмайман, – шундай дер экан, Баҳром ўйларди: «Шу қоғозбозликнинг кимга кераги бор, нима учун?...»

Ташқарига чиқса, ёмғир аралаш қор ёғяпти – кўз очирмайди. Ҳаво совуқ. Машинани қиздиришга кетган вақт ҳам Баҳромга жуда узоқ туюлди.

Касалхона қабул бўлимида – кираверишда ўнг томондаги ўриндикда хотини, қайнисини Суннат ўтирарди. Баҳромни кўриб, баравар туришди. Энгил-бошидан қор қолдиқларини қоқаркан:

– Саид қани? – деб сўради Баҳром.

– Ичкарида, анализга қон олишяпти, – деди хотини, тепасига катта-катта ҳарфларда «Таҳлилхона» деб ёзилган эшик томонга кўзи билан имо қиларкан. Эшик олдида беш-олти чоғли одам тўпланган эди.

– Врачлар аппендицит дейишяпти, – деб гапга қўшилди Суннат поччасига кўришиш учун қўл чўзаркан. – Анови турган ёш дўхтир қорнини босиб текшириб кўрди. Энди қонни анализ қилиш керак экан.

Баҳром қизиб кетди. Иссиқ курткасини ечаркан, хотини қўлидан олди:

– Анову оқ халатли билан ўзингиз гаплашиб кўринг-чи, нима деркин.

Катта залнинг бир бурчаги «акфа» билан ўралган, тепасига «Рўйхатхона» деб ёзилган, одам бўйи ке-



ладиган тўсиқнинг кўкрақдан тепа қисми ойнаванд эди, ичкарида оқ халатли қизлардан бири телефонда сўзлашар, бири катта дафтарга нималарнидир қайд этар, яна бири, касаллик варақалари бўлса керак, бир уюм қоғозни титкиларди. Оқ халатли ўрта бўй йигит ташқарида туриб ичкаридаги телефон гўшагига энгашганича гаплашар, бутун гавдасини бир оёғига ташлаб, тебраниб турарди.

«Нима десам экан, нимадан гап бошласам экан?... – деб ўйлади Баҳром. – Аввал пулдан гап очсаммикан, дўхтирлар пулни яхши кўради, дейишади-ку. Ёки бу бола менинг ўғлим бўлади, яхшироқ қараб беринглар, десам, кейин ўзи бир нима дер, муддаосини айтар...»

Йигит гўшакни кўйди. Қизлар билан гап сотишиб тураверди.

Ён-атрофда қалин кийимларга ўраниб олган беморлар оёқларини оғир судраб у ёқдан-бу ёққа ўтиб-қайтар, баъзилари букилиб зўрға-зўрға қадам босар, аравачаларда боши бир ёққа оққан, касалхонанинг жигарранг халати-ю, кулранг шалвори кийгизилган, тиззасига қалин адёл ташланган беморларни суриб келишар-суриб кетишар, бинтларга ўраб-чирмалган касалларни ғилдиракли каравотда суриб ўтишар, ингроқлар, баъзан «оҳ-воҳ»лар эшитилиб қолар, ҳамма ёқда кутаётганлар юрак ҳовучлаб бетоқат турар, ҳаво дим – ҳар хил дориларнинг ҳиди қоришган, нафас олиш ҳам малол келарди.

Оқ халатли аёллар, эркаклар бу манзарага сира «ёпишмайдигандек» эди Баҳромнинг назарида. Беморлар, хасталар ўзлари билан ўзлари овораи-андармон; улар эса бошқа бир олам: парвойи-палак, гўё бу оламда бирорта хастаю-бемор йўқдек, гўё ҳеч ким азоб тортмаётгандек, гўё кимлар учундир тириклик изтиробга айланмагандек, гўё томоғидан қултум сув ўтмай қолган одамлар бу дунёда йўқдек, гўё ҳамма бахтиёрдек; гўё шифохонада эмас, гўзал боғу чаманда сайр этиб юришгандек – бир-бирларига йироқдан қўл силкиб қўйишар, ҳазил-хузул қилишар, гап отишар, тегажоглик қилишар, туртиб ўтишар, томошага чиққандек тутишарди ўзларини.

Хотини кўрсатган ўрта бўйли бояги йигитнинг олдига бориб, сўз очди... Биринчи таассуроти шу бўлдики, кутганидек димоғдор эмас экан.

– Учинчи қаватдан бош врачни чақириб қўйдим, ҳозир тушсин, аппендицитми, йўқми, ўша киши айтади, у кишига гап йўқ, бизнинг устозимиз бўлади, – деди.

Бу пайтда хотини ёнига етиб келган, у ҳам ёш шифокорнинг оғзига умид билан термулиб турарди. Билдирмай биқинидан турта бошлади, Баҳром аёлнинг муддаосини тушунди.

– От билан туя бўлармиди, – деди ёш шифокор, – кўнглингиздан чиққани-да.

Бу гап ғоятда мубҳам ва мавҳум эди.

Бу гап ҳеч кимни қаноатлантормади.

Баҳром ўртага такрор шу саволни қўйди. У ҳозир ўзининг ҳам, хотинининг ҳам ёнида мўмай пул йўқлигини билар, агар шифокорлар каттароқ сўрайдиган бўлишса, бунинг чорасини кўриб қўйиши лозим эди.

– Ўзлари айтади, – деди ёш шифокор устозини назарда тутиб.

Бош шифокор пастга тушмади.

Таҳлил учун қон топширган Саид хонадан чиқди. Отасини кўриб, ўпкаси тўлиб кетди. «Эрка-да, кафтимизда кўтариб, пийпалаб катта қиляяпмиз-да, жони оғриб кўрмаган; қийинчиликларда ҳам сал пишитишимиз керак», деб хаёлидан кечирди Баҳром. Бир пас ўғлини бағрига босиб турди.

Улар учинчи қаватга кўтарилишди. Саид икки букилиб «ихраб», зўрға-зўрға қадам босарди.

Баҳром Суннатни уйга жўнатди. Хотини унга пул қаерда туришини тушунтирди. Унга «тез олиб кел», деб тайинлади.

Бу ёғи тезлашиб кетди.

Устоз шифокор – Собир ака вазмин, камгап экан. Бу одати калта ва семизлигига «ярашиб» турарди. Саидни палатага олиб кирди. Каравотга ётқизиб, қорнини ҳар хил қилиб босиб кўрди. Кўнгли айниб, ранги оқариб ётган касалдан зарур нарсаларни сўради.

Баҳром ҳар ҳолда кўричак эмасдир, операция қилишмас, деган ўйдан хаёлини узолмасди.

– Аниқ аппендицит, – деди шифокор ишонч билан. – Маҳаллий наркоз юбориб, кўричакни олиб ташлаймиз, – деди у, бир пиёла чойни ичиб олампиз, дегандек заррача ҳаяжонланмасдан.

Баҳромнинг юраги шув этди, устки кийимини кўтариб, қорнини очиб ётган Саиднинг рангидан қон қочди. Онанинг саси чиқмади-ю, кўзларидан дувиллаб ёш оқди.

Шифокор вазиятни англади.

– Ҳечқиси йўқ, кўричак ўзи одам танасида керак-сиз аъзо, ортиқча нарсалар олиб ташланса, организм энгил бўлади, янада зўр ишлайди, кераксиз нарсадан бутунлай кутулган яхши, – деди у одам эмас, гўёки қандайдир машина тўғрисида гапираётгандек ва бу билан атрофдагиларга далда бергандек бўлди. – Бундан кейин сени кўричаклар ҳеч қачон безовта қилмайди. Кўричак ўзи йўқдек нарса, бор-йўқлигим билинмайди. Аммо заҳарга тўлганда таг-туғи билан кесиб, танани ундан халос этилмаса, бутун организмни заҳарлаб, ҳар қандай полвонни ҳам адойи тамом қилиши мумкин. У ҳар қанча кичик бўлмасин, арзимасдек туюлмасин, бир марта таг-туғи билан кесиб ташлаб, ундан бутунлай халос бўлиш лозим...

Ҳамширалар Саидни ечинтириб, ғилдиракли каравотга ўтқазишди-да, чойшаб билан ўрашди. Суриб кетишаркан, у ётган жойидан бошини кўтариб кўзларида ёш ғилтиллаб турган онасига қараб қолди.

Операция бўлмасига Баҳромларни киритишмади.

Бош врач катта бир имтиҳон олдида ночор қолгандек титраётган Баҳромнинг ёнидан ўтаркан, негадир унинг юзига эмас, чорасиз осилиб тушган қўлларига, шалвираган кафт ва бармоқларига кўз қирини ташлаб ўтди.

«Умидвор бўлди», деб ўйлади Баҳром.

Қайнисининг шу чоққача етиб келмаганидан тоқатсизланди. Асабийлашиб у ёқдан-бу ёққа юрди.

Эшик олдига назоратчи қўйилган экан. У келиб коридорда тургани ҳам, юргани ҳам қўймади. «Мумкин эмас», деб туриб олди. «Операция хонасидан ўз одамларининг олиб чиқишини кутиб, шунча аёл-эркак турган, ўтирган, юрган бўлса-ю, нега уларга эмас, айнан бизга тихирлик қилади», – шу фикр Баҳромнинг онгига михланиб қолди.



Хотини:

– Чўнтагига минг сўм солиб қўйсангиз, бизни ҳам хайдамайди, – деди тилсимнинг сирини очгандек.

Худди хотини айтгандек бўлди.

– Сиззи одамиззи қанақа операция қилишвотти? – деб сўради назоратчи йигит гўё қандайдир ҳамдардлик, меҳрибонлик изҳор этмоқчидек. У, чамаси, йигирма беш ёшларда, ингичка гавдали, ҳуснбузар тошган озғин юзида ёноқ суяклари бўртган, қийиқ кўзларида қувлик ўйнаган жўн йигит эди. Ҳозирда ҳамма жойда кўриқчи-назоратчилар кийиши урф бўлган уст-боши ёшини ошириб кўрсатарди. Энди муомаласи ўзгарган, ўзини яқин тутишга уринарди.

– Кўричак, – деб қўйди Баҳром хушламай.

– Кўричак онсон нарса, бир пасда опташийди. Аслида кўричак лишний, кесиб ташлаб, биратўласи қутулган лучше, – дерди назоратчи билагонлик билан.

«Да, лучше кесиб ташлаш», деб ўйлади Баҳром ҳам.

Суннат келди. Қўлида ғиштнинг ярмидек нарса, рангсиз елим қоғозга ўралган эди. Уни опасининг қўлига тутқазди...

Икки соатдан кейин Саид палатада қалтироқ тутиб ётарди. Ота-онаси ёнида, кароватнинг икки четидан тик туришар, гўё фарзандлари билан бирга қалтирашар, бирга нафас олишар эди.

Бу ҳолат ўтди. Тинчлантирувчи уколлар таъсир қилдими, Саид ухлаб қолди.

Бу пайтда тун яримлаган, учинчи қаватда шифокор ва беморларнинг ғимир-ғимири тинган, навбатчи шифокор ва ҳамширалар ҳар хил юмуш билан у ёқ-бу ёққа ўтишар, уйқуси қочган ёки тинчини топмаган хасталар ё қўл телефонида сўзлашиш учун холироқ бурчакка ўтишар ёки кулранг кафел тўшалган узун коридор четидан шиппакларини судрашиб боришар, уларнинг орасида қўлини орқага олиб, бошини хиёл энгаштирган ўрта ёшли киши гўё денгиз соҳилида сайр этиб юргандек бир маромда одимлар, дераза олдидан ўтаркан, тўхтади, ташқарида қуюқ зулматнинг қоп-қора рангини бузиб сочилаётган катта-катта, оқ-оппоқ қор парчаларини хаёлчан кузатарди.

Саиднинг синглиси, ўн икки ёшли Шаҳноза ва укаси, олти ёшли Аброр уйда катталарсиз қолишган эди. Операция ташвиши билан бўлиб, уларни эсдан чиқарганини сезган Баҳром хотинига:

– Сен уйга боравер, Шаҳноза ўзи Аброрни эплай олмайди, Аброр сенсиз ухламайди, хархашаси ҳам тўхтамайди. Шаҳнозаям тунда ёлғиз кўрқиши мумкин, мен Саиднинг ёнида эрталабгача ўтираман. Кўрдинг-ку, сув сўраб турибди. Ёнида катта одам бўлмаса, кўп сув ичиб қўйиши мумкин, – дер экан, овозида оғир ҳорғинлик зухур этарди.

Хотини, қайниси кетди. Баҳром ухлаётган ўғлининг тепасида, устига ул-бул қўйилган тумбочкага илиниб омонат ўтирар, бир оёғининг учини полга теккизиб, мувозанатини сақлар, икки кўзи фарзандининг юзига михланган эди. Ўғли тез-тез нафас олар, ҳар замон-ҳар замонда бошини у ёқ-буёққа ташлаб, инграб қўярди.

Тўрдаги каравотда ётган касалнинг икки ёнига иккита баклашка осилган, оёғи боши билан баравар даражада кўтарилиб, устига уникқан қалин адёл ёпилган эди. У катта ёшли киши бўлса-да, ёшларга хос

машғулот билан банд, яъни, кўзлари хиралашганми, қўл телефонини юзига яқин тутиб, икки қўллаб тугмачаларни босар, дам-бадам енгил завқ билан «аҳ-ҳа», «аҳ-ҳа» деб қўярди.

Унинг оёқ учи томонда, стулда нозикмижоз йигит мудраб ўтирар, у, афтидан, беморнинг ё кичик ўғли ёки набираси эди. Йигит гунг эди. Улар боягача бармоқлар ёрдамида «сўзлашган» – кулишган, аразлашган, бир-бирининг қўлларини авайлаб тутиб, эҳтимол, ўзаро миннатдорлик изҳор этишган эди.

Баҳром ўғлининг оёқ учи томонга жойлашиб ўтирмоқчи бўлди, аммо каравот сал нарсага ғижирлар, боз устига баланд, ўтиришга ноқулай, шунга қарамай ўтирадиган бўлса, ўғлини безовта қилиб қўйиши мумкин эди. Навбатчи ҳамширадан стул сўрамоқчи, эрталабгача бир амаллаб стулда ўтирмоқчи эди. Ҳамшира ўтавермагач, ўзи коридорга чиқди. Коридорда лифт томонга шошиб кетаётган киши Баҳромнинг шовури-ни эшитиб, ортга ўгирилди. У назоратчи кийимидаги бошқа бир йигит эди.

– Э, ока, унақамас-де, бегоналарни чиқарларинг, деган команда бўлди. Касалларни безовта қилиш мумкинмас... – дея Баҳромни чиқиб кетишга ундади.

– Ўғлимни икки соат олдин операция қилишди...

– Қанақа операция?

– Аппендицит.

– А, кўричакми, кўричак лишний нарса ўзи, уни кесиб ташлаб қутулиш керак... – Бу ҳам олдинги назоратчи йигитнинг гапларини такрорларди. – Кўричак ҳеч нарсамас, енгил операция. Сиззи эрталабгача бўтта қолдиролмийман. – Илкис муҳим нарса эсига тушгандек сўради: – Обший наркоз билан қилишдимми, местний?

– Маҳаллий наркоз билан...

– Тем более, сизни палатада қолишингиз, умуман, отделениега халатсиз киришингиз мумкин эмас, ока.

Баҳром, «ана тўққизинчи палатада енгилроқ касалнинг олдида ўғлими, набирасими ўтирибди-ку, ҳар кеча навбат-навбат улардан бир киши қоларкан-ку», демоқчи бўлди.

Аммо...

У назоратчининг муддаосини тушунди. Чўнтакларини титкилашга тушди: «Боя қайниси олиб келган пулдан қолганини қаерга қўйган эди-я». Тўзиган хаёлларини бир амаллаб йиғиштираркан: «пулни доим чап киссага соламан-ку», деган ўй фикрдан кечди. Шимининг сўл чўнтагидан бир сиқим пул олиб, битта минг сўмликни ажратиб олди-да, йигитнинг чўнтагига тиқиб қўйди. Ҳаракатлари пойинтар-сойинтар бўлса-да, назоратчининг кўзлари уни диққат билан кузатди.

– Ока, биза икки кишимиз.

Баҳром дастлаб гап маъносини англамади, тушунгач, яна битта минг сўмликни бояги чўнтакка тиқиб қўйди. Назоратчи:

– Кўрмагандак бўлиб кетсин, – деб яхши ният билдирди-да, гўё Баҳромни кўрмагандек, Баҳром унинг олдидан чиқиб қолмагандек, шарт ўгирилиб, йўлида давом этди.

Олти кишилиқ палатанинг чироғи ўчириб қўйилган. Баҳромнинг қовоқларини оғирлик босар, бели толиб борар, эски ёғоч стул ғижирлайверар, хотини уйдан дам-бадам телефон қилиб, ўғлининг аҳволини сўрар,



құл телефонини «беззвук»ка қўйганлиги учун баъзи чақириқларни эшитмай қолар, уйқу ҳам иссиқ жойга келади, деганларидек, чарчоқ ва уйқу тобора кучлироқ таъсир кўрсатар эди.

Навбатчи шифокор – Саидни операция қилган Собир ака хабар олиш учун келиб қолганда аллақачон тун яримдан оққанди.

– Безовта бўлмаптимми? – деб сўради у, Саиднинг пешонасига кафтини қўйиб кўрди-да: – Яхши, сиз уйингизга бораверинг. Ҳамшираларга айтиб қўяман, зарурат бўлса, қарашади, – деди.

Баҳром ўғлининг мобиль телефонига ўзининг телефон рақамларини киритиб, тумбочканинг устига, құл етадиган жойга қўйди. Энди рўйхатдан номини излаш шарт эмас, шундоқ яшил тугма босилса – бўлди, биринчи кўнғироқ ўзига келади.

Палатадан чиққанда ўғли бир маромда ухлаётган эди.

Машинада келиб, уйга кириши билан ўғлининг телефонидан кўнғироқ бўлди. Шоша-пиша телефонни олди.

– Дада, – деди ўғли хаста овоз билан, – қаердасиз, қорним оғрияпти, чанқаяпман...

– Ҳозир етиб бораман, сен қимирламай ёт.

Баҳром энди такси тўхтатди. Шифохонанинг катта йўл бўйидаги темир дарвозаси олдида тушиб қолди. Йўлак бўйлаб юрмади, кенг-мўл ҳовлини тўғри кесиб, эшиккача югуриб борди. Ҳар жой-ҳар жойда одамлар турар, шубҳасиз, улар касалларнинг изидан келганлар эди. Қабулхона бўлими олдида одамлар ҳам, машиналар ҳам кўп эди.

Эшик олдида Баҳромни назоратчи тўхтатди. У бир зум ҳеч нарса ни англамай, қарахт туриб қолди. Ҳаво совуқлиги учун оғзи-бурнидан ҳовур ёйилар, хансираб нафас оларди.

– Ўғлимни олдида келаяпман. Тунда операция қилишганди. Қорни оғриб қопти.

– Котталар бўлимидами, кичиклар?

– Катталарни.

– Неча ёшда?

– Ўн иккида.

– Ўн иккида бўлса, кичиклар бўлимида бўлади-ку?

– Э, э, ўн иккимас, ўн тўртда.

– И-е, ўз ўғлингизни ёшини билмайсизми, ҳақиқий отасимисиз ўзи?

– Ҳақиқий, – деди Баҳром жаҳл билан. Шошганидан ўғлининг ёшини нотўғри айтганини сезди. Баҳром қанча шошса, назоратчи шунча шошмас, эшикка кўндаланг туриб, йўлни бўшатмас эди.

– Қорни оғриган бўлса, қанақа операция қилишган ўзи?

– Кўричак, – деди Баҳром хуноби ошиб. Ўғлининг олдида етолмаётганидан, вақт ўтаётганидан ичи куйиб борарди.

– Ҳа, кўричак бўлса, ҳеч нарсамас, ундан қутулгани яхши, кўричак – лишний...

Баҳром портлаб кетди:

– Гапни айлантормасанг-чи, – деб бақириб юборди, – қоч йўлдан.

– Шундоқ қуруқ кириб-чиқаверасизми, ока?..

Баҳромнинг мияси ярқ этиб очилгандек бўлди: назоратчининг муддаосини тушунди. Шартта чўнтагидан

битта минг сўмликни чиқариб, йигитнинг махсус кийими чўнтагига тиқиб қўйди.

У йўлни бўшатди.

Беш қаватли бинонинг биринчи қаватидаги умумий эшикдан киргач, бўлимларга олиб чиқадиган йўлакка ўтасиз, ундан тегишли бўлимга ўтиш учун энди бошқа эшикни очишингиз керак. Шу ерда бошқа назоратчи Баҳромни тўхтатди:

– Ока қатга кетвоссиз, одам ўтириптиям демай-сиз-а?

Баҳром қаерга бораётганини тушунтирди.

– Қорни оғриб қолибди, – деб қўшиб қўйди тоқатсизланиб.

– Мумкин эмас, – деди назоратчи. – Касалларни тинчини бузасиз. Кўричакдан кўрқманг, у лишний нарса, олиб ташлашган бўлса, ўғлингиз қутулибди...

«Кўричак... лишний...» деган гаплар Баҳромни ҳушёр торттирди ва у шу пайтгача қилган ишини унутганини тушуниб етди. Чўнтагидан битта минг сўмлик чиқарди...

Зинада учинчи қаватга – жарроҳлик бўлимига кўтарилгунча хансираб қолди.

Тортса, қаттиқ-қаттиқ итарса ҳам очилмади-ю, эшик ойнаси зириллаб кетди. Ичкаридан ёпилган: калит қулфдалиги осилиб турган бир қарич қора ипдан кўриниб турарди. «Эҳ-ҳе, ўғлим телефон қилганига қанча бўлди...» деган безовта ўй ичини итдек кемирарди. Эшикни бетоқат тақиллатди.

Ичкарида, кенг фойенинг тўрида телевизор қўйилган, эски диванда оёғини чалкаштириб, ёнлама ўтирган кишининг боши бир ёнга қийшайиб, гўё қотиб қолган эди. У назоратчи кийимида эди.

Тақиллаган овозни эшитиб, бошини зўрға кўтарди. Эшик олдида келиб, туйнук қопқасини очди, Баҳром энгашиб гапирди:

– Тўққизинчи палатада ўғлим ётибди, операциядан кейин ухлаб турди, қорни оғриб қолибди, мени телефон қилиб чақирди.

– Қанақа операция?

– Аппендицит.

– А, кўричакми, у кўрқинчли эмас. Кўричак ўзи лишн... – Сочлари тўзғиган назоратчи бошини орқага ташлаб, оғзини катта очиб эснади.

– Биламан, биламан, кўричак лишний нарса, олиб ташлаб, бир йўла қутулган маъқул...

Назоратчи гапини давом эттирмади, кўзлари катта очилиб, Баҳромнинг юзига ҳайрон боқди.

– Билсайиз...

– Мана, мана, – Баҳром чўнтагидан битта минг сўмликни олиб, назоратчига узатди.

Эшик очилди.

Палата иссиқ, дим, аллақандай ҳид бор эди. Қадам товушларини эшитиб, катта ёшли икки бемор кўзини очди. Гунг йигит стулда ўтирганича, бошини деворга суяб, мизғирди. Баҳром энкайиб, ўғлининг пешонасидан ўпди. Оғриқданми, унинг пешонасига тер сизган эди.

– Дада, қаерда эдингиз? – деб сўради ўғли паст овозда.

Баҳромнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди, ўғли «нега тезроқ келақолмадингиз» деб таъна қилгандек туюлди.



– Бу ерда тартиб-интизом қаттиқ экан. Ташқарига чиққан эдим, эшикларни ёпиб қўйишибди.

– Қорним оғрияпти, дада, – деди ўғли чехрасида изтироб балқиб.

– Ҳозир, – деди-ю, Баҳром навбатчи ҳамшира хонаси томон кетди.

Навбатчи шифокор – Собир ака Саидни келиб кўрди, оғриқни қолдирувчи, тинчлантирувчи укол буюрди.

– Ҳаммаси жойида, операциядан кейин шунақа ҳолат бўлади, – деди.

Уколдан кейин, кўп ўтмай, Саид ором топиб, яна уйкуга кетди.

Тонг тўла оқариб, ҳамширалар беморларга ҳарорат ўлчагичларни тарқатиб чиқишгач, палатада ҳам, бутун қаватда ҳам касалхонага хос ҳаёт жонланди. Кимлардир дори ичар, кимлардир укол олар, кимлардир боғлов хонасига кириб-чиқарди. Ҳамшираларнинг қўли-қўлига тегмас, улар чаққон-чаққон елиб-югуришарди.

Саид бир маромда ухлар, кечкурунги стулни фаррош олиб чиққани учун ота каравотнинг бир четида илиниб ўтирар, ўрни келганда палатадаги беморларнинг гапига қўшилар, саволларига қисқа-қисқа жавоб берарди.

Эрталаб Баҳромнинг хотини товук шўрва тайёрлаб келди. Уст-бошига қўнган қор парчалари палатага киргунига қадар эриб бўлган, рўмолидан тошиб чиққан сочлари ҳўл эди.

Онанинг овозини эшитиб, ўғил кўзини очди. Она она-да, фавқулудда қувониб кетди. Ўғлининг бошини кафтлари орасига олиб, пешонасига лабини босди.

Саидга онаси товук шўрва ичиргунча, Баҳром болалигида кўричак бўлгани, операциядан кейин унга ҳам онаси товук шўрва ичирганини гапириб берди. Гапираркан, болалигини, раҳматли онасини эслаб, кўнгли ёришди.

Боя дори тарқатган ҳамшира палатага бош суқди:

– Касаллардан бошқалар чиқиб кетсин, ҳозир врачлар келади, профессор «обход» бошлайди.

Бу пайтда она ўғлига шўрвани ичириб бўлганди. Овқати бор банка устини сочиқ билан ёпиб қўйди.

– Яна ичгинг келса, узалиб оларсан, банканинг ўзида ичавер, қошиқ мана, косанинг ичида, сочиқнинг тагида, – шундай деб она тумбочкани каравотга яқин сурди.

Хайрлашиб, кетишга чоғланишаркан, ўғли:

– Сув ичириб қўйинг, – деди.

Қайнаб совиган сувдан баклашка қопқоғида тутишди.

– Ўғлим, ичгинг келса ҳам кўп сув ичма, дўхтирлар айтди, сув операциянинг тез битишига халал бераркан, – деди Баҳром.

Саид «хўп» маъносида бош ирғади. Дабдурустандан:

– Дада, кеча операция вақтида бақирганим эшитилдими? – дея сўради ва олажак жавоби кўп нарсани ҳал қиладигандек, Баҳромнинг оғзига тикилди.

Баҳром бундай саволни кутмаган эди. Довдираб қолди.

– Дўхтиринг чидамли бола экан, «ғийқ» этган овоз чиқармади, деди-ку, а, онаси? – дейиш билан хотинини гўё «ёрдам»га чақирди.

Аслида, ҳеч ким бундай демаган эди. Буни хотиниям билади. Лекин:

– Ҳа, ҳа, – деди аёлларга хос ҳушёр сезги ила вазиятни пайқаб.

– Дада, ойи, – деди Саид ички ўкинч билан, – дўхтир сизларни алдабди, мен бақирдим, бақирганимни кейин билиб қолдим.

Очиқ осмонга хира булут кўтарилгандек, орага тушунуксиз сукунат чўкди... Хира булут кўп ҳолларда «хиралик» қилмайди, тез тарқайди.

Эр-хотин зарур гапларни тайинлаб, коридорга чиқишди. Чиқиб боришаркан, хотини тўсатдан:

– Э, бир нарсани унутибман, айтиб чиқай, – деб орқага ўгирилган эди, узоқда – эшик олдида турган бояги назоратчи йигит ловуллаб кетди:

– Ҳов, яна қаёққа?!

Хотини орқага қарамай, ўғли ётган палата томон илдам юрди. Шаҳд билан келган назоратчини Баҳром тўхтатди:

– Бир гапни айтиб чиқсин.

– Шундоғам кўп қоп кетдинглар, ока.

Баҳром чўнтагини ковлаб, битта минг сўмлик чиқарди-да, йигитнинг махсус кийими чўнтагига солиб қўйди.

Назоратчи ҳеч нарса демай, ортга қайрилди.

Баҳром эшикдан чиқмай, хотини югургилаб етиб олди.

– Нима дединг? – деб сўради Баҳром.

– Коридорда юрсанг, девордан бир қўлинг билан тутиб юр, бошинг айланса, дарров ўтириб ол, бўлмаса, кўз олдинг қоронғилашиб, йиқилиб тушишинг мумкин, деб айтдим.

Зинадан тушиб боришаркан, хотини қизикди:

– Боя нима дедингиз анави «эшик оғаси»га?

– Минг сўм бергандим, ҳеч нарса кўрмагандай, қайтиб кетди.

– Вой, қирилгур, – деворди хотини, – кираётганимда мендан минг сўм олганиди-ку. Биринчи эшиккаям, иккинчи эшиккаям минг сўмдан бердим, бермагунимча «кўричак – лишний...» деб қўйишмади, – деди жиғибийрон бўлиб.

Баҳром, оёқлари ерга ботиб қолгандек, беихтиёр тўхтади.

– Нима деди?! – дея хотинига қараб анграйиб қолди.

– Кўричак – лишний...

Қор майдалаб ёғарди.

Февраль, 2011 йил







Аҳмад ЖАББОРОВ



## Дунёнинг ичида дунёлар ётади

### ШЕЪРИЯТ

Дунёнинг ичида дунёлар ётади,  
Шеърият танимда югурик жондир.  
Гоҳо қувонч бўлиб, гоҳо дард бўлиб,  
Бу кичик жуссамда айланган қондир.

Олис оқишомлари соҳир туйгулар,  
Юлдузлар юртига олиб кетади..  
Кўнгил гулуларга бўлади меҳмон,  
Руҳим самоларга сингиб кетади.

Ҳаётда гоҳида ҳайрон бўлар дил,  
Юраккинам макон излаб нолийди.  
Шеърият, энг сирли маконларингга  
Мени ҳамроҳ қилиб кетсанг қанийди.

Шунда мен шеър каби масъум, бегубор,  
Турфа хил рангларга бўлиб маҳлиё,  
Ҳайқириб жар солган бўлардим фақат –  
Шеърият дунёси энг бахтли дунё.

### МУҲАББАТ

О, муҳаббат, дардингдан дарбадар ўтганлар кўп,  
Сумбул сочли ёрининг васлига етганлар кўп.  
Минг турли йўлларингда телба бўлиб кетганлар кўп.  
Жанда дунё қариди, қаримадинг, муҳаббат,  
Одамлар юрагидан аримадинг, муҳаббат.

Бу дунёда яшашни билгандан билмаган кўп,  
Қизгалдоқ бағри қизил, қон бағрин тизлаган кўп.  
Қайс каби Лайлисига етмайин йиғлаган кўп,  
Жанда дунё қариди, қаримадинг, муҳаббат,  
Одамлар юрагидан аримадинг, муҳаббат.

Тун кўйнида тўлин ой сирларидан сўзлайди,  
Минг йиллик чинор ҳатто бир кун келиб бўзлайди.  
Бу шафқатсиз ҳаётдир — асо бир кун излайди,  
Мен қарисам қарийин, қаримагин, муҳаббат,  
Одамлар юрагидан аримагин, муҳаббат.

### АРМОН

Баҳор келди юртимга тўлиб,  
Сўнгги қўшиқ айтди қаҳратон.  
Ҳеч бўлмаса, шу лаҳзаларда,  
Мени ҳоли кўйсанг-чи, армон!


Ахир мен ҳам ярим кўнглимдан,  
Тўкиб ташлай бир бор дардларни.  
Ва қувониб шу Ватан бирла,  
Кенг бағримга босай баҳорни.

Шунда кўнглим топади таскин,  
Мен муродга, бахтга етарман.  
Сабр қилсанг, бир кун барчасин,  
Армон, сенга ташлаб кетарман.





Анвар НАМОЗОВ



Қисса



Ғайбаров тебранма курсида ўтирар экан, кўзларини юмиб олган эди. Иш оғир, ўзига хос юки бор. Мансаб пиллапоялари бўйлаб кўтарилиш четдан қараганда, яхшидир, аммо унинг залвори, машаққатларини ҳар ким ҳам ҳис этолмайди. Ақлий меҳнат бўлса-да, тинкангни қуритади, эзиб ташлайди. Ютоқиб-ютоқиб чекканингда ҳам чарчоғинг босилмайди, аксинча ўпкага тутун ютиб, ўз умрингни қисқиртираётганинг қолади. Кейин котиба тайёрлаб берган аччиқ қаҳвани симирасан – гўё бошингга дармон киргандек бўлади. Бу эса вақтинчалик “даво”. Кўзларингни очиб, стол устидаги қоғозларга термилганинг ҳамон яна онг-шуурингни ташвишлар кемира бошлайди. Бироқ иш тугаб, уйга қайтар маҳалинг ўзгача ҳиссиётлар оғушида бўласан. Ҳайдовчи эшигини очиб берган машинанинг ипақдек юмшоқ ўриндигига чўккач, дилинг яйраб кетади. Тезроқ уйга бориб, хотининг, бола-чақанг хушнуд ҳолда кутиб олишларини, йўқ, аввал битта-иккита кўни-қўшни кўриб қолиб, қўлини кўксига қўйганича салом беришларини ўйласанг, бошқача бўлиб кетасан. Майли, кимдир ҳавас қилар, бошқа бирови ҳасад кўзи билан боқар, ҳар ҳолда муносабатлар олий даражада!..

У машинага ўтирар экан, чеккароқда турган нотаниш кимсага кўзи тушди. Тавба, бир ҳафтадан буён кўзини лўқ қилиб туради. Ким ўзи бу? Мақсади нима? Ғайбаровнинг хузурига кирмоқчи эмиш! Нима масалада дейишса, айтмабди. Шахсий ишим бор, деган эмиш! Қабулхонадан ҳайдаб чиқаришгач, энди пастда пойлайдиган бўлди. “Мелисага айтамыз”, дейишганди, Ғайбаров кўнмади. “Йўқолиб кетар”, деб қўйди. Мана, энди яна совуқ нигоҳлари билан таъқиб қилишни қанда қилмаяпти. Ғайбаров кеча ўринбосари Маъсу-



довга тайинлади. У тушиб, роса тергов қилган бўлди. Кейин шалвираб қайтиб чиқди. Нотаниш дайди яна ўша гапни такрорлаганмиш: “Ўзи билан гаплашаман, шахсий ишим бор...”

Ғайбаров уйига ета-етгунча шу ҳақда ўйлади. Кейин ҳовлисига киргач, бу одам эсидан чиқди. Хотини овқатдан олдин келтирган бир пиёла коньякни сипқордида, иштаҳаси очилиб кетди. Кейин ҳаммомга кириб, улкан ҳовузга калла ташлади. Илиқ, мусаффо сув бугунги чарчоқларини сидириб олгандек бўлди.

Хотини, болалари билан яйраб суҳбатлашгач, уйку элита бошлади. Қани эди, ухламас! Кўзларингни юмдингни, яна эртанги кун бошланади. Тагин ташвишлар, муаммолар... Йирик корпорациянинг ишлари ҳам йирик. Икки юз чоғли одам унинг оғзига қараб туради. Ғайбаров, айниқса йиғилишда буни бошқача туйғу билан идрок этади. Ана шу идрок этиш асносида дили яйрайди. Ходимларини уришиб-сўкса, янада улугворлик туюди ўзида...

У эрталаб ишхонага киришда яна ўша дайдига кўзи тушди.

– Э, манови дайди йўқоладими-йўқми? – деди ҳайдовчига таъби тирриқ бўлиб.

– Билмасам, Халил ака, менгаям ёқмаяпти, – жавоб берди ҳайдовчи йигит. – Бир-икки тепиб ҳайдаган эдик, яна пайдо бўлди. Олдингизга кирмаса, бўлмасмиш!

– Телба бўлса керак, тавба, бундан бошқа ишим йўқми? – зарда қилди Ғайбаров.

Яна ишга шўнғиди. Тушдан кейин маликалардек бўлиб Ноила пайдо бўлди. Нозик қўллари билан Ғайбаровнинг елкаларини уқалаб қўйди. Икковлон секин ён хонага ўтдилар...

Ноила ҳам шу дайди ҳақида сўз очди.

– Намунча тешиб қўйгудек қарамаса, арпасини хом ўрибманми, – деди. – Мабодо қариндошингиз эмасми?

Ғайбаров олайиб қараган эди, келиб суйкалди:

– Вой, ҳазиллашдим-ку, кечиринг!.. Олдингизга кирмоқчи бўлаётгани учун айтяпман-да!

– Менга қара, Зоҳидга айт, ўшани йўқотсин бу атрофдан. Бирор нарса йўқолган, деб ёзсин, ўзимнинг ҳам жонимга тегди.

Ноила кўзларини катта-катта очиб сўради:

– Қаматиб юборасизми?

– Нима, раҳминг келяптими?

– Вой, гапларини! Сўрадим-да!.. Чарчаяспиз-а, Халил акажон? Ҳозир...

\*\*\*

Дайди яна уч кун ўтиб пайдо бўлди. Тагин ўша таъқиб этувчи нигоҳ!

Ғайбаровнинг жаҳли чиқиб, Зоҳидни чақирди-да, уни роса сўқди...

Ўша куни кечкурун эса дайди тушига кирди. Қинғирқийшиқ тишларини кўрсатиб, алланималар деди у. Ғайбаров ҳеч нимани тушунмади. Уни урмоқчи эди, кўлини кўтаришга ҳам кучи етмади...

Тавба, тушига кирадиган бошқа одам қуриб қолганми?

Зоҳид роса таъзирини берган бўлса керак, дайди кўздан йўқолди. Ғайбаров ҳайдовчига сездирмай, машина ичида ўтирганича ойнадан хавотирли қараб уни излаган бўлди. Йўқ, кўринмайди, дайдилар уида бўлса керак! Дайдилар уйи! Шунақа даргоҳ бормикан ўзи?!

Орадан бир ҳафта ўтди. Ғайбаров ишда ўтирганида хизмат телефони жиринглаб қолди.

– Халил Муродович, сизни кимдир сўраяпти, аммо исм-фамилиясини айтмади, – деди котиба. – Шахсий иши бор эмиш!

Ғайбаровнинг эсидан чиқиб кетган эди. Нотаниш кишининг “шахсий иши” борлиги ҳам дайдини ёдига солмади. Боз устига кайфияти чоғ, ҳозиргина Маъсудов муллажиринглари бериб, чарчоқларини ёзиб юборган эди.

– Ким дединг?

– Танишингиз экан.

– Бўпти, улайвер...

Бироздан сўнг сокин мусиқа тўрт-беш сония янграб, хириллаган овоз эшитилди:

– Халил, ўзингмисан?

Ғайбаровнинг бирдан жаҳли чиқиб кетди. Халил дедими? Сенсирадими? Ким ўзи бу муттаҳам? Шахсий масалада кўнғироқ қилиб, кўполлашганини-чи! Ҳатто, қариндошлариям бунақа оҳангда гаплашмайди. Тоғаси-ю, амакилари мулоим тарзда мурожаат қиладилар. Умуман айтганда, улар кўнғироқ қилишгаям ботинишмайди.

– Алло, Халил?

– Ўзинг кимсан? – бақирди Ғайбаров. – Кимга телефон қилаётганингни биласанми?

– Албатта, биламан, – жавоб берди хириллаган овоз. – Сен Халил Ғайбаровсан, нима бўпти шунга?

– Ким бўлиб ишлашимниям биласанми?

– Биламан. Корпорация хўжайинисан. Неча кундан буён ҳузурингга киролмаяпман. Мана, энди телефон орқали гаплашяпман. Қабул қилмайсанми мени?

Бу пайтда азбаройи жиғибийрони чиққан Ғайбаров ўрнидан туриб кетган эди. Бирорта синфдоши ҳазиллашяпти, деса, бунақа бефаросати йўқ. Агар душманларидан кимдир, деб ўйласа, бўлишиям мумкин эмас!.. Ҳа, ўзи айтиб турибди: ўша дайди! Башараси совуқ, кўзлари тешиб қўйгудек қарайдиган нотаниш кимса!

– Сени ким ёллади, айт, – бақирди Ғайбаров. – Нима керак ўзи сенга? Нега тинч ҳаётимга кириб келиб, оромимни ўғирляяпсан?

– Ўзингни бос, хавотир олма! Мен эски танишингман! Унутиб қўйибсан, шекилли?

Ғайбаров ўзини босишга ҳаракат қилса-да, уддалай олмади:

– Менинг сендек танишларим йўқ, билдингми? Кейинги вақтларда танишларим шунақанги кўпаймоқдаки...

– Сен нега ҳузурингга киришимдан кўрқяпсан? Баъзи нарсаларни эслатиб қўймоқчи эдим, холос. Қачон кирсам бўлади? Кўришмаганимизгаям анча...

– Менга қара, бу ер ҳар хил қаланғи-қасанғилар келадиган идора эмас. Иккинчи телефон қилма. Қорангниям кўрсатма! – шундай деб Ғайбаров гўшакни тақ этиб ташлади.

“Унутиб қўйибсан” эмиш! Ўзинг кимсан-у, баъзи нарсаларни эслатишинг нимаси?.. Тавба, нима гапи бор экан?

Эски таниш...

Ғайбаров хотирлашга уриниб кўрди, аммо сира эслай олмади. Кейин шунгаям бош қотираётгани учун ўзидан жаҳли чиқди. Ҳеч қанақа таниш-паниш эмас. Ҳузурига кириб олади-да, ўзини қадрдондек кўрсатади-да, пул сўрайди.



Котиба боғланиб, яна ўша киши кўнғироқ қилаётганини айтди. Ғайбаров унга бақириб берди. Котибанинг уни ўчди. Шу билан ҳаммаси тинчигандек эди. Бироқ...

Кечкурун ўша дайди яна Ғайбаровнинг хизмат машинаси рўпарасида пайдо бўлди. Ҳатто, ҳайдовчи ҳам ғижиниб, сўкиниб қўйди. Ғайбаровга, “Бир марта гаплашиб кўйсангиз, нима қилади, хўжайин?” дегандек қараб қўйди.

– Менга қара, – деди Ғайбаров машина ойнасини туширар экан, овозини баландлатиб, – бугун жуда чарчаганман, эртага эрталаб кел, нима гапинг бўлса, айтсан!..

Машина ғизиллаб йўлга тушди. Ҳа, бир марта гаплашмаса, бу девона келаверади. Эшитиб кўрсин-чи дардини? Балки, ростдан ҳам танишидир? Аммо ишхонадагилар гапирмасмикан? Бошлиқ қандайдир тиланчини хонасида олиб ўтирибди, дейишмасмикан?..

Эртасига Ғайбаров хонасига кириб келиши билан орқасидан кўрқа-писа котиба эргашди. Анчагача ботинолмай турди.

– Нима дейсан, чайналма, – деди Ғайбаров.

– Анув... одам олдингизга кирмоқчи эмиш!

– Ким?

– Кеча ўзингиз айтганмишсиз, эрталаб кел, деб.

Ғайбаровнинг ёдидан кўтарилган эди, ҳозир эслаб, пешанаси тиришди. Индамай турди. Бахона топмоқчи бўлди. Кейин бу қароридан қайтди. Гаплашса, гаплашибди-да!

– Қаерда ўзи?

– Қабулхонада.

Ғайбаров сал тин олди. Котиба, кўрқяпти, деб ўйламасин, тагин. Беш дақиқа гаплашади-да, кейин чиқариб юборади.

– Бўпти, кирсин, аммо дарҳол орқасидан киргин-у, юқоридан сўрашяпти, тез келсин, дейишяпти, дегин!

– Хўп, – котиба кўзларини пирпиратиб чиқиб кетди.

Бироздан сўнг эшик очилиб, ўша сўхтаси совуқ пайдо бўлди. Ранги оппоқ, юзлари сўлғин. Ғайбаровнинг баттар пешанаси тиришди. Ўзини ишга андармон қилиб кўрсатаркан, унга олайиб қараб қўйди. Кўришиш учун қўл чўзиш у ёқда турсин, мутлақо менсимадиям!

– Бу – менман, – деди дайди. – Эслаб кўр-чи!.. Ис-мим...

Ғайбаров қоғоздан бош кўтармай жавоб берди:

– Биродар, мен сизга ўхшаган бекорчи эмасман, ҳар бир келган одамни эсла-а-а-б ўтирадиган. Ота-онангиз тарбия бермаганга ўхшайди. Маданиятли одам дуч келган кишини сенсирамайди, билдингизми?

– Ҳа, сен анча ўзгарибсан, – бўш келмади нотаниш кимса. – Агар ҳозир эслай олмасанг, кейин пушаймон бўласан.

– Сенсираманг, дедим сизга! Пўписа ҳам қилманг.

– Мен сенга бор гапни айтдим. Ҳузурингга олди-орқанга қараб юр, деб кирдим ўзи! Ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай қўйдинг, биродар! Бунақада ишларинг тескари кетади.

Ғайбаров қошлари чимирилиб, секин ўрнидан турди. У ниҳоятда жаҳлга минган эди:

– Менга қара, кимсан ўзи-а? Бир нотавон, бечорасан-у, маслаҳат берганингни қара! Ким бўлибсанки, менинг ишларимни тафтиш қиласан? Устбошингга бир қара, ахлатхонадан чиқиб келяпсан, шекилли? Тагин ҳалол-ҳаромдан гапирасан!

– Мен сен билан бирга ишлаганман, Халил. Бозорда, эсингдами?

– Нима?! Қанақа бозор? Билиб қўй, мен сени танимайман, эслашга уринмайман ҳам! Бор, чиқиб кет!

Нотаниш киши бироз жим турди-да, унга кўз остидан ғалати қаради:

– Майли, чиқиб кетаман. Бироқ билиб қўй, мени кўп излайсан ҳали! Тавбангга таянадиган кунларинг олдинда! Эҳтимол, ҳозир билинмас, аммо шундай кунлар келадикки, хато, гуноҳларингни бирма-бир ёдга ола бошлайсан. Шунга мажбур бўласан! Мен фақат шу ҳақда айтишга келгандим.

– Ҳар ким хатоси учун ўзи жавоб беради, – тўнғиллади Ғайбаров. – Гапинг тугаган бўлса, сенга жавоб, жаноб башоратчи! Сенга иккинчи марта бу ерга келмаслигингни талаб қоламан!

Бу вақтгача котиба икки марта кирган, Ғайбаровни аллакимлар сўраётганини айтиб, чиқиб кетган эди.

– Мен ҳам сенга чин дилдан хатоларингни англаб етишингни талаб қоламан, – шундай деб дайди меҳмон эшик томон юрди.

Ғайбаров сўкинмоқчи эди, аммо гап чўзилишини, бу дайди яна қолиб кетишини ўйлаб қўл силтади. Ҳар ҳолда энди тинч кўяр! Бирорта файласуф бўлса керак, бировларнинг гуноҳ, хатоларини эслатиб юрадиган. Аммо кайфиятини тушириб кетди.

Бозор эмиш! Ҳозир кўнгилга бозор сиғадими? Иш қалашиб ётибди...

Маъсумов кирди. Ўша турқи совуқдан қутулгани учун табриклаган бўлди. Кейин қилинган ишлар тўғрисида ҳисоб бера бошлади. Ғайбаров унга разм солиб, кўнглига ғулғула тушди. Бояги дайдини шу ёлламаганмикан?

Э, йўқ, Маъсумов – шогирди-ку! Исми нима эди-я! Аввал бошдан Ғайбаров уни Маъсумов, Маъсумов, деб келган. Оғир кунларида суяган. Йўл-йўриқ кўрсатган. Иккисининг кўпдан-кўп сирини бор. Бир-бирига ишонишади-да!

– Охирги юк бўйича гап-сўз чиқиб қолди, – бош чайқаб деди Маъсумов. – Ноқонуний иш қилганмишмиз!

– Бу нима деганинг? – ҳайрон бўлди Ғайбаров.

– Эсингиздами, сизга айтгандим, ҳеч ким сўрамайди, деган эдингиз?

Ғайбаров тан олди:

– Ҳа, эсимда, нима бўпти шунга?

– Хавотирли жойи йўқ, бироқ титкилаб бошлашса чатоқ бўлади, Халил Муродович.

– Титкилаб нимаям қилишарди? Жа кўрқоқсан-да!.. Мана, омбор мудирига тўнкаб қўявер. Ўшанинг имзоси бор-ку! Ишқилиб бизнинг фамилиямиз ёзилган ҳужжатларда жойидами?

– Жойида-жойида, аммо омбор мудириям анойи эмас-да! Мабодо ёзиб берадиган бўлса...

– Тавба, яна ваҳима қиласан! Ўзинг ҳам жуда майдалашиб кетяпсан-да!

Маъсумов ҳужжатлардан кўз узолмай чиқиб кетди. Ростдан ҳам ваҳиманинг уяси! Кўрқоқ! Бу дунёда ҳал этилмайдиган иш бор эканми? Ноқонуний! Шуюм гап бўлди-ю!..

Шу кунни Ғайбаров кечгача ғайрат билан ишлади. Орада Ноилани чақириб, кўнгилхушлик қилишга ҳам улгурди. Уни хонасидан чиқариб юбориб, деразадан ташқарига тикилганича чекиб турганди, хонасига бе-



гона кишилар кириб келишди. Хужжатларни кўрсатиб, Ғайбаровни сал доводиратиб қўйишди.

Маъсумов айтганича бор экан – бу мутлақо жиддий масала эди. Омбор мудирини чақиришганди, лаби гезариб, бир балоларни айтиб ташлади.

Ғайбаровнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Нахотки, шу ишни деб овори сарсон қилинса? Нима бўлганда ҳам мол ушлаб қолинган-ку! Қолаверса, ўша ноқонуний юк билан боғлиқ хужжатларда Ғайбаровнинг имзоси йўқ! Бироқ текширувчиларнинг таъкидлашича, омбор мудирини тушунтириш хатида ҳаммаси Ғайбаровнинг кўрсатмаси билан бўлганини қайд этибди. Бу ҳақда шунча одам ичида ҳам шартта-шартта айтиб ташлади. Ғайбаров секин Маъсумовга қараган эди, у елкасини қисиб, ҳеч нима демади...

Ғайбаров оддий ҳисоблаган муаммо каттаргандан-каттаверди. Ишхонани жиддий тарзда текширишга тушдилар. Омбор мудирини қамалиб кетди. Ғайбаров, менинг имзоим қўйилмаган, деб туриб олди. Аммо кичикроқ бўлса-да, бошқа камчиликлар чиқиб қолди (“ҳа, энди титкиласанг, чиқаверади-да!”) Ҳафта охирига бориб, Ғайбаровга курсини бўшатиб қўйиши лозимлигини чиройли қилиб тушунтириб қўйдилар. У ҳанг-манг бўлиб қолди. Пул орқали ишнинг битирмоқчи эди, бу муаммо сал бошқача яқун топди: майли, қолади, аммо ўринбосар сифатида! Унинг жойига ҳозирча Маъсумов ўтиради. Тўғрироғи, унинг номзодини Ғайбаровнинг ўзи кўрсатди. Ҳозирча у бошлиқ вазифасини бажарувчи бўлиб турсин, кейин мана бу гаплар тинчигач, яна ўрин алмашадилар.

Маъсумов бу таклифга кўнмаган эди, Ғайбаровнинг ўзи кўндирди.

– Гап бор, – деди сирли қилиб. – Сен ишнинг бемапол бошлайвер.

– Майли, сиз учун, Халил Муродович, розиман, бироқ хонангизда ўтирмайман.

– Ўтирасан! Вақтинча, деяпман-ку сенга!

Ғайбаров ҳали олдинда ўзини нималар кутаётганини билмасди, албатта...

\*\*\*

Шу куни Ғайбаров негадир ухлай олмади. Худдики, шогирди Маъсумов унинг курсисини тортиб олаётгандек туюлаверди. Бунга ишонгиси келмагани сари ҳадик-хавотири ортарди. Нега унга топширди? Аслида бошқа чораси ҳам йўқ эди. Меҳнат таътилига чиқиб кетса, ким билсин, нималар қилишади! Терговни бошлаб юборадиларми? Маъсумов эса... ишончли! Ахир шунча вақтгача Ғайбаров унинг елкасига қоқиб келган, йўл-йўриқ кўрсатган. Ҳар ҳолда устозининг бошини уриб ёрмас! Вақтинчалик эканлигини унинг ўзиям билади-ку! Қолаверса, Ғайбаровнинг таклифига осонликча кўнмади! “Мен бундай қилолмайман”, деб туриб олди. Ғайбаров вазиятни обдон тушунтиргач, ноилоҳ рози бўлди. Аммо...

Барибир амал курсиси ёмон-да! Унга ўтиргач, оҳанрабодек ўзидан узоқлаштирамайди, сира тургинг келмай қолади. Шундай ёпишқоқ курсики, ажрала олмай, ўзинг билиб-билмай, меҳр-оқибатни, яқинларингни унута бошлайсан. Тебраниб ўтирганинг сайин фақат роҳат-фароғат ҳақида ўйлай бошлайсан!.. Ғайбаров бу фикрини тезда ўзгартирди: одамига боғлиқ, албатта... ҳар ким ҳам бунақа боғланиб қолмайди. Маъсумов ҳам шу тоифадан бўлиши... керак. Ғайбаров унинг феълени

билади-ку! Барибир тез-тез эслатиб туриши лозим. Ўзи бу қанча вақтга чўзилади? Наридан борса, бир ойдир-да! Аммо... бир ой ичида ишхонани остин-устун қилиб ташлаш ҳам мумкин-да!..

Ғайбаров хотинига бугунги ғавғолар ҳақида билдирмади. Акс ҳолда кайфияти бузилиб, кўрқиб кетади. Эрта-индин мавриди билан тушунтирар.

Хотини барибир сезди:

– Тинчликми, нима гап?

– Ҳеч гап йўқ, – кўзини олиб қочди Ғайбаров. – Ўзларинг қалайсизлар, яхшимисизлар?

Хотини жавоб бермади. Эрига зимдан қараб тураверди.

Ғайбаров чала-чулпа овқатланиб, ўрнига чўзилди. Тезроқ ухлаб, эртага биринчи навбатда Маъсумов билан гаплашишни кўнглига тугиб қўйди. Аттанг, вақтинчалик деб расмийлаштирабди-да! Майли, эртага тўғрилаб кўяр! Маъсумовга нима дейди? Хавотирланаётганини сездириб қўймасмикан? Э, сезса, нима?! Бу курсига ўтиргунча не-не захмат чекканини билади-ку уям! Кўрган, гувоҳи бўлган!.. Ҳа, айнан гувоҳи бўлган. Шуниси кўнглини хижил қилади. Бир пайтлар Халил Муродович Собир Жабборовичнинг ўрнини қай тарзда эгаллаганини билади! Ё, тавба, худди яқин ўтмиш такрорланаётгандек! Собир Жабборович билан ҳам шундай бўлган эди-да! У... Ғайбаровнинг устози эди, ахир! Тўғри, ишхона ҳозиргидек катта эмасди, ходимлар ҳам кам эди. Афсуски, мана шу Маъсумов ҳам бор эди. У пайтларда сал гўлроқ, содда эди. Балки ўзини шунақа тутгандир? Қув, олғир бўлишни мана шу Халил Муродович ўргатди. Кейин-кейин ўзига ёрдамчи, бўлим мудирини, ўринбосар қилиб олди. Худди Собир Жабборовичга ўхшаб! Нақадар ўхшашлик, такрорийлик! Худди кеча содир бўлгандек ҳаммаси!..

Ғайбаров у ёнбошидан-бунисига ўгирилиб тузук ухлай олмади. Эртасига ишга боши ғувиллаб борди. Маъсумов ўтирганини билсаям тўғри ўзининг хонасига қараб юрди. Киришдан олдин секин томоқ қириб қўйди.

Маъсумов уни кўриши билан сакраб ўрнидан турди. Кела солиб қўшқўллаб кўришди. Уйдагиларни, янгани, болаларни сўради. Ғайбаров хушламайгина жавоб берди.

– Ўтирибсанми? – деди кейин. – Тинчми ишқилиб? Кўнгироқ бўлмаяптими?

Шогирди хўрсиниб, секин шипшиди:

– Бўляпти-да, Халил Муродович! Ҳали узоқ давом этадиганга ўхшайди.

Ғайбаровнинг қошлари чимирилди:

– Нега узоқ давом этаркан? Келишганимиздек қилдик-ку! Ё сенгаям эътирозлари борми? Тинчитиб юборамиз, дейишди-ку, яна нима истайдилар?

– Билмасам... Барвақтроқ келгандим, уч-тўрт марта сизни сўрашди. Мени танитайдиган одамлар, нуқул осмондан келишади.

– Нима қилай, кўринмай тураймикан? – ўйланиб гапирди Халил Муродович. – Нега бунча ёпишиб олишди-я!

Маъсумов елкасини қисди. У ҳам ўйланиб қолган эди.

– Мени сўраганида нима дединг?

– Аризасини ёзган, дедим.

– Жим бўлишдимми?

– Қаёққа кетди, дейишди. Билмадим, дедим.

– Билдирма, – тайинлади Ғайбаров. – Мен анови-



лар билан гаплашиб кўрай-чи!.. Айтгандай, кабинетинг қаерда эди?

Маъсумов ўнғайсизланди:

– Халил Муродович, шу ерда ўтира қолинг. Менга ноқулай бўляпти. Ўтиролмаёяпман.

Ғайбаров кулимсираб деди:

– Юзингдан унақага ўхшамайди-ку! Аксинча, мен ёқиб қолганми, деб ўйлаёяпман.

Шогирдининг туси ўзгарди. Аммо хижолат тортганидан эмас, қандайдир норози бўлгандек туюлди Ғайбаровга. Унга синовчан тикилди. Орага оғир жимлик чўккан эди. Худди бир пайтлар Собир Жабборович билан Халил Муродович билан рўй бергандек! Ажаб, Ғайбаров худди шу ҳолатни эслади. Ростдан ҳам такрорланаётган бўлмасин тагин. Йўғ-ей, нималар деяпти? Шундай бўлганида ҳам олдини олиши керак.

– Нега индамайсан?

– Жаҳлимни чиқарасиз-да, Халил Муродович!

Ғайбаров зил кетди:

– Балки, кечирим сўранг, дерсан?

Шу пайт котиба кириб, ноқулайликка чек қўйган бўлди, бироқ унинг ўзи ўнғайсизланиб қолди. Кимга мурожаат қилишни билмасди.

– Нима гап? – сўради Ғайбаровдан олдин Маъсумов.

– Ҳалиги... кечаги мажлис баёнига имзо қўйсангиз, девдим.

– Қани, беринг, – Маъсумов шундай деб котиба узатган қоғозни олди.

Ғайбаров баттар диққат бўлди. Ёпирай, бу атайин қиялпими? Тасавурида, аллақачон амал ўзиники-ку! Тасавурида эмас, мана ҳозир, шундоққина кўзи ўнгида!

У, ҳатто ўтирмаган эди. Маъсумов имзо чекиб, котиба чиқиб кетгунича қаққайиб тураверди.

– Юринг, Халил Муродович, хонангни кўрсат, дедингиз, шекилли?

Ғайбаров уни эргаштириб чиқди. Вақтида тўғридаги мана шу хонани Маъсумовга берса бўларкан. Жинқарча шогирди ўтираверсаям иш битарди. Негадир қизганган эди. Қандайдир меҳмонхона қилиб қўйганди, нуфузли мижозлар, хориждан келадиган ҳамкорлар учун. Энди, ким билсин, Маъсумов қаёққа олиб боради?..

Хонаси анча нарида экан. Ғайбаров энди эслади. Бир пайтлар, икки-уч йил олдин бўлса керак, шу хонада ўтиришини айтган эди. Демак, вақти келиб, ўзи ўтириши кераклигига ҳукм чиқарган экан. Оддийгина, кичкина хона! Бу ерда қандай ўтиради? Ходимларнинг кўзига қандай қарайди? Қай бирига, бу – вақтинчалик, деб тунтиради? Ростдан ҳам... вақтинчаликмикан? Тавба, ўзиям ишонмаяпти! Кеча қандай кун эди-ю, бугун не кўргиликлар тушяпти бошига?

Ўз хонасига қайтмоқчи бўлди. Аммо юқоридан бўладиган кўнғироқлардан чўчиди. Кўнғироқ қилишмагани билан жойида қолганини эшитиб қолишса, сира қўйишмаса керак. Умуман, бу ишда қолгани қулоқларига чалинса-чи? Кетиши керакми? Ахир, қачонгача алдайди?

Шу тарзда Ғайбаровни ваҳима босиб келарди. Бир кўнгли, кет, бу ердан, дерди. Кейин саркаш хаёллари, шунча йиллик меҳнатини саробга айлантириши мумкин эмаслигини ўқидарди. Тинчиб қолса, яна курсисига ўтирар? Ўтиб кетар-ей, ўлдими!

– Марҳамат, Халил Муродович, – жой кўрсатди Маъсумов. – Битта-иккита бегона одамларнинг овозини эшитсангиз, чиқмай турасиз-да!

Ғайбаров тўнғиллаб қўйди:

– Ақл ўргатма! Бу ёғини ўзим биламан.

– Майли-майли... Эҳтиёт шарт, айтаман-да!

Маъсумов чиқиб кетди. У эса шалвираганича қолди. Назарида, энди асло ортига қайтмайдигандек, ҳатто бу жой ҳам омонатдек туюлди. Битта-иккита бегона одам... Нима, энди девор ортидаги қулоқ бўлиб ўтирадимми, юрагини ҳовучлаб?! Маъсумовнинг ўзи нима қилади? Қандай иш тутати? Тинчита олармикан? Аввалги қинғирликларини сотса-я! Ахир, кўп сирлардан воқиф у! Нима бўлади?

Ғайбаров хийла кичик оромкурсига чўкиб, ўзини ноқулай ҳис қилди. Одатига кўра, беихтиёр қўлини олдинга чўзди – чойнақдан пиёлага чой қуймоқчи бўлди. Қўли муаллақ қолди. Чойнақ ҳам, пиёла ҳам йўқ эди. Эсига тушди: олифта Маъсумов фақат маъданли сув ичарди. Стаканга қуйиб ўтирмай, елим идишининг ўзидан кўтариб қўя қоларди. Зиёфат-у туғилган кунларда ҳам бу одатини қанда қилмасди.

Аттанг, шу топда чой ичгиси келганди-я! Котибага буюради! Ғайбаров ҳарчанд уринмасин, қабулхонанинг телефон рақамини эслай олмади. Авваллари Ноила ҳам чойнақни тўлдириб кўк чой олиб кираверарди. Қани энди у? Нима деркан-а, бу ишлар ҳақида?..

Ғайбаровнинг боши ғовлаб кетди. Тушгача нималар қилганини билмайди. Битта-иккита ходим кириб қолиб, анқайиб чиқиб кетганини айтмаса, “ит” ҳам сўрамади. Ҳатто садоқатли шогирди хабар олмади. Алам қилиб кетди Ғайбаровга.

Махсус ресторанда тушлик қиларди. Энди эса... Бугун овқатланмайди. Шу ерда пусиб ўтиради. “Бошлик” шунақа деган...

Тушдан кейин Ғайбаров секин хонадан чиқди. Қабулхона томонга юрди. Секин кирди. Котиба уни кўриб, оҳиста ўрнидан кўзгалган бўлди. Ғайбаров, “ўтиравер” ишорасини қилиб, ичкарига имлади.

– Ҳеч ким йўқ, бир ўзлари, – деди секингина котиба.

Ғайбаров сал дадилланиб, ичкарига юрди. Маъсумовнинг нақ устига бостириб борди ҳамки, у сезмади. Ўша ердаги курсилардан бирига чўкиб уни кузатди. Маъсумов қандайдир ҳужжатларни кўриш билан андармон эди. У қошларини чимириб олган, баъзида бош чайқаб қўярди. Стол устидаги маъданли сувга қўл чўзиш асносидагина Ғайбаровга кўзи тушди. Ҳайрон бўлиб, секин ўрнидан турди:

– Қачон кирдингиз?

– Бир соатча бўлиб қолди, – истехзо аралаш жавоб берди Ғайбаров. – Иш кўпми, дейман? Ана шунақа, бизнинг иш оғир.

Маъсумов бош ирғади:

– Ҳа, оғир... ҳужжатлар шунақанги чалкашиб кетганки, боши-адоғи қаерда, билиб бўлмайди. Бўлимдагилар нима қилишган, ҳайронман.

– Демак, назорат қилмагансан-да! – чақиб олмоқчи бўлди Ғайбаров. Шундай оҳангда айтдики, худди бекорчи одам ишлаётган кишини кўролмай, гапиргандек туюлди. Бунга, аввало, ўзи илғади. Дарҳақиқат, у ҳозир ростдан ҳам бекорчи-да!..

Маъсумов жойидан турган эди, тагин ўтирди. Ғайбаров ундан ҳол-аҳвол сўрашини кутди. “Халил Муродович”



дович, қалайсиз? Зерикиб кетган бўлсангиз керак? Иш шунчалар кўпки, сиздан ҳам хабар ололмадим, узр”, дейди, деб ўйлади. Ҳеч бўлмаса танноз котибани юборсин эди. Юбормаса, демак, фаҳм-фаросати етмайди уларнинг! Акс ҳолда бирров бўлсаям хабар оларди. Ҳали шошмай турсин, Ғайбаров жойига қайтган куни, энг аввало, мана шу котибани йўқ қилади. Котиба зотидай сотқинлар бўлмаса керак. Дарров янги бошлиққа ялтоқлана бошлайди.

– Ишлар чатоқ, Мурод Халилович, – бош чайқади Маъсумов. – Яна бир-иккита ишимиз очилиб қолган эмиш!

– Ваҳима қилма, – ўдағайлади Ғайбаров. – Дарров шовқин кўтарасан! Нега шу жойга ўтқаздим-а сени?

Маъсумов унинг кўзига тик қараб жавоб берди:

– Жонингизни асраб қолиш учун-да, Халил Муродович. Ахир, пишиқсиз-ку! Ҳам жонингизни, ҳам курсингизни! Аммо бу қийин.

Ғайбаровнинг ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Шундоққина қаршисидаги шогирди етти ёт бегонадек, авваллари мутлақо кўрмаган одамдек, мутлақо нотанишдек кўриниб кетди. Ҳа, ҳа, нотаниш! Бир кунда мутлақ бегона кимсага айланиб қолибди. Мана шу курсига бир-икки ўтирибди-ю, мияси ҳам, фикри ҳам айнибди. Наҳотки, Ғайбаровнинг жойини қайтариб бермаса? Бу қандай бедодлик?

– Сен бир кунда шунчалик ўзгариб қолдингми? – дилидагини тилига чиқарди Ғайбаров.

Маъсумов бироз сукут сақлаб, кейин жавоб берди:

– Ўзгарганим йўқ, ахир, нима бўлганда ҳам ростини гапир, деб ўргатгансиз-ку! Эҳтиёт бўлишингиз керак, демоқчиман-да! Ҳали кўп кавлашади, Халил Муродович... Айтдим-ку, мен ўзим кўрганимдаям чалкашликлар чиқиб қоляпти.

Ғайбаров сал шаштидан тушган бўлса-да, Маъсумовга ҳужум қилишдан тўхтамади:

– Ишқилиб ўзинг кавлаштирамаяпсанми ортимдан?

Маъсумов унга хиёл норози қараб қўйди-да, ломим демади. Ғайбаров сўзида давом этди:

– Менга қара, шунақа ҳужжатлар чиқиб қолса, менга, албатта, айт. Биргалашиб йўқотамиз.

– Хўп, – бош ирғади Маъсумов.

– А, бу котибага айтсанг бўлмайдимми, эрталабдан буён чой ичганим йўқ, томоғим қақраб кетди.

Маъсумов стол ёнидаги тугмачани босди. Сал ўтмай котиба кирди:

– Лаббай, Шоҳид Камолович.

Ғайбаров бир титраб қўйди. Шу аснода шогирдининг исмиyam кўп нарсани эсига туширди: ҳа, Шоҳид эди. Бир пайтлардаги жиккаккина болакай, мана энди Шоҳид Камоловичга айланиб ўтирибди. Бу котибанинг чиндан ҳам фаросати йўққа ўхшайди. Жилла курса, Ғайбаровнинг олдида шундай демасин эди. Бироқ... нима деб мурожаат қилсин? Шоҳид ака, десинми? Шундоқ корпорациянинг хўжайинини-я (вақтинча бўлсаям)?

Маъсумовдан аввал Ғайбаров котибага мурожаат қилди:

– Нега менга чой дамлаб бермадинг? Нима, сенга эслатишим...из керакми? Уйингда чой-пой дамлардинг, шекилли?

Котиба бу гапларни эшитиб, кейин Маъсумовга қаради. У бош ирғагач, секин чиқиб кетди. Устоз-шогирд ўртасида яна жимлик чўқди. Ғайбаров сердиққат, Маъсумов хотиржам эди. Бир-биридан гап кутишарди.

– Бояги гапни бекор айтдинг, – деди Халил Муродович.

– Қайси гапни?

– Жонингизни асраб қолиш учун, деган гапни!..

Маъсумовнинг юзида табассум зоҳир бўлди. Ғайбаров унча тушунмади. “Бу гап ҳазил эди”, демоқчимми? Масхаралаётгандир балки? Нима бўлгандаям унинг оғзини кутишга қарор қилди. Маъсумов кутилмаган гап билан уни эсанкиратиб қўяёзди:

– Халил Муродович, биласизми, ишлар жуда кўп. Шу ҳақда кейинроқ гаплашсак ҳам бўлар?..

Ғайбаров ҳеч нима демади. Бўғриқиб ўрнидан турди. Ахир, кет, дегани-да бу! Нонкўр, ярамас! Яхшилиқни билмаган туллак! Тиржайиб туриб, жонингни олиши мумкинлигини билмаган экан Ғайбаров бунинг!

Индамай чиқиб кетди. Котибага хўмрайиб қараб қўйди.

Хонага киргач, стол устидаги чойни ичгисиям келмади. Телефон жиринглаб қолди. Ғайбаров гўшакни кўтаришнинг-кўтармасликнинг билмади. Телефон ҳам тўхтовсиз, асабга тегадиган тарзда жиринглайверди. Демак, кимдир Ғайбаровни сўраган. Ноилож гўшакни кўтарди. Авваллари ким кўнғироқ қилганини айтиб, кейин улаб беришарди, ҳозир эса бирдан улаб юборишди.

– Ҳа, тинчликми? – сўради хотини. – Соткангиз ўчирилган?.. Ишхонангизга кўнғироқ қилсам, бошқа хонага ўтган, дейишди. Мен тушунмадим.

Ғайбаров томоқ қириб, жавоб берди:

– Вақтинча, хотин, вазият шунақа бўлиб қолди.

– Нима вақтинча?

– Бас қил, – ўдағайлади Ғайбаров. – Кейин тушунтираман ҳаммасини. Бу ерга умуман кўнғироқ қилма, – шундай деб гўшакни ташлади. Кейин бурчақдаги юмшоқ курсига ўтириб, кўзларини юмди. Ноилани кўмсаб кетди. Қаерда экан-а? Нозик қўллари билан суякларни ёзиб юборарди-да! Яна шунақанги суйкалардики, беихтиёр эҳтиросларинг жўшиб-тошарди. Ҳозир лоақал шу келса эди. Бироз ўтириб, чақчақлашишарди. Авваллари Ғайбаровнинг вақти бўлмасди, мана энди *хоҳлаганча!* Аммо Ноила кўринмайди, Ғайбаров унинг қайси бўлимда ишлашиниям билмайди...

Кечга яқин эшик шахд билан очилиб, Маъсумов кириб келди. Ғайбаров унинг авзойини кўриб, беихтиёр ўрнидан турди.

– Тинчликми... Шоҳид...жон?

– Сизни бўлимга ўтказмасак бўлмайди, Халил Муродович. Аҳвол жуда жиддий. Ўринбосарлик штатини, умуман йўқ қилиб туришга тўғри келади... Хаҳ, шунча бошоғриқ қилдингиз-а!

– Нима бошоғриқ қилибман? – лаби гезарди Ғайбаровнинг, кейин ростдан ҳам вазият янада жиддийлашганини идрок этиб, ўзини кутқаришни ўйлаб деди: – Мен, яхшиси, меҳнат таътилига чиқаман.

– Энди кеч, Халил Муродович, кеча ҳамма буйруқларни олиб бўлишган. Ўринбосарлик жойи бўш, дегандик, биттаси, мана шу ҳақда ҳам расмий маълумот юборинг, деб ўтирибди. Жуда ёпишиб олишяпти, қўйишмаяпти!

Ғайбаров бош қашлаб деди:

– Бўпти, бўлим бўлса, бўлим-да! Аммо билиб қўй, мен ишхонага келиб ўтирмайман. Ё уйда бўламан, ё бирор ёққа кетаман.

– Менга қаранг, – изоҳ бера бошлади Маъсу-



мов, – бу бўлим мудирлиги ўзи вакансия эди. Сиз келиб турмасангиз, бўшлигини билиб бирор кишини тикиштиришмасин тагин.

– Мен бўлимда ўтирсам, суриштиришмасканми? – кошларини тугун қилди Ғайбаров.

– Суриштиришмайди, буни ўзингиз ҳам биласиз-ку! Юқорини ҳозир кўпроқ бўш ўринлар қизиқтиряпти, тушуняпсизми?

Ғайбаровнинг жаҳли чиқди:

– Уларга ўзи нима керак?

– Сиз диққат-этиборларини тортмай тулинг, дейман-да! Ҳозир кетсангиз ҳам, бундайроқ жойда ўтирсангиз ҳам сезиб қолишади.

– Мен бўлимда ишлай олмайман!

– Нега? Ахир, аввал ишлагансиз-ку!

Ғайбаров ялт этиб унга қаради. Ростдан ҳам ишлаган, бироқ аввал, ўз номи билан, аввал эди-да!

– Тушунинг, агар эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасак, иш очишлари мумкин, – кўрқитишда давом этди Маъсумов. Кейин собиқ бошлигининг жавобини кутди. Ундан садо чиқмади. Афтидан, нимадир демоқчи-ю, тилига чиқаролмаяпти. – Нега индамайсиз?

Ғайбаров зўрға тилга кирди:

– Менинг жойим нима бўлади?.. Ҳалиги сен ўтирган жой!

Маъсумов унга қараб, аттанг, дегандек, бош чайқади-да, чиқиб кетди.

Ғайбаров ўзича мулоҳаза юритди: бу бола ўйин қилипти – футбол! Ғайбаров бошлаган ўйинни давом эттириб, унинг ўзини коптоқ қилиб тепяпти! Энди нима бўлади?..

Эшик очилиб, Ноила кўринди!

Ноила, ўзининг Ноиласи! У ана шундай – Ғайбаровнинг кайфияти йўқ пайтда пайдо бўлади. Кейин ором, қувонч бағишлайди. Айниқса, ҳозир Ғайбаров уни кўриб, шу қадар энтиқиб кетдики, нақ йиғлаб юбораёзди. Маъсумов унинг кайфиятини остин-устун қилган, Ноиланинг пайдо бўлгани мушкулотларини аритгандек эди.

– Нима бўлди? – деди Ноила унинг кучоғида эриб, ўзининг кайфияти тушкун эди.

– Вақтинчалик, – жавоб берди Ғайбаров. – Шунақа бўлиб қолди... Ўзингиз яхшимисан?

Ноила бироз сукут сақлаб, жавоб берди:

– Яхши... Бир оғиз айтмабсиз ҳам. Тўппа-тўғри кириб борибман. Шоҳид акани ўрингизда кўриб кўрқиб кетибман.

Ғайбаров Ноиланинг “Шоҳид ака” деганига рашки келиб, уни сўроққа тутди:

– Нима деди сенга?

– Ҳеч нима! Шу заҳотиёқ қайтиб чиқдим-да!

– Бу хонада эканлигимни ким айтди?

– Ўзим ўйладим. Жойингизда Шоҳид ака ўтиргач, сиз шу ерда бўласиз-да!.. Ишдан олишдими, Халил ака? Нега?

– Вақтинчалик, дедим-ку, – диққат бўлди Ғайбаров.

– Вазият сал юмшасин... Ходимлар нима дейишяпти?

– Ҳали ҳеч ким билмайди, менимча. Кечқурун йиғилишда айтишса керак-да!

Ғайбаров ҳайрон бўлди:

– Қанақа йиғилиш?

– Ҳаммага айтиб чиқишди-ку, билмасам!

Халил Муродович аччиқланди. Бу иши энди ортиқча Маъсумовнинг! Орқа-олдини билмай қоляпти, шекилли.

Ноиладан Шоҳид Камолович ўтирган ўзининг собиқ хонаси телефон рақамини сўради. Ноила айтди. Ғайбаров ички телефондан ўша рақамни терди. Бироздан сўнг Маъсумов гўшакни кўтаргач, шошилмай гап бошлади:

– Бугун мажлис қилмоқчи экансан, тўғрими? Нега менинг хабарим йўқ?

Маъсумов кескин жавоб берди:

– Ҳа, сал туриб мажлис ўтказмоқчиман. Бунинг сизга дахли йўқ.

Агар ҳозир Ноила бўлмаганида Ғайбаров унга бақариб юбориши мумкин эди. Бироқ Ноиланинг ҳамма гапдан вақиф бўлишини, қолаверса, телефондаги бундай тарздаги сўзлашув – гўё Маъсумов аллақачон унинг курсисини тортиб олганини намоён этишини истамади у. Босиқлик қилди, шу билан бирга Маъсумовнинг жавобини Ноила эшитиб қолмаганмикан, деган хавотирга ҳам борди.

– Яхши, мен қатнашиб ўтирмайман, ўзларинг ўтказаверинглар, – деди сир бой бермай. Гўшакни қўйиб, Ноилага хотиржам қиёфада юзланса-да, кайфияти носоз эканлиги аён эди.

Ноила ундан гап кутди. Ғайбаров гапиравермагач, сўради:

– Қандай масала экан?

Ғайбаров қўл силтади:

– Айтарли жиддий гап эмас, – деди жўяли жавоб тополмай, кейин сўзларини суваб кетди: – Интизом масаласи!.. Эсимдан чиқибди, мен ўзим тайинлаган эдим. Онда-сонда жамоанинг жиловини тортиб қўймасак бўлмайди, тўғрими?

Ноила ўйланиб қолганди.

– Агар сиз қатнашмасангиз, мен ҳам кириб ўтирмайман. Айтиб қўярсиз, Халил ака. Шу йиғилишларга тобим йўқ, биласиз-ку!

Ғайбаров нима деб жавоб беришини билмай, бош ирғаб қўйди. Ноила сўзида давом этди:

– Ўзи нима бўлди, айтинг... Кеча у ёқда ўтирган одам бугун бошқа хонада ўтирибди. Шундай бўлишиям мумкинми?

– Нега бўлмас экан? – унинг елкасидан кучди Халил Муродович. – Буям бир ўйин-да! Бир хил атмосферадан кўра, вақти-вақти билан вазиятни ўзгартириб туриш керак. Ҳадемай ҳаммаси жойига тушади... Ҳали режалар кўп, Ноила.

Ноила индамади. Унинг шахло кўзлари катта-катта очилган, юзида ҳайрат ифодаси қотган эди. Ҳайрат билан бирга қандайдир хавотир бор. Йўқ, хавотир дейиш ҳам тўғри эмас, Ноиланинг ҳафсаласи пир бўлгандек эди. Ғайбаров бир сўз айтмай уни кузатиб ўтираверди. Нима дейишнйам билмасди. Айни дамда Маъсумовнинг курсисида ўтиргани учун ўзини ўнғайсиз сезар, Ноиладан уялаётган ҳам эди. Назарида ҳадемай бу жувон уни йўқлашни бас қиладигандек туюлди. Агар Ғайбаров ростдан ҳам амалдан кетса, Ноилани бошқа кўрмайди. Аниқроғи, у ўзини олиб қочади. Эҳтимол, Маъсумовга ялтоқланиб бошлар! Наҳотки, шундай бўлса? Ахир, ҳозиргача Ғайбаровни амали учун яхши кўрарди-да! Яхши кўрарди?.. Қанақа яхши кўриш? Ғайбаровнинг пуллари керак эди, холос. Ёши эллиқдан ошган тепакални ёш жувон бошига урадимиз? Муҳаббат деганлари китобларда, холос. Жилла курса, бу туйғу ёшларда бўлиши мумкин. Катталарда, айниқса, мансабдорларда бу борада муҳаббат эмас, ўйнаш бор, холос. Муҳаббат эмиш-а!..





Нега Ғайбаров бу ҳақда шу кунгача ўйламади экан? Мана, ҳозир Ноиласи ҳузурда! Лекин у аввалгидек эмас, саросимага тушган. Ким билсин, ичида нималарни ўйлапти экан? Ғайбаровдан халос бўлиш ҳақида бош қотираётгандир, эҳтимол?..

– Нега бунча ўйланиб қолдинг? – деди Ғайбаров чидай олмай.

– Билмадим... ўзим, – деди Ноила оҳиста. Овози синик чикди. Бироздан сўнг сўради: – Барибир жойингизга қайтасиз-а, Халил ака? Ахир, сизнинг жойингиз бу ер эмас-ку?!

Ғайбаровнинг дилидаги тилига чикди:

– Мабодо қайтмасам, сен... унутиб юборасанми мени?

– Унақа деманг, – Ноила уни қучоқлаб олди.

Ғайбаровнинг назарида у Ноила билан хайрлашаётгандек туюлиб кетди. Бир пайтлар ҳарбий хизматга кетишидан олдин севгилиси Санобар уни худди шу тарзда кузатган эди. Анча пайтгача хат ёзиб юрди. Кейин дабдурустдан мактуб юбормай қўйди. Ёш Халил қанча ёзмасин, хатлари жавобсиз қолаверди. Ичига ўт кетди. Санобарнинг бошқа йигитга эрга тегаётганини сизди. Жуда алам қилди. Ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, худди шу гапни эшитди.

– Ҳазиллашдим, денг, – пичирлади қулоғига Ноила.

– Айти-и-и-н-г...

Негадир Ғайбаровнинг хўрлиги келди. Агар, ҳазиллашдим, деса, Ноила қувониб, маҳкамроқ қучоқлаб олади, йўқ, жиддий айтяпман, деса, барини йиғштиради. Буям худди Маъсумовга ўхшаган одам-да! Тарози посангисига қараб иш тутади. Дарвоқе, фақат Ноила билан Маъсумов эмас, бошқалар ҳам, ҳамма-ҳамма шундай! Сенга мансабинга қараб муомала қиладилар. Танимай қўядилар. Сен улар учун нота-нишга айланасан!

Ғайбаров Ноилани ранжитгиси келмади, ўзини ҳам:

– Ҳазил, – деб қўйди.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Ноила тезда ўзини йиғштириб, у ёқ-бу ёғини тuzатди.

Котиба кирди:

– Ноила опа, шу ердасиз? Ҳамма жойни кўриб чиқдим... Юринг, Шоҳид Камолович чақиряпти сизни.

Ноила ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. Ғайбаров ҳам лол эди. Ноила унга сирли кўз ташлаб, котиба ҳамроҳлигида хонани тарк этди.

Ғайбаров яна ҳувиллаган диққинафас хонада бир ўзи қолди. Ошналаридан бирортасига кўнғироқ қилмоқчи бўлди, аммо бу қароридан қайтди. Агар улар ҳам бу даргоҳдаги гапларни эшитишган бўлса, сўроқлаб, баттар кайфиятини бузишади. Уйга кўнғироқ қилсинмикан? Ҳол-аҳвол сўрарди. Болалар қалай, нима қилишяпти? Дарвоқе, энди кўшнилари кўзига қандай кўринади?... Э, улар билиб ўтирибдими? Умуман, билсалар нима! Ўзи нега бунча фожиа қилиб юборди?! Етти мучаси соғ-саломат-ку! Шунчалик ҳам тушкунликка тушиш мумкинми?..

Бурчакдаги оромкурсига ўрнашиб, кўзларини юмди. Вақтни ўтказишнинг йўли – ухлаш!..

Бироқ Ғайбаровнинг кўзларига уйқу келмади. У Маъсумов Ноила билан нималар ҳақида гаплашаётганига қизиқарди. “Кўй энди ўша одамни”, деса-я Шоҳид! Айтиши мумкин, ахир! Йиғилиш ўтказмоқчи эди, тезроқ ўтказа қолса-чи!

Нега ишни ўйламапти? Маъсумов, энди бўлимга ўтасиз, деди-ку! Бўлимда қандай ишлайди?.. Аслида ўша пайтнинг ўзида кетиши керак экан, бу ерда қолиб шарманда бўлгандан кўра. Маъсумов роса калака қилса керак!

Индамай кетворса-чи? Ўтираверадими индамайгина? Кеч ҳам тушиб қолди.

Ғайбаров сакраб ўрнидан турди. Эшик олдига бориб, сал талмовсираб, кейин шахд билан итарди. Коридорда ҳеч ким йўқ – ҳамма йиғилишда бўлса керак. Бирдан калласига келди: Маъсумов йиғилишда Халил Муродович ўз жойини бўшатганини эълон қилса-я?! Аниқ шу ҳақда гапиради. Акс ҳолда йиғилиш чақириб ўтирмасди.

Ғайбаров шу ҳақда ўйлаб-ташвишланиб, тезда ишхонадан чиқиш йўлагига қараб юрди. Ташқарига йўл олди. Хизмат машинаси – ана! Ҳайдовчи қўл телефонида ким биландир валақлашиб ўтирибди. Ғайбаровни кўриб, гапини тугатди-да, савол аломати билан қаради. “Уйга кетамиз”, деган буйруқни эшитиб, жонланиб қолди. Тезда машинани ўт олдириди.

Ғайбаров йўл бўйи Маъсумов уни суриштириб қолиши мумкинлигини ҳам ўйлади. Сўрасин, суриштираверсин! Энди бу ерларга келмайди, елкасининг чуқури кўрсин! “Бўлимга ўтасиз” эмиш! Оқибатни билмаган шогирд! Шунча яхшиликлари, ёрдамлари қаерга кетди? Мана, бугун ўзининг тағидида курси етмагандек, Ноилани ҳам тортиб олишга киришди. Кўз олайтириб юрган экан-да, аблаҳ! Бироқ, устоздан қолган-ку бу, демасмикан? Шунчалик юрагидан урган, шекилли? Ол, олавер! Энди шундоқ ҳам Ғайбаровга уят бўлади. Оиласи, бола-чақалари бор. Ноиласиз ҳам куни ўтади...

Шундай дейди-ю, барибир алам қилади-да! Ахир шогирд тушмагур тайёрига айёр бўлиб ўтирибди!..

Ғайбаров уйига вақтли қайтгани учунми, хотини яна сўроққа тута бошлади. У индамади. Дам олмоқчи, болалари билан суҳбатлашмоқчи эди, йўқ, аксинча, худди ишхонада қидириб қолишгандек, беҳаловат бўла бошлади.

У зўрға тунни ўтказди. Эртасига эрталаб, хизмат машинаси келган эди, ҳайдовчига жавоб бериб юборди. “Энди қачон чақирсам, келгин, Маъсумовга ўзим тайинлаб кўяман”, – деди. Кейин кўчага чиқиб кетди. Анчагача тентиради. Бозор, дўконларни айланаётганди, қўл телефони жиринглади. Ғайбаров кўзойнагини тақиб, рақамга қаради: Маъсумов! А-ҳа, телефон қиларкансан-ку! Ишинг тушибди-да барибир! Бир ўзинг ҳал қила олармидинг шунча ташвишни?! Осон, деб ўйлаганмидинг?

– Эшитаман.

– Ассалому алайкум, Халил Муродович... Бугун ишга чиқмадингизми?

Ғайбаров ўшқириб берди:

– Сен ўзи кимсан, мендан ҳисобот сўрайдиган? Ишга бораманми-йўқми, ўзим биламан.

– Сиздан ҳисобот сўраётганим йўқ.

– Гапимни бўлма! Кеча мендан бемаслаҳат мажлис қилдинг, айтгандирсан-да, ҳаммасини! Типирчилаб қолгансан-ку! “Отнинг ўлими – итнинг байрами”, деб бежиз айтишмаган экан. Билиб қўй, мен ҳеч қандай ишинга ёрдам бермайман. Хомтама бўлма! Қандай қилиб ўша жойга ўтирган бўлсанг, шу тарзда ишлайвер! Бўлимни ҳам пишириб е! Мен эса кўчада қолмайман!

– Халил Муродович, намунча оташинсиз? – Маъсумовнинг овози ҳам баланд чикди. – Ўзингизни бо-



синг. Мен сизни ўйлаб, шу таклифни айтдим. Энг кулай йўли, ахир! Вақтинчалик, дедим-ку! Мана, бугун ҳам сўрашди... Сизни қочиб кетди, деб ўйлашлари мумкин, тушуняпсизми? Иш очилади. Очилади!.. Шу ерда бўлсангиз, бамаслаҳат ҳаммасини ҳал қилардик.

– Энди маслаҳатим керак бўлиб қолдими? Кеча мажлис...

– Яна мажлисни гапирманг, илтимос. Мен вақтинча бошқа бўлимга ўтишингизни айтдим, холос. Ҳалиги ғавғолар ҳақида чурқ этганим йўқ. Ишонмасангиз, хоҳлаган ходимдан сўрашингиз мумкин.

– Бўлимнинг бошингдан қолсин! Нега айтасан? Мен жамоанинг кўзига қандай қарайман? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

– Айтмасам ҳам бўлмасди-да! Сиздан сўрашмасам, мана, мендан сўрашяпти. Кеча юз марта сўрашди. Нуқул “Халил Муродович қани?.. Нега бошқа жойда ўтирибди?..” Майли, агар ростдан ҳам ишга чиқмайман, десангиз, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Эртага мендан ранжиб юрмасангиз бўлгани!

Ғайбаров бўғилиб деди:

– Қўрқитма мени.

Маъсумов бўш келмасди:

– Қўрқитаётганим йўқ, огоҳлантиряпман, Халил Муродович. Ҳозирги вазиятни мендан кўра сиз кўпроқ биласиз.

– Сен шогирд бўлиб, менга қандай яхшилик қилдинг, айт.

Маъсумов унинг гапини эшитмагандек сўради:

– Машина борсинми-йўқми?

Ғайбаров ростдан ҳам хавотирга тушиб қолган эди.

Ахир, қонун бузилган, бу ҳазилакам гап эмас. Ҳамма айб омбор мудирга ағдарилгани билан Ғайбаров ишхонада кўринмай юрса, ростдан ҳам, бир балоси бор, дейишлари мумкин.

– Мен ҳақимда юқорига нима дединг? – сўради у.

– Бу ишни менга топширганларига анча бўлган, дедим. У киши ёшларни қўллаб-қувватлаш тарафдори, дедим. Энг оқсаётган бўлимга ўз ихтиёрлари билан ўтиб, ишни ривожлантиряптилар, дедим.

Маъсумовнинг гаплари Ғайбаровга маъқул тушди. Барибир ичидаги ҳадикни айтди:

– Барибир омбор мудироти сотиб қўяди-ку!

– Нима деб сотарди? – шивирлаб гапирди Маъсумов. – Орқа сана билан расмийлаштириб қўйсақ, ҳеч вақо қилолмайди.

Ғайбаров, “ўзинг курсини қачон бўшатасан?” демоқчи эди, тили бормади. Жа ўлиб турган экан, деб ўйламасин. Берадиганга ўхшаяпти-ку! Оқибатли ҳар қалай! Акс ҳолда қўнғироқ қилмасди. Астойдил куйиниб гапиряпти. Аммо... бўлим мудирлиги... Қандай ишлайди? Бошқа бўлимдагилар устидан кулишмайдимми? Ахир, уларни озмунча сўкканми жаноб Ғайбаров!

Бу гапни ҳам яширмади:

– Энди анови Сафаров, Восиев, Фатҳиддин, Илҳомов, яна ким эди, ҳа, Зулфия опаларга кулги бўлиб юраман-да, шунақа-да-а?

Маъсумов бироз тин олиб жавоб берди:

– Қани бирортасига кулсин-чи!.. Кулмайди. Ҳеч ким кулмайди... Демак, машинани юбораверай?

– Тўхта, аввал хонани яхшилаб тайёрлаб қўйишин. Кечагидек бўладиган бўлса, керак эмас. Ҳайдовчига айт, менга қўнғироқ қилсин. Қаердалигимни айтаман, –

Ғайбаров шундай деб қўшимча қилди: – Тўхта, яхшиси, тушдан кейин келсин, унғача ишларим бор.

Маъсумов индамай гўшақни қўйди. Ғайбаров унинг бу қилиғидан хиёл ранжиса-да, ишхонада ўзининг кераклигидан хурсанд бўлди. Бўлим-бўлим, деб баҳона қиляпти, – ўйлади у, – аслида ишни эплай олмаяпти. Атанг, Маъсумовдан, “нима деб ўйлайсан, тезроқ босди-босди бўлармикан?” деб сўрамабди-да! Ҳечқиси йўқ, ишхонага борганида сўрайди...

Тушдан кейин Ғайбаров машинада ғўддайиб ўтирганича ишга кетди. Беихтиёр, “отдан тушсам ҳам эгардан тушмаяпман”, – деб қўйди ўзига нисбатан.

Бўлимдагилар совуқроқ қарши олишди. Ростдан ҳам энг қоқоқ бўлим бу. Шу боис бариси Ғайбаровдан эшитадиганини эшитарди.

– Биз Халил Муродовичдан шу бўлимни ривожлантиришни сўрадик, – деди Маъсумов. – Ўйлайманки, ишлар силлиқ кетади.

Ғайбаров унинг гапини тузатган бўлди:

– Аслида кўнмасдим-у, илтимос қилишганига келавердим, – кейин қўшимча қилди: – Ҳар ҳолда ўзимизнинг кадрдон ишхона. Жонимизни жабборга бериб ишлаймиз. Ишни ҳисоботларни қайта кўриб чиқишдан бошлаймиз. Ҳар бир ой бўйича балансларни кўздан кечирамиз. Хатолар бўлмаслиги учун чораклик билан тақослаб чиқамиз.

– Бу масалаларни ўзларинг гаплашиб оларсизлар, – кулимсиради Маъсумов. – Ишдан сўнг яна бир бор йиғилишиб, натижаларни таҳлил қилсақ, Халил Муродович?

Ғайбаров унга норозинамо қараб қўйди...

Ишлар силлиқ кетмади. Ходимлар хўмрайиб қараса, лабини буриб, энсасини қотирса, иш бўладими! Битта-иккитаси эшитилар-эшитилмас пичинг ҳам қилиб улгурди: “Бир пайтлар бўлимимизни тугатмоқчи бўлишганди-я, зарарга ишляяпти, деб, ўша вақтда тормор қилишмаганининг сабаби бор экан-да!.. Шундай кунда керак бўлиб қоларкан, қаранг”.

Муттаҳамлар-ей, авваллари қалтираб турардинлар. Тилларинг чиқиб қолибди-да!

Кекса Дўстов дегани Маъсумовнинг ҳузурига кириб чиқишга улгурибди. “Бу одам ўзи тушунмайди-ю, нега бўлимга қўясиз?” – деган эмиш! “Ўзи қилмай, фақат буларга”, – дебди яна. Сенларга тайёр қилиб бериш керакми? Тагин Дўстов эмиш! Отаси дўст бўлгандир-да кимларгадир, ўзи асло унақа эмас! Олдинлари ҳам миждовланиб асабга тегарди.

Ўзи булар Ғайбаров яна ўз курсисига қайтиб ўтиришини фаҳмлашмайди, чоғи! Э, бу шундай бўлимки, ўзлари хоҳлаган, орзу қилган одамни, ҳаттоки отасиниям бошлиқ қилиб қўйсанг, норози бўлишади...

Кечроқ кичик мажлис чоғида Ғайбаровга “хужум” қилиб кетишса, денг! У бу бўлимга, умуман, ишхонага керак эмасмиш! Уялмай айнан шундай дейишди. Ғайбаров бошини қай тошга урсин! Алам қилгани – мана новилар, гўё уни энди кўриб тургандек, мутлақо бегонага қилгандек муносабатда бўлишди. Барака топкурлар, шунча вақт ишлади-ку Ғайбаров, ҳали яна ўтиради курсисига! Йўқ, аксинча, худди ёввойи одамлардек, чувиллаб гап беришмайди. Улар бир томон, Ғайбаровнинг ўзи бир томон.

Маъсудов иккала тарафни зўрға тинчлантирди. Ҳаммаси жойига тушишини, бир-бирларига ўрганиб кетишларидан умид қилаётганини айтди.



– Умид йўк, – деди чўрт кесиб Дўстов. – Бу одам, аксинча, ишни орқага тортади. Менда бошқа таклиф бор.

– Хўш? – унга кўз тикди Маъсудов.

– Биз тайёрлаган балансларни чиқитга чиқараётган экан, марҳамат, ўзи қилиб берсин. Ана шунда кўрамыз кучини! Ҳисобчилик бу одам ўйлаётганидек осонмас! Бўлим мудирлиги ҳам фақат буюр-буюрдан иборат эмас. Шу чоққача тинчгина ишлаётган эдик. Мана, бугун шунча ғалва орттириб ўтирибди. Оддий ҳисобчи штати-га тушириш керак буни.

Ғайбаров сакраб ўрнидан турган эди, Маъсумов уни секин елкасидан босиб, жойига ўтказди. Тушунтироқчи бўлди, аммо Дўстов ҳам, бошқалар ҳам эшитишни исташмади.

– Нима, эплай олмайман, деб кўрқяпсизми? – деди Дўстов кўзларини лўқ қилиб Ғайбаровга. – Ўзи шу иш келадими кўлингиздан? Би-и-р ўзингизни кўрсатинг-чи! Иш буюришни биз ҳам биламиз.

Худди келишиб олишгандек, ҳамма жим бўлиб, унинг оғзини пойлади. Ғайбаров асабийлашди:

– Қўлимдан келади, билдингизми? Мени ким деб ўйлаяпсиз? Нима, кечаги кунгача бутун бошли ишхона-ни бошқарганимни унутдингизми?

– Сиз кечаги кунни кўйинг, – истехзоли кулди Дўстов. – Бугундан гапиринг. Бизга рисоладагидек ҳисоботни тайёрлаб кўрсатинг, яна такрорлайман, агар кўлингиздан келса.

Маъсумов Ғайбаровга юзланди:

– Наҳотки булар билимингизга ишонмаётган бўлишса? Бир қойиллатиб ташланг!..

Ғайбаров эртасига бўлимдагиларнинг талаби билан оддий ҳисобчиликка ўтказилиб, ҳаммага намуна бўладиган ҳисобот тайёрлаб берадиган бўлди.

Уйга қайтар маҳали Ғайбаров беихтиёр дайди-шумқадамни эслади. Ростдан ҳам башоратчи эдимиз у?

\*\*\*

Ғайбаров уйга келгач, узоқ вақт ўйланиб ўтирди. Кўз олдидан шумқадам дайди сира кетмасди. Кейин хотинига ёрилди. Мана шу одам хонасига келиб-кетганидан сўнг барча ишлари телба-тескари бўлаётганини айтди. Ишни вақтинча шогирдига топширганини таъкидлади. Хотинининг чиройли қўшлари чимирилди. “Ҳали мендан шунча гапни яшириб юрибсизми, кўнглим сезганди-я”, – деди.

Ғайбаров учун бу гаплар муҳим эмас эди. Парво қилмади. Яна ўзининг ўй-хаёлларига берилди. Эртага ёзиб берадиган ҳисоб-китоб ишлари ҳақида бош қотирди. Аблах Дўстов! Ўша дайдининг таниши бўлмасин тагин! Аллақачон ишхонадан ҳайдаб юбориш керак экан. Мана, захрини сочиб ўтирибди. Ёнидагилари, “э, нималар деяпсиз, ахир, бу киши – Халил Муродович-ку”, ҳам дейишмади. Улар ҳам аблах! Дўстов деган ғаламси билан ишлагандан кейин ҳаммаси аблах-да! Нега бошлиқнинг тарафгани олишмади? Собиқ бўлгани учунми?..

Ҳа, майли, эртага шундай қойилмақом ҳисоб-китоб қилиб берсинки, оғизлари ланг очилиб қолсин! Шогирди Маъсумов ҳам қўллаб турар ҳар ҳолда! Нега шу бўлимга ўтказди-я! Тили бир бўлса керак буларнинг. Ҳаммасини ўша шумқадам қиялпти! Роса қадами расво одам экан-да!..

Кечқурун ётишда хотини девор томонга ўгирилиб олди – худди у ҳам Ғайбаровдан юз ўгиргандек. Ала-

ми келди Ғайбаровнинг. “Энди керак бўлмай қолдимми? Авваллари айланиб-ўргилардинг-ку! Елакаларимни, бошимни уқалаб кўярдинг... Э, ҳамманг бир гўр!..”

У алламаҳалгача тўлғаниб ётди. Ич-ичидан аста-секин ишхонадан четлашаётганини ҳис қилар, аммо буни сира тан олгиси келмасди. Аслида-ку, тезроқ кетгани маъқул, аммо кетишга ҳам қўйишмаяпти-да!..

Қачон ухлаб қолди, билмайди. Ўша нотаниш дайди тушига кирди. “Қалайсан?” дегандек кулимсираб турибди. Ким эди-я у? Ҳали мени излаб қолсан, деганди, ростдан ҳам излармикан ўшани? Излаган билан нима? Кечирим сўраши керакми? Аксинча тумшугига бир мушт тушириб, сал бўлса-да, аламидан тушиши мумкин...

Эртасига Ғайбаров ҳисоботни ростдан ҳам қойилмақом қилиб берди. Маъсумов ёлғондакам кўз югуртириб, “зўр, бундан ортиқ бўлмайди”, – дея Дўстовга узатди. У эса энсаси қотиб, нигоҳ ташлади. Бир Маъсумовга, бир Ғайбаровга қаради. Хато тополмаса-да, менсимагандек бўлди.

– Буни ўзингиз қилдингизми? – деб сўради кейин.

Ғайбаров жаҳли чиқиб, Маъсумовга ўгирилди. У эса Дўстовга сўз қотди:

– Бу нима деганингиз? Биров қилиб берармиди? Кўз олдингизда тайёрлаб берди, назаримда. Ёки бунга-ям ишонмайсизми?

– Ҳа, энди-и, – елка қисди Дўстов, – бировга пул берсанг ҳам тайёрлаб берадиган замон-ку ҳозир.

– Сиз ўзи аввалдан майдагап эдингиз, ҳозир беш баттар бўлибсиз, – тутқиб кетди Ғайбаров. – Чўкаётган одам чўпга ёпишар экан. Камчилик тополмаганингиздан кейин шунақа баҳоналар қидирыпсизми энди?

Дўстов унга олайиб қаради:

– Ким чўкяпти, менми ё сизми? Бундай мақолларингизни пишириб енг, билдингизми? Мен ростини айтяпман, ўзингиз тайёрлаганингизга ишонмайман. Йиғиб қўйган пулларингиз бўлса, бирорта таниш ҳисобчига берган бўлсангиз, қилиб ташлаган-да!

Маъсумов худди бу даҳанаки жангга хайрихоҳдек индамай турарди. Ғайбаровга қўйиб берса, ҳозир Дўстовнинг башарасига бошлаб туширарди-ю, аммо бу – ёмон одам! Шартта шикоят ёзиб, мелисама-мелиса чопишдан ҳам тоймайди. Ўзи ғирт саводсиз-у, гапини қаранг!

– Шоҳид, мен бу одам билан пачакилашиб ўтирмайман, – деди Ғайбаров Маъсумовга. – Мана, қилиб беринг, дедиларинг, қилдим. Хоҳласанг, ўзинг бирорта мутахассисга кўрсат, хулосасини берсин! Кейин ўша хулосани манови одамга ҳам бер, танишиб чиқиб, баттар жизғанак бўлсин!

– Ўв, ўв, – овозини бир парда кўтарди Дўстов, – мен сенга жизғанак бўлишни кўрсатиб қўяман.

Ғайбаровнинг алами келди, ахир шу чоққача бу ишхонадагилардан бирортаси уни сенсирамаган. Хурматини жойига қўйишган. Шунчалик ҳам хурматсизлик бўладими?!

– Сенсираманг, – деди лаби гезариб. – Мен сизнинг болангиз эмасман. Шунча одамнинг олдида маданиятсизлик қилишга уялмайсизми?


– Нима?! – қулоғига қўлини карнай қиларкан, калака қилди Дўстов. – Болангиз эмасман, дейсанми? Шоҳид Камолович-чи? У сенинг болангми? Нега уни сенсирарсан? Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, дей-

Давоми 38-бетда



Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ


## Жайрлашган мен билан даштлар



СОҒИНЧ  
(Туркум)

Юрак титраб турар йўлга шайланиб,  
Манзилига етмай ҳориган сайёҳ...  
Наҳотки шунча йил ўтдим алданиб,  
Содир этганларим барчаси гуноҳ?..

Қуёш ҳам ёнбошлаб борар уфққа,  
Алвон сочларини ёйган дарахтлар.  
Айтгин, етадим маънан ҳуқуққа,  
Кечиб, авф бўлмоққа гумроҳ, бадбахтлар.




Яна ташлаб келдим гўлдай юртимни,  
Кутади интизор неча соф кўнгил...  
Раббим, муяссар эт, ўтай бурчимни!  
Диёрдан айро мен ҳам бир булбул!..

\*\*\*

Китобларим қўлма-қўл бўлди,  
Масков миришаблари ўқир шеъримни...  
Менга омад ҳар куни кулди,  
Бани башар билган сиримни...

Оқ хонимлар учун дарвишман,  
Осиёдай жўмард, тўпори.  
Масковни қадамлаб кезмишман,  
Кўнглимда Бухоро баҳори.

Нима бўлса мендан кутишар...  
Эсларида Темур, Чингизхон.  
Гуноҳимдан гўё ўтишган,  
Мени эса йиғлатар армон.



Есенинни кўрган қаргалар  
Тверскойда теграмни олди,  
Бу қандайин макон, жўралар,  
Қалбимдаги қалбимда қолди...

Ғариб қулбам назм пойтахти,  
Оврўпага текин майхона.  
Кўкардимди Ҳофиз дарахти,  
Тирилдимди Ҳайём мастона?!

Китобларим қўлма-қўл бўлди,  
Масков миришаблари ўқир шеъримни...  
Кундан-кунга қайғум мўл бўлди,  
Соғингандан туққан еримни.

\*\*\*

Есенинни уйғотган диёр,  
Сергей, бир вақт кўз очган дала.  
Сайхонликдан бошланган баҳор,  
Тегирмонлар яйраган жала.  
Ҳамон муштоқ, ҳамон кимга зор,  
Кундузларин кўнгли беғубор.

Дашт, сўқмоқча, ой аравада,  
Юлдузларнинг шуъласи илиқ.  
Явшанлари мудраган палла,  
Пичанлар етилар бўлиқ,  
Гўзал ухлар тунлар Рязань,  
Тушларида жувонманг фарзанд.

Бу қишлоқча четидаги бог,  
Бу адирнинг нигоҳи қулба.



Юрагида унинг қанча доғ,  
Онаизор тикилган йўлда  
Ҳамон сирли пода изи бор,  
Говмишлардан олган сўзи бор...

Рақс тушади алвон япроқлар,  
Оқ қайинлар неча ошиғи.  
Ўткинчидир сўнгсиз фироқлар  
Жарангласа мовий кўшиғи.  
Хур эпкиндай гоҳ-гоҳ эсади,  
Фаришталар бунда кезади...

Есенинни тўйдирган дунё,  
Арқон тутган ўттизга етмай.  
Бевафомас бевафо зебо,  
Кутгай келиб, атиргул тутгай...  
Садо берар дилрабо чирой,  
Жаҳаннамдан чиқиб келар Ой...

### ТЕРАКЧАМ

Теракчам, тилла соч теракчам,  
Бор-йўғи бир кузак мен меҳмон.  
Ойнамга боқасан уйғонсам,  
Синглимдай жонсарак, меҳрибон.

Бир умр шундасан эгачим,  
Бир умр мен эса чопаман.  
Балки сен садоқат бекачим,  
Ҳолингдан ҳикматлар топаман.


Сен қисмат қўлида занжирбанд,  
Мен тақдир шаҳрида нигорон.  
Сен самон йўлида бир бекач,  
Мен армон юртидан бир карвон.

Топмадим нимани соғинсам,  
Биламан, бу кунлар ҳеч қайтмас.  
Теракчам, тилла соч теракчам,  
Маъсума, дард тинглаб, сир айтмас...

### ЛЎЛИ

(Рома халқ термасидан таъсирланиб)  
“Кездим, кездим олис йўлларни”,  
Шамолдай шаффоф тийнатим.  
Савалади саҳро дўллари,  
Айиқларга илон ўйнатдим.  
Севдим, севадим қанча дилларни.

Анқовларга ҳунар ўргатдим,  
Биродарим бедовлар бўлди.



Ййловлардан ўтди санъатим,  
Ҳилтирашиб яловлар кулди –  
“Бахтли лўлиларни учратдим”.

Мен ҳам бир саргашта лўлиман,  
Қалбимга боқсангиз билурсиз!  
Хур, дилбар хаёлнинг қулиман,  
“Лўлилар сиз қайдан келурсиз,  
Бахтли йўлдан чодирлар билан”.

Диёримдан ўтдингизми сиз?  
Пешвоз чиққан анвойи гуллар.  
Йўл кўрсатган Чўлпон юлдузи,  
Йиғлатгандир балки булбуллар...  
Диёримдан ўтдингизми сиз?

Чаשמалардан қониб ичгансиз,  
Аравангиз таққан чечаклар.  
Лолали баҳорни қучгансиз,  
Ўландан уйғониб юраклар,  
Аравангиз таққан чечаклар...

Хиёнат билмаган диллари,  
Ҳижронни билмайди бекангиз,  
Танобин тортганча йилларни  
Дунёдан фирдавсга кўчгайсиз,  
Кезиб, кезиб олис йўлларни...

\* \* \*

Хотирамда бир умр яшар  
Зотлар номин эслолмай қолдим,  
Хайрлашган мен билан даштлар,  
Қайдан билсин тоғлар аҳволим...  
Эргашади итлар изимдан,  
Хафа бўлмай қўйдим ўзимдан...

Ҳар бир нуқта аниқлар гарчи,  
Тебранади нимага нишон?  
Кўтарганча улуғ бир дардни,  
Изҳорига тилсизман ҳамон.  
Адашаман билган сўзимдан,  
Хафа бўлмай қўйдим ўзимдан.

Бўйсунмоққа асло йўқ ройим,  
Қуришада теграм иблислар.  
Яқин бўлай Сенга, Худойим,  
Излагани сари олислар...  
Ўргиламан аччиқ бўзимдан,  
Хафа бўлмай қўйдим ўзимдан...





дилар. Ана шунақа, биз ҳам мақолни биламиз. Шоҳид Камолович – бошлиғимиз. Сен шунча одамнинг ичида уни сенсирайсан-у, мен биргина сени сенласам, жаҳлинг чиқадими?

Ғайбаров Маъсумов ўртага тушади, деб ўйлаган эди. Дўстовнинг гаплари маъқул келдими, у индамади. Гўё бу гапни қўллаб-қувватлаётгандек. Нобакор, бир оғизгина гапириб, тарафини олса бўларди шу топда!

– Шоҳид – менинг шогирдим! – деди Ғайбаров ичидаги гапни тилига чиқариб. – Уни анчадан буён сенсираб келаман. Сиз шуни билиб туриб, атайин жиғимга тегяпсиз.

Дўстов Маъсумовга ўгирилди:

– Шоҳид Камолович, ўзингиз айтинг, шунча одам ичида сизга сенсираб мурожаат қилиши тўғрими? Бунақада ҳурматингиз қоладими, нега лом-мим демайсиз? Гапиринг манови маданиятлига! – шундай деб бошқа ходимларга ўгирилди: – Сизлар нега мум тишлаб олгансизлар? Шу пайтгача қийнагани етмаганмиди? Ахир, бўлимни тарқатиб, бизни сарсон-саргардон қилмоқчи эди-ку бу! Энди эса отдан туш-саям эгардан тушмаяпти. Шунча одамнинг олдида бошлиқни сенсироганини қаранг тагин! Ўргилдим маданиятингдан!

– Аблаҳ! – деб юборди Ғайбаров.

Дўстовга шу гап керак эди:

– Нима дединг? – яна бошқаларга қаради: – Ҳамманг эшитдинг, бу мени ҳақорат қилди. Шаънимни оёқости қилди. Мен энди тинч қўймайман. Кунини кўрсатаман!

Ғайбаров бўш келмади:

– Қўлингдан келганини қил! Қаерга борсанг, бор.

– Албатта, бораман. Нима, сенинг мушугингни пишт дейдиганлар йўқ, деб ўйлаганмидинг? Биламиз, ҳаммасини биламиз. Омбор мудирини алдаб, ҳужжатга қўл қўйдирганингиям биламиз... Ҳали шошмай тур.

Ниҳоят Маъсумов тилга кирди:

– Бас қилинглар! Уялмайсизларми? Кап-катта ёшда бўлсаларинг, айтишиб ўтиришларинг яхшими? Бу гап жамоага тарқалиб кетса, нима бўлади?

– Мен кетаман, – деди Ғайбаров. – Бундай одам билан ишлагандан кўра, уйда ўтирганим маъқул! Кеча баланс-баланс, деб, бугун тайёрлаб берсам, энди яна баҳона топиб ўтирибди. Шу адолатданми?

Хадича опа дегани гапга қўшилди:

– Халил Муродович, баланс тайёрлаб бердим, деб ҳамманинг бошини ёрасизми? Сал ўзингизни босиб олинг. Туроб аканинг ёши сиздан катта, жаҳл устида сенсироганига шунчами, тавба?.. Тўғри айтади-да, бошлиқ сизнинг болангиз эмас-ку, ҳурматсизлик қилсангиз!

– Э, кетаверсин, – қўл силтади Дўстов. – Аллақачон кетиши керак эди. Аввало, кетолмайди. Шундай деб ўзича ҳурмат-иззатини ошироқчи! Аслида ҳурмати қолибдими бунинг? Шошманг, судма-суд бир судрай, ўшанда билади, аблаҳ деган сўзнинг маъносини!

– Уят бўлади, Туроб ака, – деди Маъсумов. – Бу ҳақда ўйламанг ҳам. Ишхонанинг нуфузи турибди. Бошқа идоралар эшитса, нима деган одам бўламиз? Одам қизишганда ҳар нарса деворади-да!

– Йўқ, сиз бир саволга жавоб беринг, – гапни тўхтатгиси келмасди Дўстов. – Бошлиқни сенсираш керак, деб қаерда ёзилган, қаерда?.. Ҳозироқ кечирим сўрасин сиздан, майли, мендан сўрамасин, зор эмасман, аммо сизга нисбатан ҳурматсизлик қилгани

учун кечирим сўрасин. Биз шуни талаб қиламиз. Биз – ҳаммамиз талаб қиламиз!

– Ҳа, талаб қиламиз, – унинг таклифини маъқуллади Хадича опа. – Сизлар нега индамайсизлар ёки нотўғри гапиряпмизми?

Бошқалар ҳам ноилож гўнғир-гўнғир овоз билан қўллаб-қувватлаган бўлишди.

Ғайбаровнинг қовоғи солиқ эди. Назарида, бу томоша аввалдан сахналаштирилган спектаклдек туюлиб кетди. Тавба, кечирим сўраттироқчими булар? Шогирдидан-а? Мана шу найновдан? Сўраб бўпти! Шу йўл билан ғалаба нашидасини суришмоқчи булар! Маъсумовнинг ўзи ҳам кутиб турганга ўхшайди. Мойдек ёқди-да буларнинг лаганбардорлиги! Чучварани хом са-набсизлар!

У индамай, стол устидаги қоғозларни сумкасига жойлай бошлади. Гўё ҳеч ким йўқдек, атайин шошилмай иш тутарди. Дўстовнинг гапи нафсониятига теккан, Маъсумовдан кечирим сўрагандан кўра, у билан судма-суд юришни афзал билаётган эди ҳозир. Қани эди замон кўтарса-ю бунақаларни оёғинг остига солиб тепкиласанг! Ахир, турган-битгани тушов-ку бунинг! Ишхонадаги зараркунанда! Топган баҳонаси-чи! Аблаҳ! Ҳа, ҳақиқий аблаҳ! Тагин тилёғламалик қилади. Нима деб гапиришни билади бундайлар! Манови Шоҳид Камолович ҳам лаққа тушиб ўтирибди гапига! Хушомад хуш ёқса, ҳақиқатни ҳам четлаб ўтаркансан, шогирд! Садқайи одам кет! Устозингни ер билан битта қилиб ўтиришибди-ю, гапирган гапингни қара!..

– Йўл бўлсин! – деди Маъсумов худди Ғайбаровнинг ичидагини эшитиб ўтиргандек.

У лом-мим демасдан янада шошилмай папкасини ёпа бошлади. Бошқалар ҳам индашмасди. Ҳатто, Дўстов, “қани, қаергача бораркан”, дегандек, қошини кериб турибди. Ҳаммаси Ғайбаровнинг кетишини кутиш-япти. Буларга қолса, Ғайбаров ҳозир чиқиб кетса-ю, кейин бошқаларга, аканг қарағайни биз кетказдик, деб мақтаншса! Оғзи билан юради булар. Бўлим фаолияти билан заррача ишлари йўқ. Боқимандалар тўдаси! Тавба, авваллари ҳам шунчаликка боришармиди?! Мажлис-пажлисни писанд қилишмасди, кириб қолганларида ҳам без бўлиб, жангга шайлангандек ўтиришарди. Шунинг учун ҳам буларнинг бўлими бошлиқ кўрмади-да! Сиғиштиришмайди! Бир чўқишда қочиришади. Тавбангдан кетай, шу қадар ичиқора, бадфеъл бўлиш мумкинми?

Қизик, Ғайбаров кўрқармиди булардан! Ахир, мушукларини пишт демасди-да! Бир-икки ташланиб кўрганида билганди-я қанақалиқларини! Ўшанда йўлини қилиб бўлимни тарқатиб юбориши керак экан. Маъсумов айтганди-я бу ҳақда. Аттанг!..

Ғайбаров индамай серғалва хонадан чиқди. Ортдан Маъсумов эргашди. Дўстов ғолибона тарзда мийиғида кулиб, бошқалар унга тан бергандек қола-веришди.

– Қаёққа кетяпсиз? – сўради Маъсумов Ғайбаровга етиб оларкан.

– Уйга, қаёққа бўларди!

– Нега?

Ғайбаров таққа тўхтади:

– Бу нима деганинг? Кўра-била туриб сўрайсан-а?

Ахир, ер билан қориштириб ташлашди-ку мени! Ўзи кеча сезгандим-а, сенларнинг ниятингни! Калака қилмоқчи эдиларинг, кўнгилларинг жойига тушгандир!



Маъсумов ён-атрофга қараб олди:

– Секинроқ... Унақа қилманг. Яхшиси, менинг ёним-га ўтинг. Биласиз-ку, буларни. Вақтида айтгандим сизга, шу бўлимни йўқ қилиш керак, деб. Мана, оқибати!

– Э, сенгайм қойил эмасман. Шунча одамнинг олдида мени талатиб ўтирибсан.

– Халил Муродович, кўрдингиз-ку, менгайм гап бермайди булар... Юринг, яхшиси, хонамда гаплашиб оламиз. Агар ҳозир кетиб қолсангиз, енгилганингиз бўлади. Дўстов дўпписини осмонга отади. Шунча йил ишлаб, бош эгиб чиқиб кетманг, дейман-да!

Ғайбаров индамай йўлида давом этди. Шогирдининг бу гапларига эътироз билдирмас-да, кайфияти носоз эди. Айни дамда ўзидан ҳам хафа бўлиб кетди. Нега келди шу ерга? Хўп, келди. Енг шимариб ишга киришди. Айтганларини бажарди. Барибир норози булар! Нима қилиш керак? Наҳотки бошқа иш топилмас?

– Менга сизнинг ёрдамнингиз керак, – деди ортидан Маъсумов.

Ғайбаров яна икки-уч қадам юриб тўхтади. Орқасига ўгирилиб, қовоғини солганча турди. Маъсумов тез-тез юриб, унинг олдида келди. Ростдан ҳам Ғайбаровнинг ёрдами керакмикан? Тагин бир балога дучор қилишни йўлаётган бўлмасин.

– Ука, – деди Ғайбаров, – мени тинч қўйинглар. Шу бугунгидек сира шарманда бўлганим йўқ. Ким билсин, эртага яна нималар бўлади! Виждонинг ҳам қийналмасин, ўша амал сеники, хижолат тортма. Илтимос, мени бошқа безовта қилма.

Маъсумов бир сўз демай, уни хонасига судради. Кириб ўтиришгач ҳам оғиз очмади. Бир пиёлага сув қуйиб узатаркан, кейин тилга кирди:

– Тўғримиздаги хона бўш турибди, ўша ерда ўтирасиз.

– Йўқ, – бош чайқади Ғайбаров, – айтдим-ку, виждонинг қийналмасин, дедим-ку!

– Бу гапларни қўйинг. Менга ёрдамчи бўласиз!

– Ёрдамчи?

– Номига-да, Халил Муродович, номига. Ҳозирвазият шуни тақозо қилади, ўзингиз тушунасиз. Бўлимдагиларга парво қилманг. Биламан, ҳали кўп жиғингизга тегишади. Терингизни қалин қилиб ўтираверинг. Менга чиндан ҳам ёрдамнингиз керак. Айрим ишларга журъат қилолмайроқ турибман. Маслаҳатингизга муҳтож бўлиб қолам.

Ғайбаров барибир ўзининг кераклигини ҳис қилиб, сал ҳовуридан тушган эди. Аммо буни сездирмасликка ҳаракат қилди. Умунан айтганда, Маъсумовнинг таклифи маъқул. Аввалроқ қаерда эди? Бироқ ёрдамчи бўлиш... бўлимдагилардан ҳам паст иш-да! Анчадан буён ёрдамчи йўқ эди ўзиям. Мана шу шогирди қилиб юрарди ёрдамчининг ишларини. Мажлис ҳужжатларини тайёрлаш, жадваллар тузиш, кўрсатма, буйруқларни тайёрлаш, бўлимларга тарқатиш, уларга имзо қўйдириш... Тўхта, энди бу ишлар билан Ғайбаров шуғулланадими? Йўғ-ей, Маъсумов шунгача олиб бормас, “номига” деяпти-ку! Яхши бўлади қайтага, котибага у-бу ишни буюради, айтгандай, Ноиласини ҳам кўриб туради, соғинган уни. У ҳам соғингандир?

– Майда-чуйда ишлар билан бошимни қотирмайсанми? – деб сўради Ғайбаров.

Маъсумов ниманидир ўйлаб ўтирган экан, шекилли, даставвал бу гапга тушунмади. Ғайбаров такрорлагач, қулимсираб қўйди. “Қўйсангиз-чи”, деганими ёки “ёрдамчи бўлгандан кейин қиласиз-да”, деганимикан

бу? Эҳтимол, бу гап энди ортиқча, дея эътирозини кулгига йўяётгандир?

– Юринг, Халил Муродович.

– Қаёққа? – ҳайрон бўлди Ғайбаров.

Маъсумов яна кулди:

– Хонангизга.

– Ҳм-м...

Кенг қабулхонани кесиб ўтиб, ўша хонага кирдилар. Туппа-тузук, орастагина! Фаррошлар бир-бир тозалаб олишса бўлгани. Кейин Ғайбаров пусибгина ўтиради. Аслида-ку, бу хонада ўтирганини ҳеч ким билмасаям керак, ахир, кимсасиз деб ўйлашади-да! Анови Дўстовга ўхшаганлар эшитиб қолишмасе бўлгани!..

Фаррош хола хонани тозалаб чиққунича Ғайбаров қабулхонадаги китобларни кўздан кечирган бўлди. Бир пайт орқасида “тақ-туқ” оёқ товуши эшитилгач, секин ўгирилди. Ноила уни сезмай шундоққина Маъсумовнинг хонасига кириб кетди. Иш юзасидан эмас, акс ҳолда кўлида у-бу қоғоз бўларди. Чақирганмикан Маъсумов? Бу билан иккинчи марта бўляпти. Ёки Ноиланинг ўзи кўзларини сузиб, нозланаётганмикан? Ахир, бир вақтлар Ғайбаровни шунақа муқомлари билан илинтирган-да у! Ғунажин кўзини сузмаса...

Ғайбаров диққат бўлиб янги хонасига кирди. Иш билан андармон бўлиш учун атайин Маъсумовдан бир даста ҳужжат олиб, стол устига ташлаган эди. Ана шу юмуш билан шуғулланмоқчи бўлди. Аммо икки ҳуши Маъсумовнинг хонасига кетаверди. Бир-иккита қоғозни кўлига тутамлаб, секин турди. Дастлаб журъат қилолмай турди. Кейин бор кучини жамлаб, хона(си)дан чиқди. Ноилани қизганишдан кўра икковлон ичкарида нима иш билан машғуллиги ич-этини кемираётгани унинг.

Қабулхонадан ўтаётиб, котиба ичкарида одам борлигини, “Шоҳид Камолович ҳеч ким кирмаслиги лозим”лигини тайинлаганига қарамай, қизиқиши баттар ортди. Унга хўмрайиб қараб, Ғайбаров Маъсумовнинг эшик тутқичига қўл узатди. “Кирманг”, – деди котиба унга яқин келишга ботинолмай. Ғайбаров шартта эшикни очиб, ичкарига одимлади. Кирди-ю кутганидек манзаранинг устидан чиқди. Ноила Маъсумовга анча яқин турар, нималардир деб кулаётганди.

– Келинг, – деди Маъсумов кутмагани учун шошиб қолиб хушламайгина.

Ғайбаров Ноилага ғалати қараб қўяркан, кўлидаги қоғозни узатди:

– Мана шуни коэффицентларга бўлиш шартмикан, демоқчи эдим.

Маъсумов хиёл титраган қўллари билан қоғозни оларкан, кўз югуртирди. Бу орада Ғайбаров Ноилага еб қўйгудек қараб олди. У эса кўзларини олиб қочарди. Хонадан чиқиб кетишния билмасди. Уч кишининг ўртасида оғир сукут чўккан, бу ноқулайликдан кимдир хижолат чеккан, кимдир дарғазаб, кимдир бир қадар хотиржам эди.

– Шарт, Халил Муродович, коэффицентларга бўлмасак, аниқ натижани кўрсатолмаймиз, – деди Маъсумов кўзларини қоғоздан узмай. – Акс ҳолда ишни қайтаришлари мумкин.

Ноила Ғайбаровга қарай олмасди. “Ҳар ҳолда виждони бор экан, – деб қўйди Ғайбаров, – аммо барибир бевафо!..”

Маъсумов қоғозни Ғайбаровга қайтариб узатди, бу дегани – бўлди, аниқлик киритдингиз, кетаверинг! Бизга халақит берманг!



Ғайбаров чидаб туrolмади.

– Сен чиқиб тур, – деди Ноилага.

Ноила унга норозинамо қараб кўйди-да, оҳиста қадамлар билан чиқиб кетди.

– Сен бунга ишонма, – деди Ғайбаров Маъсумовга. – Алдаб-авраб ишончингни қозониб олмоқчи! Келин эшитса, шовқин кўтариб келмасин тагин.

Маъсумов ютини олиб, жавоб берди:

– Бу сиз ўйлаган нарса эмас, Халил Муродович... Кейин... илтимос, тақиллатмай кирманг бу ерга.

– Сен эса менга ақл ўргатма. Тушунмадингми, келин эшитса...

Маъсумов беўхшов кулди:

– Ҳар ҳолда келинингизга айтмассиз?

Ғайбаров ўзини тушунмаганга олди:

– Нима қилмоқчисан ўзи?

– Сиз-чи, сиз нима қилмоқчисиз? – тепа сочи тикка бўлди Маъсумовнинг. – Нима, энди ортимдан пойлоқчилик қилиб юрасизми? Ақл ҳам ўргатманг, бунақа ёшдан ўтганман. Узи яхшилиқ сизга ёқмас экан, мана, олдимга олиб келиб кўйгач ҳам, раҳмат айтиш ўрнига индамай кириб келаверасиз... Сабабини биласизми, қиладиган ишингиз йўқ, шунинг учун!

– Мен сенинг марҳаматингга зор эмасман, – ўдағайлади Ғайбаров. – Ўзинг кўярда-қўймай чакриясан-ку ишга! Қўлингдан келмайди-да ишлаш.

– Сиз мени кўролмаяпсиз, Халил Муродович. Ноилани рашк қиляпсиз.

– Э, Ноиланг бошингдан қолсин. Аризамни ёзаман!

– Ёзсангиз, ёзинг... Жонга тегингиз роса!..

Ғайбаров шартта ўтириб, кўйнидан ручка чиқарди-да, кўлига оппоқ қоғоз олди. Ёзишга тутинди. Маъсумов индамай кузатиб турди. Қитир-қитир қилиб тезгина ёзиб бўлинган ариза чеккасига “Буйруқ учун”, деб имзо кўйди.

– Раҳмат сенга, яхши қол, – Ғайбаров шундай деб эшик томон йўл олди.

– Боринг-боринг, уйингизда яхшилаб дам олинг, – тўнғиллади Маъсумов.

– Йўқ, мен сенинг уйингга бораман, – бир тўхтаб олди Ғайбаров. – Хотинингни тўппа-тўғри шу ерга бошлаб келаман. Келиннинг феълени билмасам экан. Шошмай тур, сен ҳали совунигга кир ювмбасан. Ҳали ҳаммаси учун жавоб берасан, мансаб ўғриси!..

У эшикни тарақлатиб чиқиб кетди...

\*\*\*

Ғайбаров пастга тушиб, баттар жиғибийрон бўлди. Шу чоққача бир гапини икки қилмаган ҳайдовчи ҳеч қаёққа олиб боролмаслигини айтса бўладими! Энг ёмони, худди билиб тушгандек, уларга Дўстов бақрайиб қараб турарди. Ғайбаров ўсал бўлди. Бу нимаси? Энди пиёда кетадими? Пиёда эмас-у, йўловчи машинада!

Шошмай тур, Маъсумов! Хотинингни олиб келиб, бир шармандангни чиқармасамми?

Дўстов унинг ҳолига қараганча чўзиб-чўзиб кулди. Ҳа, одамлар шафқатсиз бўлиб боришяпти. Чорасиз қолганингни билишса, кайфиятлари чоғ бўлади. Ғайбаров унга қараб бир хезланди-ю, ўзини зўрага қўлга олди. Алами ичида қолди.

Йўловчи машинага ўтираркан, Дўстовдан узоқлашиш учун савдолашиб ҳам ўтирмади. “Тўғрига, ука, йўлда тушунтираман, фақат тезроқ”, деди ҳайдовчига...

Машина Маъсумовнинг уйига келганида тезгина ундан тушди. Ҳайдовчига кетиб қолмаслигини, бир аёл билан қайтиб чиқиб, ҳозиргина келтириб кўйган жойига яна элтиб кўйишини сўради.

– Алдаб кетмайсизми, тоға? – деди кулиб жик-каккина ҳайдовчи. – Тагин эрталабгача девор суяб ўтирмайлик.

Ғайбаров унга хўмрайиб қараб кўяркан, подъезга кириб кетди. Шу уй эди, адашмади, шекилли? Қайси қават? Кичкина қизалоқ ўтиб кетаётган экан, ўшандан сўради. Олтинчи қаватда, деб жавоб берди у. Ғайбаров лифтга зўрага улгурди.

Олтинчи қаватга чиққач, у яна ўйланиб қолди. Учта эшик. Қайси эди-я? Ахир келганига анча бўлган. Етти-саккиз киши бўлиб, “уй кўрди”га келишганди ўшанда! О, Ғайбаров бошқача эди-да! Икки хонали уйни менсимайгина кўздан кечирган, ўзининг ҳам бир вақтлардаги каталакдек уйи ёдига тушганди. Аблаҳ шогирди айланиб-ўргилган ўшанда. Бошқалар ҳам! Вақти кўп эканми, Маъсумовни роса “туширишган”. Бояқиш кўчадаги дўконга уч-тўрт бориб келганди-ёв! Эртасига билса, кўни-қўшнидан қарз сўрашга ҳам мажбур бўлган экан. Мана энди гўддайиб ўтирибди устозининг жойида! Энди у менсимайди...

Ғайбаров таваккал қилиб бир эшикни тақиллатган бўлсаям, адашмабди. Эшикни норғул ўспирин очиб, ҳайрон бўлди. Салом бераркан, Маъсумовнинг уйи эканлигини тасдиқлаб, савол аломати билан қаради.

– Ойинг уйдами, қақир бу ёққа, – деди буйруқ оҳангида.

Ҳаял ўтмай, остонада келин кўринди. Ғайбаровни кўриб, у ҳам ҳайрон бўлди. “Келинг”, деди.

– Йўқ, келин, кирмайман, – бош чайқади Ғайбаров. – Бундайроқ чиқинг ўзингиз, гап бор. Эшикни ёпинг.

Аёл бироз саросималаниб, оёғига шиппагини илди-да, эшикдан ташқарига чиқди:

– Тинчликми? Хўжайинга бир гап бўлдими?

– Ҳа, ёмон гап, – паст овозда гапирди Ғайбаров.

– Пастда машина кутиб турибди, – шундай деди-да, кейин нима деярини билмай, каловланиб қолди. “Тез юринг, эрингизнинг аҳволини кўринг”, десинми? Боргани билан Маъсумов бўйнига олармиди! Тагин ўзининг шармандаси чиқмасин!

Орага ноқулай жимлик чўқди. Ғайбаровнинг манг-лайида тер пайдо бўлган эди. Юзига ташвишли тус бериб, келиннинг ичини қизитиши керак эди, аттанг, эпполмаяпти. Аёлгинанинг “нима дейсан?” дегандек савол аломати зоҳир бўлган юзига қараб, сўзини таваккал давом эттирди:

– Шу... Мен сизларнинг оилангизни аввалдан биламан. Агар ҳозир бормасангиз, эрингиздан ажраб қолишингиз мумкин.

– Нима?! – унинг гапини бўлди келин. – Нафасингизни иссиқ қилинг, ака...

– Мен сизга ростини айтяпман. Эрингиз бир аёлга илакишиб қолган. Унга тўғрилиқча тушунтирдим. “Барака топ, ука, келинни, оилангни, болаларингни ўйла”, дедим. Қани қулоқ солса! Ноила деган бир жувон бошини айлантириб юрибди. Боя хонасига кирсам, иккаласи оғиз-бурун ўпишяпти. Дарҳол кўз олдимга келдиларингиз. Ахир, нима бўлгандаям бу хонадондан бир пиёла чой ичганман. Ажралиб кетманглар, дейман-да! Қолаверса, эрингиз – бизнинг шогирд. Келажаги бор йигит. Агар ҳозирдан шундай йўлга кириб кетса, эртага





узоққа боролмайди, келин. Юринг, тезроқ борайлик. Бу масалани иссиғида ҳал қилиш керак.

Келин ҳозиргина уйқудан уйғонган одамдек, Ғайбаровнинг гапларини ҳазм қилолмаётган эди. Дафъатан бу хабар эсанкиратиб қўяди-да!

– Сиз ҳозир ҳам... ишляпсизми ўша ерда? – деди бироздан сўнг.

– Ҳм-м... Ҳа, ишляпман. Эрингиз бўшади, деб айтдим, ўзи мендан ёрдам сўраб юрибди-ку, тавба! Майли, ҳозир гап бунда эмас.

Келиннинг қошлари чимирилди:

– Сиз шу гапни айтиш учун келдингизми? Тушунолмаяпман... Эрим телефонда бир нималар деди, ҳайрон бўлдим. Лекин сизни келасиз, деб кутмагандим. “Агар борса, гапларига ишонма”, – дедими-ей! Ўзи нималар бўляпти?

– Мен бу саволингизга ўша жойдан жавоб топасиз, деб келдим, – диққат бўлди Ғайбаров. – Тушунапсизми, эрингизни бир аёл тортиб олмоқчи. Ахир, сиз учун муҳими, оилангизнинг тинч-тотувлиги эмасми? Юринг, акс ҳолда эрингизнинг қилмишларига гувоҳ бўлолмайсиз.

Келин ўйланиб туриб, ҳозир, деди-да, ичкарига кириб кетди. “Эрингизга телефон қилиб қуйманг”, – деди унинг ортидан Ғайбаров.

Шу лаҳзаларда у, балки нотўғри қилаётгандирман, жаҳлга эрк бериб, ўзимгаям жабр қилиб қўйшим мумкин, деб ҳам ўйлади. Ҳар ҳолда Маъсумов индамай қўймаса керак. Нима бўлганда ҳам у – энди амалдор. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан... Ҳофиясини қаранг! Илгари таҳлил қилиб кўрмаган экан. Худди Ғайбаровнинг ўзига қарата айтилгандек, гўё.

Ростдан ҳам Маъсумов Ноилани ўзига қарши қайраб қўйса-чи? Ўша маккора ҳам, “йўқ, аксинча мен Ғайбаровнинг ўзи билан ош-қатиқ эдим”, – дейиши мумкин-ку! Аммо қандай исботлайди? Уларни фош этиш эса осон. Ғайбаров Маъсумовни ҳар ҳолда яхши биларди. Қасам ич, дейди. Ноилага бир дўқ урса, уни ўчади. Унинг айрим сирлари бор.

Умуман, нима бўлгандаям ҳозир Маъсумовнинг хотини чиқади ва улар тезда ишхонага етиб борадилар. Ноила қочиб кетгани билан манови аёл эрини тинч қўймайди. “Мана, ака гувоҳ бўлибди-ку”, – дейди. Қасам ичиш керак бўлса, Ғайбаров ҳам қасам ичади. Кейин келинни тезлайди. “Ўша аёл барибир тинч қўймайди, уни кетказишдан кўра эрингиз бошқа иш топгани маъқул”, – дейди...

Оббо, хаёллар тўзғиб кетяпти. Ишқилиб эр-хотин бўлиб Ғайбаровнинг ўзини талашмаса эди! Ҳар қалай хотин Маъсумовники! Йиллар ўтиб, гаҳ, деса кафтига қўнадиган қилгандир балки? Йўғ-ей, йиллар ўтган сайин аёлнинг ҳукмфармолиги ошиб боради, шекилли! Қайсидир қизиқчи айтган эди: “биринчи йили – хотин, учинчи йили – хоти-и-ин, яна йиллар ўтиб – хотинжон, кейин-кейин – хотин ака-а-а...”

Нихоят келин чиқди. Ғайбаров унга зимдан разм солиб, кўнгли тўлгандай бўлди. Энди аёлнинг юзида ҳайрат ифодаси йўқ, ўрнини қаҳр-алам эгаллаган эди. Мана, асл қиёфаси бу! Бир вақтлар жамоа ходимлари билан уюштирилган зиёфатда кўпчилик ўзининг рафиқаси билан келган эди. Мана шу хоним ҳам борган. Маъсумовни ёши каттароқ бир аёл ўйинга таклиф қилганида юмма талаб берди-ку! Жуда чатоқ экан. Шунча одам қараб турибди демади. Аёл кишининг бу қадар

рашк қилишини Ғайбаров ўшанда кўрган. Шу баҳона ўзи ҳам қадамини билиб босадиган бўлди. Эҳтиёт бўлгани яхши-да! “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”. Аниқроғи, яхшигина хулоса чиқариб ол!

Ҳа-я, эслади: келиннинг исми Шоира эди. Ҳалиги опага худди ўзини етти иқлим танийдигандек, “танимаскансиз-да, мени Шоира дейдилар, у қулоғингиз билан ҳам, буниси билан ҳам эслаб қолинг”, – деган эди бақариб. Маъсумов бечора бошқа ходимлардан кўра Ғайбаровнинг олдида ўсал бўлган. Ер ёрилсаки, кириб кетса!..

Пастга тушдилар. Машинага яқинлашишаркан, Шоира қадамини секинлатиб тўхтади. Юзида савол аломати зоҳир бўлди:

– Бу қанақа машина? Ишхонаники эмасми?

Ғайбаров уни шоширди:

– Нима фарқи бор ҳозир, келин? Биз тезроқ боришимиз керак.

Шоира ўзига ишонгани билан хоҳлаб-хоҳламай машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. Одмироқ кийинган ҳайдовчига паст назар билан қараб қўйди.

– Ҳайданг, ука, – деди Ғайбаров олд ўриндиққа жойлашиб, эшикни ёпаркан. – Бояги жойга ҳайданг. Иложи борица тезроқ.

– Хўп-хўп, – жавоб берди оғриниб ҳайдовчи, кўзгучадан Шоирага норози қараб. Машинани ўт олди-раркан, Ғайбаровга тўнғиллади: – Анча қолиб кетдингиз, вақтимни ҳам ҳисобга олмасиз энди. Биздаям оила, бола-чақа бор.

Машина ғизиллаб йўлга тушди. “Дом” олдидаги икки-учта қўшни аёл ажабланиб қараб қолишди.

Йўл бўйи чурқ этмай кетдилар. Ғайбаров хануз ўй-хаёлини йиғолмай овора эди. Ҳаммаси чалкашиб кетяпти. Ўша Ноилани деб бўляпти! Тавба, нимасини қизғанди-я? Иккаласи қўшмозор бўлсин эди. Мана энди қандай кириб боришади-ю нималар бўлади, унчалик аниқ эмас. Шунча одамга томоша! Энг ёмони, жамоа Маъсумовнинг хотинини Ғайбаров етаклаб келганини билса, нима дейди? Ўл, бу кунингдан демайдими? Алам қипти-да, Халил Муродович! Ана шунақа бўлади. Ўзинг ҳам вақтида роса кўнгилхушлик қилгансан, ҳасад қиляпсанми энди?..

Йўқ, яхшиси, Ғайбаров келиннинг ўзини ишхонага киришиб юбориб, ўзи ташқарида қолади. Фойдаси бўлармикан? Маъсумов ҳаммаси тўхмат дейишдан тоймайди, ахир! Ким исботлаб берарди? Анови новча котибами? Бе, қаёқда! Шунинг учун Ғайбаровнинг ўзи чиқмаса бўлмайди-ёв! Ходимлар гапирса гапирибди. Акс ҳолда иш тескарисига аланга олиши мумкин.

– Келдик, ака, – деди ҳайдовчи машинани тўхтатаркан. – Худди мана шу ер эди. Сиз манови томондан чиқиб, машинага қўл кўтардингиз.

– Яхши-яхши, – деб қўйди Ғайбаров, кейин орқага ўгирилди: – Келин, сиз тушаверинг.

Шоира қовоғини очмай машинадан тушди.

Ҳайдовчи каттагина пул миқдорини айтиб, Ғайбаровнинг жиғибийронини чиқарди. Тишини-тишига босиб, чўнтагидан чиқариб берди. Агар ҳозир савдолашадиган бўлса, бу бефаросат атайин овозини кўтариб “километр”ларни ҳисоблашга тушади. Келин ҳам узоққа бормай, мана шу ерда турибди. Ғайбаров ичида фикрини сўқинди: “Машинангнинг ғилдираги тешилгур! Сен ҳам муттаҳам! Оғир пайтда ҳамма-ҳамманг фақат шилишни, қийнаб, ҳузурланишни ўйлайсан”.



У пулни тўлаб, машина эшигини қарсиллатиб ёпди. Индамай ишхона томонга юрди. Анча юриб орқасига ўгирилди. Шоира ҳамон жойида тек турарди.

– Юринг, келин...

– Ичкарига кирамизми? – шундай деб у қадам ташлади.

Шу атрофда қоғоз-папка кўтариб юрган бир-икки ходим Шоирани таниб қолдими, овозини қириб салом беришди.

Тўппа-тўғри Маъсумовнинг ҳузурига кириб бордилар. У, худди кутиб тургандек, олдида ҳеч ким йўқ экан. Ғайбаров ва Шоирани кўриб, кайфияти бузилгани шундоққина сезилди. “Айтганингни қилибсан-да”, дегандек Халил Муродовичга бошқача қараб қўйди. Хотинининг саломига алик ҳам олмади.

– Хў-ў-ш? – деди чўзиб Маъсумов. – Нега келдинг? Йўқ, аввал жавоб бер, нима учун қўнғироқларимга жавоб бермадинг?

Шоира аввал яхшилаб ўтириб олди. Кейин қошларини чимириб секин сўз бошлади:

– Нега келганимни жуда яхши билсангиз керак, дадаси? Қани ўша аёл? Ёки қочиб кетдимиз?

Маъсумов Ғайбаровга имо қилиб деди:

– Сен ҳали менга ишонмай мана шу одамга ишониб, ортидан эргашиб ҳам келдингми? Жуда қизиқ янгиликку! Нима, қаерга эргаштирсан кетиб қолаверасанми?

Унинг ўрнига Ғайбаров жавоб берди:

– Ҳа, шогирд, келинни олиб келаман, деганимга ишонмадинг. Билиб қўй, мен ҳар бир оиланинг тинчлигини ўйлайман. Яхшилиқ бўлсин, дейман.

– Сиздан сўраганим йўқ, – деди тўнғиллаб Маъсумов. – Биламан, ўрнингизга ўтирганим жуда алам қиляпти. Бўлмаса қайси аҳмоқ ишхонага бировнинг хотинини бошлаб келарди!

Ғайбаров ҳали ўтирмаган эди. Маъсумовнинг устига бостириб борди:

– Нима дединг? Аҳмоқ дедингми? Яна бир қайтар.

Маъсумов илкис телефон гўшагини кўтарди-да, буюрди:

– Тезда милиция чақиринглар. Менга зуғум қилишяпти.

Шоира Ғайбаровдан сўради:

– Исми нима эди унинг?

– Ноила... Фамилияси... эсимда йўқ.

– Яхшиси, Ноилани чақиртиринг. Бир кўриб қўяйчи, ҳусни жамолини!

Маъсумов гўшакни тарақлатиб кўяркан, хотинига минғирлади:

– Менга қара, бу ер – ишхона. Жанжаллашадиган майдон эмас... Хотин, энди эски одатларингни йиғиштир, хўпми? Иш юзасидан аёллар билан ҳам гаплашишга тўғри келади, биласан. Ҳар хил кутқуларга ишониб, кайфиятни бузаверма!

– Сен ҳали ўша қилиғингни иш юзасидан деяпсанми? – яна гапга аралашди Ғайбаров.

Маъсумов худди Ғайбаров хонада йўқдай сўзида давом этди:

– Биласан, хотин, мен сенга қасам ичганман. Ҳеч қачон хиёнат қилмайман... Ноила Зоҳидова у. Оддий ходима. Қолаверса, бир ўзи эмас эди. Дўстов деган бўлим мудирини ҳам бор эди. Истасанг, майли, чақираман, – шундай деб у яна гўшакни кўтарди: – Зоҳидова билан Дўстов кирсин.

Дўстовнинг фамилиясини эшитиб, Ғайбаровнинг кўзлари олайиб кетган эди. Маъсумов уни ҳам чақирганини эшитиб, баттар хуноб бўлди.

– Келин, сиз ишонманг. Бу алдаяпти. Ҳеч қанақа Дўстов дегани йўқ эди. Булар келишиб олишган. Қолаверса, Дўстов бўлим мудирини эмас.

Маъсумов энди унга андак нописандлик билан қараб қўйди. Стол устидаги папкаларни титкилаб, қандайдир қоғоз олди. Аввал яхшилаб разм солди-да, кейин хотинига узатди:

– Мана, ўзинг кўр, Дўстов бўлим мудирини бўлиб ишлайди. Анча бўлган. Ёши катта одам. Менга ишонманг, ўша мўйсафиднинг айтганларига ишонарсан?

Ғайбаров ичидан зил кетди. Зўр тайёргарлик кўрибди шогирд. Худди ўзининг тактикаси! Энди Маъсумовнинг гаплари ёлғонлигини қандай исбот қилади? Агар Дўстов ростдан ҳам кириб келса, кўрасиз томошани! Иймонини еган-ку у! Тушунарли! Демак, Ноилага нималар дейиши тайинланган? Ажойиб спектакль кўришаркан-да! Режиссёр – Маъсумов! Актёр ҳам, Ноила билан Дўстов кириб келса, чинакам истеъдодларини намойиш этишади. Қойилмақом ижро! Ғайбаровнинг ўзи бир вақтлар бундай “спектакл”ларни неча марталаб уюштирган... Устоздан ўзмаган шогирд – шогирд эмас-да, а?... Мараз! Малъун! Бопляяпти лекин!

Шоира кўлидаги қоғозни ўқиб чиқди-да, Ғайбаровга узатди.

– Сизни лақиллатяпти бу, – деди Ғайбаров буйруққа кўз югуртираркан. – Тавба, менинг давримда бўлим мудирини бўлиб тайинланганмиш!.. Во, қойил, имзомниям эплашибди.

Маъсумов хотинидан кўз узмай сўз қотди:

– Биласанми, баъзи одамлар қариса, бунинг устига амалдан кетса, эси кирди-чиқди бўлиб қолади. Ҳар ҳолда, мана, ўзинг гувоҳи бўлиб турибсан. Қачон буйруқ чиқаргани-ю, қай пайтда имзо чекканиниям билмайди. Шизофрения дейиларди, шекилли? Шундай. Нима бўлганда ҳам кадрлар бўлими бор, у ердаги қалин-қалин папкалар бор. Биз шунча ишимиз қолиб, мана шу куриб кеткур буйруқни тиқиштириб қўймагандирмиз, ҳойнаҳой!.. Эҳ, одамлар, қайси ходими нима билан шуғулланганини билмайди-я баъзилар...

Эшик очилиб, аввал Дўстов, кейин Ноила кириб келди. Ғайбаров Ноилани кўриб, оғзи ланг очилди-қолди: кўзларини хира кўрсатувчи кўзойнак тақиб олибди у. Худди ишлари кўп одамдек афтини хиёл бужмайтириб олган. Юзида “нима гап?” деган савол аломати. Дўстов ҳам қолишмайди. Энг кулгилиси, у Ғайбаров билан икки қўллаб самимий сўрашди.

– Ўтиринглар, – деди Маъсумов уларга. – Узр, қимматли вақтларингни оляпмиз. Сал хижолатпазлик бўлиб қолди... Туроб ака, гап шундаки, хотиним сизлар билан яқинроқдан танишиш учун келибди. Ҳа, энди яхши ходимларни билиб қўйса чакки эмас, тўғрими?

– Ие, шунақами? – ясама кулди Дўстов. – Мен, бошлиқ яна чақиряптилар, дейишса, ҳайрон бўлибман... Яхши-яхши. Хўш, келин, тузукмисиз, бола-чақа катта бўляптими?... Зап қилибсиз-да келиб. Мана, Халил Муродович ҳам онда-сонда келадиган бўлиб қолган. Бизга йўл-йўриқ ўргатиб кетадилар.

Ғайбаровнинг тили калимага келмасди. Кўз қири билан Ноилага қараб-қараб кўярди.

– Ия, Халил Муродович, ҳалиям ўша одатингиз қолмабди-да! – деди Дўстов ёқимсиз қулиб, кейин Шои-



рага ўғирилди: – Бу жияним бўлади, келин. Исми – Ноила. Яқинда ишга келган. Кўзи яхши кўрмасаям жуда билимдон, доно. Ҳисоб-китобдан бошқасини билмайди, – шундай деб энди у тагин Ғайбаровга кулимсираб қаради: – Жиянимдан кўз узмаганингизга айтдим-да! Унақа қилманг, Халил Муродович.

– Бас қилинг, – ўшқирди Ғайбаров. – Бу ерда нега майнавозчилик қиласизлар? Ноила қанақасига яқинда ишга келган бўлсин? Минг йилдан буён ишлайди-ку! Ҳамма билади. Мени аҳмоқ қилганларинг етмагандай, энди манови келинниям дуб деб ўйлаяпсизларми?... Ўв-в, сен, Ноила, кўзойнагингни олиб ташла...

Ноила ўзини овсарликка олди. Капалаги учиб кетгандек, Дўстовнинг биқинига яқинроқ сурилди.

– Ўзингизни босинг, – деди Дўстов Ғайбаровга. – Токи мен шу ерда эканман, жиянимни бекорга хафта қилдириб қўймайман.

Ғайбаров бақириб юборди:

– Э, артистлик қилма ҳамманг!

Ноила секин унга деди:

– Кечирасиз, сиз мени танийсизми? Илтимос, менга бақирманг, амаки, касалман. Тутқаноғим бор.

Ғайбаров росманасига қойил қолаётган эди. Ҳаммаси рисоладагидек. Асл ҳақиқат қайда-ю, мановиларнинг ижросидаги найранг қайда!

Дўстов Маъсумовга юзланди:

– Шоҳид Камолович, мен тушунмадим, нега жиянимни хўрламоқчи бу? Ўзи шундоқ ҳам ишлар тиқилиб ётибди. Ахир, вақт зик. Балансларни топширишимиз керак. Бизга рухсат беринг, Шоҳид Камолович. Бу одам билан кейин гаплашамиз.

Маъсумов хотинига, кўрдингми, дегандек, бир боқди-ю уларнинг чиқишига рухсат берди.

– Вой, бу ипириски-ку! – деб юборди Шоира бурнини жийириб улар чиқиб кетишгач. – Шунақаларни чақириб нима қилардингиз? Довдирашини! Қанақа аёл-а? Кўзойнагини олиб қўйсанг, бошини деворга уриб олади-ю!

– Эй, хотин, топиб гапирасан-да, – хохолаб кулиб юборди Маъсумов. Шу пайт телефон жиринглаб, у гўшакни кўтарди: – Ҳа, милициями?... Энди шарт эмас, менимча. Бир безори билан келишиб олдик. Ёши катталигини ҳисобга олиб, кечирдик. Ҳаммаси жойида!

Маъсумов гўшакни қўяр-қуймас, ғазабини боса олмаган Ғайбаров яқинлашди-да, унинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборди...

\*\*\*

Ола-тасир бўлиб кетди. Маъсумов эмас, Шоиранинг жаҳли чиққан эди. Ғайбаровнинг нақ гирибонидан олмоқчи бўлди. Қайтага Маъсумовнинг ўзи аралашиб, устозини унинг чангалидан халос этди. Ғайбаров бўғриқиб турган бўлса-да, кўрқиб қолди. Шоиранинг шашти баландлиги майли, милиция чақиршса, нима бўлади? Ахир куппа-кундузи жиноят қиляпти-да Ғайбаров!

– Нега индамайсиз? – додлади Шоира эрига. – Нега сизга қўл кўтаради? Вой, зўравон-ей! Тухмат қилгани етмагандек, болаларимнинг отасига қўл кўтарди-я! Мен бунини шундай қўймайман!

Маъсумов уни ҳовуридан тушириш билан банд эди:

– Ўзингни бос, хотин. Мениям ўйла. Ишхонадагиларга ёмон кўринишингни хохламайман. Ҳаммаси яхши

бўлади. Одамзод шу-да: ҳақиқат олдида шармандаси чиқса, қўлига зўр беради.

Бу гапи Ғайбаровнинг юрак-юрагини тешиб ўтди. Қанақа ҳақиқат? Зўр “спектакль” уюштириб берганими ҳақиқат? Виждонсиз экан-ку бу Шоҳид Камолович дегани! Шунча вақтини зое кетказмай, шунча одамни обдон тайёрлабди. Ўл-а, хотинингдан кўрқар экансан, шуни очиқчасига айтиб қўя қол!

Энди нима бўлиши ҳақида ўйламасди Ғайбаров. Маъсумовнинг тарафини олгани унга аксинча куч бера бошлаган эди. Милиция чақирмайди – бу гап ташқарига чиқишидан чўчийди. Нима бўлганда ҳам янги бошлиқ у – юқорига нохуш хабар етса, дарҳол суриштириб бошлайдилар.

– Мен ҳақиқат олдида шарманда бўлмадим, – деди Ғайбаров кўзлари ёниб. – Сенинг ёлғон ўйинларинг жиғибийрон қилди.

– Кетинг, Халил Муродович, тинчгина чиқиб кетинг, – эшикни кўрсатди Маъсумов.

– Ана, айбинг очилиб қолишидан кўрқяпсан. Билиб қўй, менга вафо қилмаган бу одамлар эртага сениям аяб ўтиришмайди. Лекин... лекин-чи, зўр тайёргарлик кўрибсан, қойилман! Сен бу ерда эмас, театрда ишлашинг керак экан. Ҳаммангга фирибгар, товламачилар ролини бериш керак бўлади. Шунақанги зўр сахна асари тайёрлай оласанки, олқишлар ёғилмаса, мана, мен кафил.

Шоира шанғиллади:

– Э, бас қилинг! Садқайи одам кетинг... Индама-сам, эримни ғирт ёлғончига чиқариб қўясиз-ку! Ишониб келибман-а! Мансабдан айрилганингиз сизга алам қилганини ўйламабман-а, эсиз вақтим!

Ғайбаров бўш келмасди:

– Келин... Келин... Сиз барибир ҳақиқатни билмайсиз. Эрингиз ростдан ҳам алдаяпти.

– Бас! Шунча одам кирганида тилингизга тушов тушганмиди? Уларнинг олдида гапиринг эди. Ғинг демадингиз-ку! Миянгиз айниб қолибди сизнинг!

– Ҳаддингиздан ошманг, – ўдағайлади Ғайбаров.

Шоира ҳайратлангандек унинг олдида яқинлашди:

– Ҳаддимдан ошсам, нима қиласиз-а, нима қиласиз? Мениям урасизми, айтинг?

Маъсумовнинг овози ҳам баланд чиқди:

– Бўлди, дедим, хотин! Қари одамга тенг келма. Сен ўзинг ишонувчансан! Бегона эркак борса, индамай олдида тушиб келаверасанми?

– Э, мен қаёқдан билай! – яна шанғиллади Шоира. – Бу одамнинг аламзада бўлиб юргани етти ухлаб тушимга кирибдими?!.

– Эшик хув ана, – калака қилди Маъсумов Ғайбаровга қарата. – Марҳамат, чиқиб кетсинлар! Ўйлайманки, энди бу муассасада қиладиган ишингиз қолмади.

– Қасам ич! – охири чорасини ишга солди Ғайбаров. – Агар ҳозирги томоша спектакль бўлса, бир умрга бадном бўлай, деб қасам ич!

– Қасам ичсам, тинч қўясизми? – деди Маъсумов хотинига ўғринча бир қараб олиб. – Яхши, қасам ичганим бўлсин!

У ростдан ҳам худди шундай қасам ичди. Ғайбаров титраб кетди. Ўсал бўлди. Агар хотини бу ерда бўлмаганида Маъсумовнинг қасам ичиши душвор эди. Бир умрга бадном бўлишни ўйламади. Хотинидан кўрққани учун ҳам шундай иш тутди. Ичида тавба



тазарру қиялптим, ишқилиб, энди росманасига устунлик қилди Маъсумов.

Ғайбаров ундан кўз узолмай қолган эди. Аттанг, дегандек бош чайқади. Бунчаликка боради, деб ўйламаганди шогирдини! Йўқ, нега энди бундай ўйламаган экан? Озгина ўйлагандиям. Ҳар ҳолда қойил қилди Маъсумов! Тил жониворга фарқи йўқ – қасам айтиб юбораверади. Аммо кейин-чи? Наҳотки Маъсумов оқибатини ўйламади?

Бу одамдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак экан. Эртага устинга лой чаплашдан ҳам тоймайди. Китоблардаги аблаҳ худди шу! Айнан шу! Йўқ, китобдаги аблаҳлар бу қадар пасткашликка боришмайди. Фақат ҳаётда шунақа аблаҳлар бўлиши мумкин. Маъсумов – ўшаларнинг типик вакили! Дўстовдан ҳам ўтказди. Ноилдан ҳам!..

Шу куни Ғайбаров овлоққина қаҳвахонада ўлгудек ичди. Кейин... роса йиғлади. Ёмон одамларнинг дастидан дод деди.

Кап-катта одамнинг кўз ёши тўкканидан бошқа хўрандалар ҳайрон эдилар. Кимдир рўпарасига келиб ўтирди. Ғайбаров кўзлари сузилиб унга боқди. Бу қандай одам? Нималардир деяпти? Эшитилмайди. Ким бу? Ие... ие, шумқадам-ку, ахир! Устидан қулиш учун столига келиб ўтирибди-да! Вех, аҳмоқ!.. Умунан айтганда... аҳмоқ эмас, доно! Донолар доноси! У Ғайбаровни огоҳлантирган эди. Кўзларингни оч, гуноҳдан тийилгин, деган эди. Айтганларим тўғрмикан, дегандек, мана, яна нималардир деб валдираяпти. Ғайбаров ҳам алланималарни вайсади. Аммо тили ғўлдираб, калимасини ўзи ҳам англамади.

Шумқадам одам Ғайбаровнинг устидан қулиш ўрнига унга ачиниш билан қаради. Уни турғазисга, опичлаб кетишга чоғланди. Ғайбаров эса бу ерда яна қолмоқчи, керак бўлса, дунёнинг ичимлигини сипқориб, юрагидаги аламни босишга ҳаракат қилмоқчи эди. Кетмайди. У шумқадамни силтаб ташламоқчи эди, сал бўлмаса ағдарилиб тушишга бир баҳя қолди...

У кўзларини очганида боши ғувиллаб оғрир эди. Қаерда ётганини дастлаб илғаб ололмади. Кейин идрок тикланиб хотиржам тортди, шу билан бирга ҳайрон бўлди. Уйда экан. Қандай келган, билмайди.

– Хотин, – деди овози бўғилиб. – Нималар бўлди?.. Қаердасан, ҳой?..

Шип-шип қадам товушлари эшитилиб, хотини пайдо бўлди. Қовоғи солинган:

– Нима дейсиз?

– Мени сен олиб келдингми ё ҳалиги шумқадамми?

– Шумқадамингиз ким? Ўша дўстингизми?

Ғайбаров ўқчиб, қайт қилиб юбораёзди. Унинг кўнгли айниган, ичи титрар, кечаги касофат ичимлик уни туғилганига мингдан-минг пушаймон қилдираётганди.

– Менга қарашиб юбор!

– Одам бўлмай кетинг, – хотини шундай деб ваннахонага кетди. Зум ўтмай, тоғора билан қайтар экан, уни тарақлатиб ерга ташлади. – Шу ёшга кириб уялмайсизми? Болаларнинг олдида шарманда бўлдингиз-ку!

Ғайбаров парво қилмай деди:

– Сен уни дўст дема, тушундингми?! Шумқадам у! Ҳаммасини ўша қилди. Турқи қурсин!

– Э, шунча жойдан олиб келганига раҳмат, денг, хўпми? – ҳануз афтини буриштириб гапирди хотини. – Сиз ўзи яхшилиқни билмайсиз!

– Ҳа, мен кўп нарсани билмайман, – аччиқланди Ғайбаров. – Фақат сен биласан!

– Мен ҳам билмайман... Масалан, Ноиланинг кимлигини билмайман.

Ғайбаров хиёл сергак тортиб, хотинига қараб қўйди. “Маъсумов қасдини оляпти экан-да, – деб қўйди ичида. – Ҳа, ҳали зўр-зўр томошалар уюштирса керак...”

– Ноила, Ноила деб йиғлаб чиқдингиз. Носир акага, топиб бер, дедингиз!

– Носир?.. Носир нима қилади бу ерда?

– Сиз гапни бурманг. Ноила ким?

– Э, бас қилсанг-чи! – қўл силтади Ғайбаров. – Эрингни шунча одам хўрлаётгани етмайдими? Энди сен ўшаларга ишонадиган бўлдингми? Ҳаммаси артист-куларнинг!..

Телефон жиринглади. Хотини гўшакни олиб, унга узатди. Ғайбаров ким дегандек имо қилди. Маъсумов яна ўйин қилишдан зада бўлган эди у.

– Билмадим, кимлигини! – терс гапирди хотини.

Ғайбаров телефонни олмади.

– Ўзинг гаплаш, – деди.

Хотини чимирилиб, телефонни қулоғига олиб бораркан, хижолат тортиб гапирди:

– Вой, ассалом алайкум, Носир ака... Яхшимиз? Яхши етиб олдингизми?.. Ҳа, уйғонганлар. Мана, берман.

Ғайбаров яна ҳайрон бўлиб, гўшакни олди:

– Алло, Носир, сенмисан?..

Телефондан аввал қаҳқаҳа эшитилиб, сўнг бўғиқ овоз келди:

– Ҳа, болапақир, уйғонибсан-да! Ўзиям бир мошин ичдинг-е! Роса хумори тутган экан-да! Ҳозир бораман, уйда бўлиб тур...

Ғайбаров телефонни ўчиргач, донг қотиб ўтирди. Ҳануз тушунолмасди у. Хотинидан яхшилаб суриштириб, аниқлик киритди. Кеча уни олиб келган Носир экан-да! Шумқадам қаёққа кетди? Ё бўлмаса шумқадам дегани Носир эдими? Қизиқ, шунчалик танимас даражада ичдими Ғайбаров? Ҳартугул ўша ерга ташлаб келмабди. Яхшилар бор, мана, Носир шуларнинг бири! Судраб келганми, опичлабми, уйга олиб келибди. Тавба, Ғайбаров нималар деган? Роса вайсаган бўлса керак? Ноиланинг қандай алоқаси бор?..

– Ишқилиб уни хафа қилмадимми? – сўради хотинидан.

Хотини қисқа қилиб жавоб берди:

– Ўзидан сўрайсиз!

Энди мана шунақа қовоқ-тумшуқ қилиб юради. Ишдан кетганиниям кеча узил-кесил эшитибди. Фақат у эмас, кўшнилари қулоғига етган эмиш! Ғайбаров бақирган-да, шогирдимдан кутмагандим, жойимни тортиб олди, деб.

Носир нега келмоқчи? Устидан қулиш учун бўлса керак-да!..

Ғайбаров ваннада бўлганида эшик кўнғироғи жиринглади. У апил-тапил ювиниб чиқди. Меҳмонхонада Носирни кўриб, ҳарчанд уринса-да, кечаги гапларни эслай олмади. Унинг олдида хижолат тортди.

Носир ростдан ҳам роса кулди. Ғайбаровнинг қилиқларини кўрсатиб берди.

– Хўш, кетдикми? – деди ниҳоят.

– Қаёққа?

– Э, қанақа одамсан?! Эсинг шунчалик кирди-чиқди бўлиб қолганми? Бунақалигингни билишса, бизникилар



ишга олишмайди. Юр, сени деб мен ҳам кечикяпман.

Ғайбаров жим бўлиб қолганди. Энди янада мулзам тортиди. Наҳотки, кеча Носирга, иш топиб бер, деган бўлса? Шу ҳақда сўради.

– Менга қасам ичирдинг-ку, оғайни, – деди бош чайқаб Носир. – Қўрқма, кўчада қолиб кетмайсан.

– Тўхта, қанақа иш ўзи?

– Оббо, кеча юз марта сўрадинг, юз марта жавоб бердим... Юра қол, йўлда тушунтираман. Кечикяпман. Хайрият, ишхонага қўнғироқ қилиб қўйган эканман. Кетдик.

Ғайбаров ўрнидан жилмай, кечаги гапларни яхшилаб эслаб кўришга ҳаракат қилди. Натижа чиқмади. Манови Носир бошқармада ишларди, шекилли? Қандай ишни айтган экан? Тагин ботқоққа ботириб қўйиб, Маъсумовларга кулги бўлмасин. Ахир, ҳар ҳолда бошқармага бошлиқ бўлмайди-ку! Носирнинг ўзи нима иш қиларди у ерда? Қайсидир бўлимда бўлса керак.

– Мен сендан нега иш сўрадим ўзи? – деди у Носирдан.

Носир эшикка етиб қолган эди, бурилиб бош чайқади.

– Яна бошидан бошлайми-а? Айтдинг, кетимга тепиб ҳайдашди, дединг! Устимдан кулишяпти, дединг! Йиғлаб-сиқтадинг! Ёмон иш эмас, ошна, кадрлар бўлимини бошқарасан.

Ғайбаров сал ўзига келгандек бўлди. Кадрлар бўлими... чакки эмас. Носирнинг “бошқарасан”, деган сўзи кўпроқ ёқиб тушган эди унга. Билмади, жамоани бошқармаганига анча бўлди, соғинибди, чоғи! Қизиқ, шу ишнинг ҳам хумори тутармикан ё? Эҳтимол, Ғайбаровнинг талвасага тушаётгани асл сабаби шудир?

– Неча киши ишлайсизлар? – сўради у.

– Уф-ф... Икки юздан зиёд одам, дедим-ку! Ишнинг қийин бўлмайди. Онда-сонда раҳбар чақириб қолмасан, сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Хонангда ўтириб, билганингни қилаверасан! Ишнинг ҳамма оғирлиги бўлимларга тушади. Сен кадрлар билан боғлиқ буйруқ, ҳужжатларга кўз-қулоқ бўлсанг бас.

– Бошлигинг ким эди? Ким дейишади уни?

– Жуда яхши танийсан... Мирҳоди Саъдуллаев. Яхши одам... ухлаганда, албатта, – шундай деб Носир беўхшов кулди. – Сени, ҳар ҳолда, ишга олади, деб ўйлайман. Танийди-ку! Юқоридан айттириш шарт эмас, демоқчиман.

Ғайбаров истар-истамас кийина бошлади. Начора! Энди эски ишхонасига бора олмайди. Вақти келиб борар ҳам, Маъсумовнинг кўзига кўрсатар ҳам. Фақат ҳозир эмас. Шогирд қурмағур анча илгарилаб кетган кўринади. Айни пайтда у билан беллашиш жуда оғир. Ҳар қандай жанжалда кучдан кўра макр-ҳийла иш беради. Маъсумов буни кеча яққол исботлади...

Бошқарма Ғайбаров ўйлаганидан ҳам каттароқ экан. Шаҳар марказида кўрк ташлаб турибди. Ходимлар зиёли, тартиб-интизомли.

Бошлиқ Мирҳоди Саъдуллаев Ғайбаров билан сямимий кўришди. Анчагача гаплашиб ўтирдилар. Синов муддати борасида гап бўлиши мумкин эмас. Буйруқ шу заҳоти чиқарилди. Энг қизиғи, Ғайбаров бу ердаги ишни ўзи ҳақидаги буйруқни ҳужжатлар ичига тиркаш билан бошлади. Саъдуллаевнинг гапи, ишончи унга анча дадиллик, қанот берган эди. Қолаверса, кадрлар бўлими бошқармадаги энг кўзга кўринган, нуфузли бўлим экан. Ана шунисидан хурсанд бўлди.

Ғайбаров тушгача роса ҳужжатларни титкилади. Ходимлар билан шу тарзда танишиш илинжида эди у. Кейин архив ҳужжатларини кўтарди. Аксириб-аксириб, чанг босиб ётган қоғозларни эринмай титкилади. Бу бежиз эмас эди. У Маъсумовга тегишли ҳужжатларни излаш билан овора эди. Э-ҳе, анча тагида экан ҳужжатларнинг, сарғайиб кетган. Тавба, одамнинг кўзлари ўзгармас экан-да, у ўн саккиз йилча аввал суратда қандай тушган бўлса, ҳозир ҳам укки кўзларини қадаб гапирди.

Бу ҳужжатларни архивдан суғуриб олиб, Ғайбаров янада яхшилаб ўқиб чиқди. Қандай камчилик топиш мумкин? Нимадир қилиш керак! Балки ўша йилларга тегишли қандайдир ҳайфсанлар бордир? Жазога тортилган бўлиши мумкин-ку!

Тополмади. Маъсумовнинг ўзи аллақачон келиб, бундай ҳужжатларни йўқ қилгандек туюлди. Ҳа. Шундай қилган. Ҳамиша орқасини тозалаб юради у. Қанча-қанча тузоққа тушмай, қутулиб кетган.

Бир жиҳатдан Ғайбаровнинг ҳозирги қилиғи худди товукнинг гўнг титганидек кўринди ўзига. Эриш туюлди. Ғаши келди. Маъсумовга тегишли ҳужжатларни тап этказиб ғаладонга ташлади. Тўғри, ҳали-бери алами тарқамайди, қасос ўти тарк этмайди. Аммо кўнглидаги истак, майлларга ҳам бўйин эгавермаслиги керак. Акс ҳолда бу ердаги ишлар қолиб кетади. Аввало, бошқарма раҳбарининг кўзига яхши кўринишга ҳаракат қилиши керак. Саъдуллаев дилкаш кўрингани билан анчайин қув, туллак одам. Мана шу лавозимидан неча марта олиб ташланади, яна жойига қайтаверади. Худди ким биландир гаров ўйнаган-у, бор кучини ишга солиб келаётгандек. Демак, у ҳам ҳийла-найранг ишлатса керак, ҳойнаҳой!

Ғайбаровнинг қўл остида икки ходим бўлса-да, у бошқаларни ҳам ўзига тобе қилгиси келарди. Ходимларининг айтишича, жамоада энг тартиббузар одам Носир Исомиддинов эмиш! Айниқса, кейинги пайтларда у пайдар-пай ишдан қолади, ички тартибларга риоя қилмайди. Ғайбаров бу мавзунини четлаб ўтмасан бўлмасди. Ахир, Носир – азалий қадрдони. Қолаверса, Ғайбаровнинг бошқармага ишга келишига у сабабчи.

Иш бошлаганининг учинчи куни Носир Исомиддинов билан бирга тушлик қилишди. Овқатларини бўлишгач, чой устида Ғайбаров унинг ўзини тутиши ҳақида ўсмоқчилаб сўз бошламоқчи эди, Носир томдан тараша тушгандек, ғалати гап қилди:

– Ошна, буйруқ чиқди, туппа-тузук ишляпсан ҳам, аммо ҳалигача чурқ этмаяпсан-ку! Мушук текинга офтобга чиқмайди. Ахир, нима деб келишган эдик? Йўталмайсанми энди?

Ғайбаров аввалига бу гапни, зиёфатга шама қиляпти, деб тушунди, кейин эса Носирнинг юз ифодасини кўриб, ўшанда – мастлигида тилидан илинганини англагандек бўлди.

– Нега овозинг чиқмайди? – давом этди Носир. – Менга қанча ваъда қилганингни биласанми? Уч юз минг сўм!

– Нега экан? – қошларини чимириб сўради Ғайбаров.

– Нега бўларди, ишга жойлаштириб қўйганим учун. Ахир, ўзинг тавалло қилиб ялиндинг-ку! Фақат, маст эдим, деб баҳона қилма. Мастми, хушёрми, эркак битта гапирди. Бугун, мана, уч кун бўлибди. Бошқа кечикмасин!



Ғайбаров унга “сиёсат” қилмоқчи бўлди:

– Сен бу пулни Саъдуллаевга бермоқчимисан?

– Ишинг бўлмасин.

“Шунинг учун меҳрибонлик қилган экан-да бу, – ўйлади Ғайбаров. – Мен буни эски қадрдоним деб юрибман ҳали. Э, қадрдонлар ҳам қолмабди бу замонда... Пулни бермасам, нима қиларкан? Осмонни ташлаб юборолмас ҳартугул. Балки, Саъдуллаевга шипшиб кўярман? Эшитиб, тепа сочи тикка бўлса керак. Йўқ, иккаласининг тили бир бўлса-чи?! Ахир тезгина ишга қабул қилди-ку! Агар ростдан ҳам буларнинг тили бир бўлса, навбатдаги томошани кўраверасан. Фақат иштирокчилар бошқа-бошқа бўлади... Ҳа-а, ўша куни Носир кўзимга шумқадам бўлиб кўринганича бор экан”.

– Мен сенга бир чақа ҳам бермайман, – деди Ғайбаров тап тортмай.

Носир кўзларини хиёл қисиб турди-да, жавоб сўзини айтди:

– Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармасанг, пушаймон бўласан.

– Мени кўрқитма. Сен яхшилик билан порахўрликнинг фарқига бормас экансан.

Носир индамай ўрнидан кўзғалди. Ғайбаров ҳануз жаҳлдан тушмаган эди. Анчадан кейин ўзининг зикналиги ҳақида ўйлаб қолди. Аммо гап уч юз мингга эмас. Шунчаки... Ғайбаров бериб ўрганмаган, бундай ишлар учун! Ахир ердан чиққан эмас-ку у!..

Тушдан кейин Ғайбаров олдинроқ отни қамчилаб қолиш учун Носир Исомиддинов тартиб-интизомга бўйсунмаётгани ҳақида рапорт ёзиб, Саъдуллаевга киритиб юборди. Кейин қулогини динг қилиб турди. Кечгача ҳам ҳеч қандай “хушхабар” эшитмади. “Қайтага Носирга индамаганлари яхши бўлди”, – деди бироз виждони қийналиб.

Уйга қайтар экан, виждонсизлик қилаётгани ҳақида ўйларди. Шу қисқа фурсат ичида нақадар кўнгилсизликларга дуч келаётгани борасида ҳам бош қотирди. Уйга барвақт қайтгиси келмади. Негадир кимсасиз, овлоқ кўча бўйлаб юрди. Хаёлига чувалашиб келаётган оғир ўйлардан халос бўла олмасди. Шумқадамни топмоқчидек, атрофга аланглади. Қани у? Қаерда экан? Яна қайси бир одамнинг хузурига бехосият ташифи билан қадам ранжида қиялтийкан?..

Ғайбаровнинг рўпарасидан икки-учта барваста йигитлар пайдо бўлганида, у уларнинг бир-бирларига ўғринча қараб олишганига ҳам эътибор бермади. Дабдурустдан Ғайбаровга ташландилар. Аямай тепкилашди. Кейин эса оёқлари остида ётган Ғайбаровга энгашганча пичирлашди: “Сизга керакли одамдан салом. Кимлигини ўзингиз ўйлаб топинг...”

\* \* \*

Ғайбаров ўзига келганида кўчада ётарди. Ўтган-кетган қарамайди, ароқхўр, дайди, – деб ўйлашса керак. Биров касал бўлиб ётибди, балки юрак хуружи тутгандир, эҳтимол, буни хўрлаб тепкилаб-тепкилаб кетишгандир, ишлари йўқ. Йўловчиларнинг ўрнида Ғайбаров бўлганида нима қиларди? Ёрдам берармиди! Ҳеч-да! Ана шунақа: бошга тушганни кўз кўради, аммо... бошинга калтак тушганини бу ётишингда сира кўра олмайсан.

“Сизга керакли одамдан салом. Кимлигини ўзингиз ўйлаб топинг...”

Ғайбаров бу сўзларни элас-элас эслади. “Носир, – деди у, – Носирнинг иши! Сен ҳам пул деб ўлган экансан-да! Шунчаликка бордингми?.. Йўқ, балки Маъсумовнинг ишидир? Ахир, у ҳам тинч қўймайди-да! Оббо, яшашга кўядиларми ўзи?..”

Ўзлари моматалоқ ҳолда кириб келганида хотинининг капалаги учиб кетди. Болаларининг ҳам кўзлари ола-кула эди. Ғайбаров уларнинг олдида хору зор бўлгандек ўпкаси тўлиб кетди. Ичкари хонага кириб, эшикни маҳкам ёпгач, кўз ёшини тия олмади. Кўз ёши аралаш юзидаги жароҳатдан қон ҳам оқа бошлади. Хотини кира солиб, докани сувга ботириб босди. У тинмай жаврар, кимларнидир қарғар, билиб бўлмасди. Овози узоқ-узоқдан эшитиларди, гўё.

... – нималар бўляпти-я?..

... – шунчалик ҳам тез ўзгарасизми?..

... – сиз бирортасини топгансиз, ҳаммаси ана шу юришни деб бўляпти...

... – ўтган сафар ичиб келувдингиз, бу гал жанжаллашиб...

... – Шоҳид деган йигит бор эди-ку, ўша келиб кетди.

Ғайбаров яна бир кўнгилсизликни сезиб, охири эшитган гапига аниқлик киритмоқчи бўлди:

– Шоҳид? Нега келади?

– Аллақандай конверт ташлаб кетди. Шахсан ўзларига берасиз, очманг, деб тайинлади.

– Олиб кел-чи! – Ғайбаровнинг юраги зирқираб турарди.

Ғайбаров хотини келтириб узатган конвертни очгиси келмади. Ҳа, бунинг ичида нимадир бор. Бир кўнгли конвертни очиб ўтирмай, ташлаб юбормоқчи бўлди. Бироқ кейин аҳволи янада баттар бўлишини ўйлаб кўрқди.

Конверт қалингина. Суратлар солинганга ўхшашпти. Ғаламис Шоҳид алламбалони ўйлаганга ўхшайди.

– Очинг, – қизиқди хотини, – нега индамай ўтирибсиз?

– Кейин очаман, – Ғайбаров шундай деб конвертни эгни қон костюмининг ички чўнтагига солди.

Шу аснода ичи қизиди. Нима, нима у? Хотини ҳам хонадан чиқа қолмайди. Энди атайин ўтираверади шу ерда. Мабодо Ғайбаров ухлаб қолса, конвертни очидан ҳам тоймайди. Эри уни очмагани янада қизиқишини орттирган. Қизиқишини ҳам эмас, шубҳа-гумонини. Шусиз ҳам ҳар куни кечкурун ишни ўзгартиргани учун минғирлагани-минғирлаган.

Ғайбаров хотинига овқат сузиши кераклигини айтиб, у чиқиб кетгач, тезгина конвертни олиб очди. Юраги баттар дукиллаб кетди. Бир нечта суратларда Ғайбаров билан Ноиланинг бир-бирига суйкалиб тургани акс этган эди. Қарийб ўн бештача сурат. Ҳаммаси бир вақтда суратга олинган. Афтидан, Ноила ҳам билмаган бу ҳақда. Акс ҳолда Ғайбаровга бу қадар суйкалиб турмас эди. Маъсумовнинг иши! Аблах! Нима хоҳлайди у? Мансабни тортиб олди, бўлди-да! Ғайбаров кўшқўллаб берди-ку!..

Худди суратни томоша қилаётганини кўриб тургандек Маъсумов кўнғироқ қилиб қолди. Ғайбаров телефонга жавоб беришни ҳам, жавоб бермасликни ҳам билмай каловланди. Ахир, пўписа қилади-да!.. Жаҳл билан телефони буткул ўчириб, ўрнидан турди. Суратларни қайта конвертга жойлади-да, костюмининг чўнтагига тикди. Ошхонага ўтди.



Хотини ҳануз қовоғини очмай, косада овқат сузиб, столга тақ этиб кўйди. Ғайбаровнинг иштаҳаси йўқ, овқатни қошиқ билан шунчаки кавлаштириб ўтирди. Калласида минг бир хаёл! Кейин сакраб туриб, ўзини ойнага солди. Кўзгудан мутлақо бошқа – бир абгор қиёфа қараб тургандек эди. Бу аҳволда ишга бориб бўлмайди. Нима қилиш керак? Милицияга айти, деса, эртага кўни-кўшни билиб қолиб, гап-сўзни кўпайтиради. Шифохонага бора, деганида ҳам шу гап! Аммо ишхонага нима дейди? Бошлиққа бор гапни тушунтиради... Ёши эллиқдан ошсаям кўчада тепалашиб юраркан, демасмикан? Нима бўлгандаям бу гапни айтиш ноқулайда!

Нега Ғайбаров эҳтиёт бўлмади? Наҳотки хавф яқинлигини илғамди? Хушёр эди-ку! Аҳмоқлар атайин юзига уришди ўзиям! Топшириқ шунақа бўлган-да! Отаси тенги одамга раҳмлари келмайди!..

Ғайбаров ухлай олмади. Жисмоний оғриқдан кўра рухий қийноқлар азоб берарди унга. Болалигини, ўша, ширин, беғубор дамларини, ҳеч ким қасд қилмаган, ҳеч кимдан азият чекмаган кунларини эслади. Ичидан аччиқ йиғи кўпчиб келаркан, зўрға босди. Афсус, йиғлаганида яхши бўларди. Ғуборлари, аламлари чиқиб кетарди. Ғайбаров хотинини ўйлаб кўз ёшини тийди. Тағин ваҳима қилиб юрмасин. Энг ёмони, у меҳрибончилик қилиш, ҳамдари бўлиш ўрнига тўнғиллаб, баттар кайфиятини бузади. Ғайбаров, эҳтимол, унинг ана шу феъли учун ҳам Ноилани топгандир? Э, ким билсин, энди Ноила унинг ҳаётидан кетди. Бошқага кетди.

У секин тўшақдан сирғалиб чиқди-да, шкаф томон юрди. Эшигини ғийқиллатиб очди. Костюмига қўл чўзиб, конвертни олди. Кейин катта хонага ўтиб, қайчини қидириб топди. Эшикка олазарак боқиб, суратларни битта-битта қирқиб ташлайверди. Қирққан сари кайфияти кўтариллиши ўрнига руҳи тушиб кетаверди. Бир ой олдин ҳам бу гаплар йўқ эди-я! Нима аҳвол?! Бугун-эрта нима бўлишини билмайсан!

Қийқим суратларни ошхонага ўтиб, ёқиб юборди. Азбаройи диққат билан тикилганидан, гулханнинг чирсиллаб овоз чиқаришигача қулоқлари остида қолди...

Ғайбаров бир ҳафтадан сўнг қора кўзойнак тақиб, ишхонага келди. Эълонлар тахтасидаги буйруққа кўзи тушди-ю, бўшашиб қолди. Ишга келолмаслиги ҳақида Саъдуллаев билан телефон орқали гаплашган бўлса-да, у Ғайбаровни ишдан бўшатибди. Шаҳд билан Саъдуллаевнинг ҳузурига кирмоқчи бўлди.

– Мирҳоди ака йўқ, – деди котиба. – У киши хориз сафарига кетган. Икки ҳафтадан кейин қайтиши мумкин.

– Мабодо сизга мен ҳақимда ҳеч нима демадимми? – ботиниб сўради Ғайбаров. – Мен телефон орқали тушунтирган эдим, барибир ишдан бўшатибди.

Котиба компьютерда алланималарни тераётганди, ишини тўхтатиб, бошқача қаради. Ғайбаров бу танноз ҳозир хунук гапириб, янада кайфиятимни бузади, деб ўйлаганча юрагини ховучлаб турди.

– Мирҳоди Саъдуллаевич биздан сўраб иш қилмайди, – деди дона-дона қилиб котиба. – Сиз, яхшиси, ҳисобчиларга учрашинг. Қандайдир қарзингиз бор эканми-ей... Агар тўламасангиз, ҳужжатларингизни беришмаскан.

– Нима? – Ғайбаровнинг тепа сочи тикка бўлди.

Котиба энсаси қотганини бу сафар очиқ-ошқора намён этган эди, Ғайбаров жаҳл билан қабулхонани тарк

этди. Ҳисобхонага ўтди. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам қарздор. Тавба, уч кун ишлаб, уч юз минг сўм қарздор. Шунақасиям бўларкан-да! Сабабини оғзаки тушунтиришди: сейфда пуллар йўқ!

– Бу Исомиддиновнинг иши, – бўғриқди Ғайбаров. – Менинг пул ўғирлайдиган одатим йўқ.

Носирнинг олдига йўл олди. У ерда анча айтишдилар. Носир қасам ичиб, бу гапдан хабари йўқлигини айтди. Аммо кўзлари бирибир сотяпти, ҳақиқатни айтиб турибди: Носирнинг Саъдуллаев билан тили бир.

Ҳисобхонада ўша куни тузилган далолатнома ни кўтаришди. Ё, тавба, ҳаммаси ҳужжатлаштириб қўйилган. Айнан шундан кейин Ғайбаровнинг ишга чиқмаганлиги ўлганнинг устига тепган бўлган. Аслида эса уни шундоқ ҳам тепкилаб кетишганди. Қолаверса, яна бир ариза бўлиб, унда уч нафар ўспирин Саъдуллаевга Халил Муродович Ғайбаров исмли ходими куппакундуз куни уларни уриб, сўкканлиги қайд этилган эди. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, ички ишлар идорасига шикоят қилишлари ҳам қистириб ўтилганди...

Ғайбаров, худдики, туш кўраётгандек. Ёлғон дунё деганларини эшитган, аммо бунчалик эмас-да! Йўқ, бу ерда бошқача нимадир бўляпти. Гап Носирда ҳам, Саъдуллаевда ҳам, Маъсумов-у Ноилада эмас. Ҳаммаси... ҳаммаси ўша нотаниш шумқадамни деб!.. Акс ҳолда уч юз минг сўм учун манови Носиров шунчалик паст кетармиди!..

Нима қилиш керак? Мана шу пулни тўлаб, ҳужжатларини олди, ҳам дейлик, яна-яна ишлари юришавермайди. Дайди туфайли! Аммо... аслида ўзи айбдор. Бир вақтлар қазиб қўйган чоҳига ўзи тушяпти...

Ғайбаров гандираклаб бошқармадан чиқиб кетди. Бугун топади уни! Оёғига йиқилиб бўлса-да, кечирим сўрайди. Керак бўлса, йиғлаб-сиқтайди. Ахир, бир умр шундай давом этавериши мумкин эмас-ку! Халил Муродович кеча ким эди-ю, бугун ким? Энг даҳшатлиси, эртага қандай одамга айланади?

У оёғи толиқиб қолгунча кўчаларни айланиб юрарди. Кўнглига ҳеч нима сиғмас, кўз олдида ўша шумқадам гавдаланаверарди. Ўшанда нега унинг дардини эшитмади? Кетса, ўн-ўн беш дақиқа вақти кетарди-ку! Майли, бир соат вақти кетсин эди, ҳар ҳолда эшитиб, гапларига амал қилиб, ўзини йиғиштириб оларди. Йўқ-йўқ, бу ҳозир айтишга осон, ўша пайтларда Ғайбаров йиртиқ-ямоқ кийган таниш-нотанишларнинг гапларини эшитишга қодир эмас эди. Ўзи англаган хатоси шу!..

У айланиб-айланиб, эски ишхонасига бориб қолганини сезмай қолди. Киришга юраги бетламаса-да, гўё шумқадам ичкарида юргандек туюлди. Зўрға ортига бурилди. Борар манзилни билмай кетар экан, анча одимлади. Бир маҳал ўзи билиб-билмай, шовқин-суронли бозорнинг қоқ ўртасидан чиқди. Агар рўпарасида шумқадамни кўрмаганида ҳушини йиғиб ололмасди. Кутилмаганда пайдо бўлган учунми, Ғайбаров унга нисбатан нима қилишни билмай қолди. Ҳаш-паш дегунча шумқадам чап томонга ҳайдаб солди. Ғайбаров, “ҳой, тўхта”, – деганча унинг ортидан қолмади. Аммо бир зумда шумқадамнинг кўздан ғойиб бўлишини қаердан билсин! Йўқ, у одам эмас, сеҳргар! Ора-сирада кўриниб, ичинга оташ ташлаб қўяди-ю, йўқолади. Аммо нега Ғайбаровга кўринади? Мақсади нима? Борсин, ана, Маъсумовга учрашин!..

Ғайбаров ҳар куни уни мана шу ердан излайдиган бўлди. Ўй-хаёлини шумқадам эгаллаб олган. Худди уни



топса, кечирим сўраса, аввалги мавқеи қайтиб келади-гандек. Майли, қайтариб бермасин, аммо кимлигини айтсин, акс ҳолда Ғайбаров бу дунёдан армон билан ўтиб кетади.

Хотини минғирлайвергач, у яна иш излади. Эски, титилиб кетган ён дафтаридан аввалги танишларини топди. Қўнғироқ қилди. Ўзлари билан учрашди ҳам. Энди у истиҳолани йиғиштириб қўйган, оиласини, болаларини ўйлар, қандай иш бўлсаям рози эди. Аввалги Ғайбаровдан асар қолмаган, у ўз қобиғига ўралиб қолган эди. Аммо ҳали-ҳануз шумқадамни излашда давом этарди. Энди бу дайди тушларига кириб чиқадиган бўлган. Негадир ҳар хил қиёфада. Бир гал Ғайбаров уни яна тушида кўриб аниқ таниди, исминиям эслади. Бундан қувониб кетди. Афсуски, уйқудан уйғонар-уйғонмас, на исми, на юз ифодаси эсида қолди.

Ғайбаров уни излаганининг яна бир энг муҳим сабаби, ҳозиргача ишлари юришмаётганида эди. Уч-тўрт жойга борди – олишмади. Ҳатто уч юз минг сўм бериб қайтариб олган “олиймақом” ҳужжатлари ҳам кор қилмади. Шокир исмли таниши билан илмий институтга ҳам борди. Яримта жой бор экан. Бир бало қилиб жойлашди. Бир пайтлар шу ерда ишлагани наф берди, холос.

Ғайбаров энди фақат ҳалол ишлашга ўзига-ўзи сўз берди. У юрагини ҳовучлаб юрар, худди ортидан яна бир кўнгилсизлик пойлаётгандек туюлаверарди. Ахир, Маъсумов деганларидан энди-энди қутулди, деса бўлади. Яқингача телефон кўнғироқлари билан пўписа қилиб, қитиқ патига теккани-теккан эди. Ғайбаров унинг хотинини ишхонага бошлаб келгани ҳануз алам қиляпти, чоғи! Бўлмаса, нега бундай қилади?

Аммо қасд олиш шунгача етдики, Маъсумов Ноилани Ғайбаровнинг уйига юборибди. Қўлида бир даста сурат. Ўша... иккаласи тушган тасвирлар. Ноила ҳам Маъсумовнинг айтганини қилиб кўрқмай келганини қаранг! Наҳотки, Ғайбаровнинг хотини юмма талайди, деб ўйламаган бўлса? Хушомадгўй!

– Сен шу даражада унинг айтганини қиладиган бўлдингми? – деди Ғайбаров аламдан лаби титраб.

– Илтимос, тушунтириброқ гапиринг, – ўзини гўлликка солди Ноила. Кейин Ғайбаровнинг хотинига юзланди: – Мен бу уйга ҳақиқат излаб келдим, опа. Эрингизнинг гуноҳи кўп. У мени алдаб, ишончимга кириб, ташлаб кетди. Илтимос, менга ёрдам беринг.

– Сен бунга ишонма, – деди Ғайбаров. – Ҳаммаси найранг, ҳийла.

Хотини одатига кўра янада қошларига зўр бериб, қўлидаги фотосуратларга имо қилди. Ғайбаров нима деярини билмай қолди. Бир зум чидади. Кейин алами тошиб, Ноилага ташланмоқчи эди, у жон аччиғида додлаб, ўзини “кундоши”нинг орқасига олди. Ғайбаров нима деб тушунтирсин? “Ҳа, бу билан бир пайтлар ош-қатиқ эдик. Энди орамиз очиқ. Ҳозир бу Маъсумов билан шакаргуфторлик қиляпти. Хотинини ишхонага олиб борганим учун қасдини оляпти”, – дессинми?

– Нега келдинг, очиғини айт? – жаҳли чиқди Ғайбаровнинг.

Ноиланинг “маъюс” кўзлари намланди:

– Болани туғдиришга туғдириб, энди бу гапингиз нимаси, Халил ака? Ахир, туғдиргандан кейин боқиш керак-ку!

Ғайбаровнинг миясига алланима ўрмалаб чиққандек бўлди. Кўз олди қоронғилашди. Хотин уни ушлаб

қолмоқчи эди, натижа чиқмади – Ғайбаров гурсиллаб орқаси билан йиқилди. Қулоғига Ноиланинг гаплари эшитилди:

– Доим шунақа қиладилар, опа, ишонманг. Мен ҳақиқат излаб келдим...

Ғайбаров ўзига келганида лаби бир томонга хунук тортилиб қолган эди. Гапиролмади. Шундоқ устига Маъсумов энгашиб турарди.

– Қалай? – деди пичирлаб – Хотинни ўртага тикиш мана шунақа бўлади.

“Аблаҳ”, – деди Ғайбаров. Бу гап тилига чиқмаганидан алами келиб, кўзларининг икки чеккасидан ёшлар сизиб чиқди. Қўлини қимирлатиб кўрмоқчи бўлди, эплай олмади.

Хотини чойнак кўтариб кирди. Чойни қайтаргач, аввал ўзига, сўнг Маъсумовга бир пиёла сузиб узатди.

– Сиз ажрашиш ҳақидаги гапни қўйинг, – деди Маъсумов унга. – Устоз тузалсалар, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Ғайбаровнинг кўзлари катта очилиб кетган эди. Наҳотки, шу мавзу кўтарилган бўлса?

Хотини индамади. У кўзларини ердан олмасди.

– Мен-ку, бир бало қилиб тинчитаман, – давом этди Маъсумов. – Бор пулимни кўшдим, кеннойи. Барибир иккита лимон етмаяпти. Тушунасиз-ку, биз ҳам маошга кун кечирадиган одам. Ана шу иккита лимонни бир бало қилиб берсангизлар, жами бешта бўлади. Кўнмай қаёққа борарди! Аввал тилхат оламиз-да!

Ғайбаров аввалгидан ҳам бесаранжомланиб қолди. Ўрнидан тураман, дейди, туropolмайди, гапираман, дейди, тили лол. “Ишонма, хотин, бу фибрибгарларга ишонма, хонавайрон қилишмоқчи бизни. Ҳаммаси ёлғон...” Қани эди бу сўзларни овоз чиқариб айтса?

Аламнинг зўридан яна унинг кўз ёшлари чиқиб кетди.

– Устоз йиғляпти, – деди Маъсумов кеннойисига бир қараб олиб. – Ҳа, энди шундай кунда ёрдам бермасак, нима қиламиз шогирд бўлиб, тўғрими?

“Малъун! Мана шундай шогирдни тайёрлаганмидим мен? Иккиюзламачи! Шунчалик ҳийла ишлатиши хаёлда ҳам йўқ эди. О, фалак, нима қилай?” – Ғайбаровнинг кўз ёшларига зўр беришидан бошқа чораси йўқ эди ҳозир...

У шу алфозда анча кун ётди. Бу орада хотини уйдаги у-бу жиҳозни бир миллионга сотиб, иккинчи миллионни фоиз ҳисобига қарзга олди. Кейин аллақарга чиқиб кетиб, шумшайиб қайтиб келди. Болаларига отасини кўрсатиб, “ана, хотинбоз отангнинг аҳволини кўриб қўйинглар, ҳамма ишни қилиб қўйиб, энди бемалол ётибди”, – дея йиғлаб юборди. Болалар ҳам аюҳаннос солишди...

Ғайбаров оёққа тургач, биринчи бўлиб Маъсумовга кўнғироқ қилди. Алоқа шу ондаёқ узилди. У ҳам анойи эмас, аллақачон телефон рақамини ўзгартириб олган. Шундан кейин Ғайбаров эски ишхонасига қараб йўл олди. Уни ичкарига киритишмади. Махсус рухсатнома керак эмиш! Бир пайтлар Ғайбаровни кўрганида пилдираб бориб, кўшқўллаб кўришадиган кўриқлаш бошлиғи уни танимади. Олдига ҳайдаб солди. Ғайбаров шу ердан туриб ички телефон орқали Маъсумовга кўнғироқ қилмоқчи эди, у гўшакни тортиб олди. “Бу телефон пулик”, – деди без бўлиб. Ғайбаров бошқаларнинг олдида ўсал бўлди: “Хўп, пулини бераман, қанча?” Кўриқчилар бошлиғи бўш келмади. Истеҳзоли кулиб деди: “Қанча





дейсизми? Икки миллион!.. Хўш, қониқтирадимиз сизни, бера оласизми?..”

Одамни бу қадар пастга уриш бўлмаса керак. Ғайбаров ер билан битта бўлиб ортига қайтди. Ниҳоятда хўрлиги келди. “Сенларгаям бир бало бордир”, – деди кўзлари намланиб. Кейин кўчадан Ноилага кўнғироқ қилди. У, “ҳозир, бир дақиқа шошманг”, – деди-ю... гўшақдан чақалоқнинг ингалагани эшитилди. Ғайбаров яна “синди”. У таслим бўлган эди. Ёлғончилар, мунофиқлар олдида ерпарчин бўлган эди...

Ғайбаров ҳозир институт хоналаридан бирининг деразасидан ташқарига тикиларкан, ичи хувиллаб қолганини, абгор, тушқун одамга айланганини ҳис қиларди...

Бу ерда ҳам узоқ ишлаш олмади. Соғлиги панд беравергач, паттасини қўлига тутқаздилар. Ҳа, сен билан нима ишлари бор? Ўлиб кетмайсанми? Ўз дардинг ўзингга! Бизга ташвиш орттириб нима қиласан?..

У кўчада беихтиёр бир вақтлардаги таниши Қўлдошнинг кўриб қолди. Ҳали-ҳали қувноқ, шўх, кўзида олов чақнаб турарди унинг. Қўлдош Ғайбаровни бир аҳволда кўриб, ҳайрон бўлди, кўнглини кўтарди. Ишламаётганини эшитиб, бирга ишлашни таклиф қилди.

Ғайбаров сал очилгандек бўлди. “Бор экан-ку дунёда яхшилар! Яша, Қўлдош! Майли, иш топиб бермасанг ҳам ёлғизлатиб қўйма. Бир ўзим сиқилиб кетдим, ахир! Билмадим, дунё шунчалик тормикан ё...”

Қўлдош бозорда ишларкан. Янаям яхши! Гавжум одамлар орасида бўлгани тузук!..

Соат уч-тўртларгача растада бўлишади, кейин пивохўрлик. Уч-тўрт сўм тушиб туради ҳар қалай!

Дастлаб танишларини кўрганида, Ғайбаров тескари қараб турарди. Кейин-кейин “без” бўлиб кетди. Тили ҳам айланиб, унча-мунча савдолашадиган бўлди. Лекин ҳануз юраги зада, қандайдир кўнғилсизлик бўлмаслиги учун бошқалар билан ўлиб-тирилиб муомала қиларди у. Ҳар тугул Маъсумов тинчиб қолгандек, Ноиладан ҳам садо йўқ эди. Ғайбаров “фоиз” балосидан кутулиш учун бор кучи билан ишларди. У энди анчайин ўзгарган, бир қадар кўрқоқ, майин ва сиполашиб қолган эди...

Бир куни Ғайбаров яна ўша нотанишни кўрди. Кўзларига ишонмади. Худди ўша! Уст-боши ҳам, қарашлари ҳам ўзгармаган! Қандайдир совуқ ва қаҳрли бўлиши билан бирга ачинадиган нигоҳи ҳам бор.

– Ҳой, биродар, менга қаранг, шошманг, – деди Ғайбаров унга.

Аммо шумқадам индамай йўлида давом этди. Ғайбаров растани айланиб унга етиб олишни ўйлади, бироқ шунча молни ташлаб кетишга кўзи қиймай, яна бир бало бошланишини ўйлаб, юраги дов бермади. Мана, кўриняпти, шунисигаям шуқр. Демак, ишлари яхшилана бошлагани учун бўлса керак! Аммо шумқадам бир боргина гаплашиб олганида зап иш бўларди-да!..

Эртасига Ғайбаров бир кампир билан молларни савдолашиб турганида шумқадам яна пайдо бўлди. Ҳа, худди ўзи! Яна келди.

– Яхшимисиз, биродар? – деди Ғайбаров ўзини йўқотиб қўйиб.

Ёнидаги Қўлдош ҳайрон бўлди. Пичирлаб деди:

– Тавба, кампир билан “биродар” деб гаплашяпсанми?

– Йўқ, ёнидаги билан, қара, яхши одам у.

Қўлдош индамай ўз иши билан банд бўлди. Бу орада шумқадам яна кўздан йўқолди.

Ғайбаров бир қадар хотиржам эди. Ҳар куни келяпти-ку!.. Тушлик маҳали Қўлдош билан жиндак тортишиб қолди. У “кўзингга ҳар бало кўриняпти”, – дея кулганди, “Эртага исботлайман”, – деди Ғайбаров...

Эртасига яна шумқадам бир кўриниб, кўздан ғойиб бўлди, аммо бу вақтда энди Қўлдош йўқ эди. У келгач, айтган эди, яна кулди. “Фотоаппарат билан суратга тушириб, кўрсатсанг ҳам ишонмайман”, – деди.

Ғайбаров ростдан ҳам фотоаппарат топди. Бўйнига илиб, шумқадамни кутадиган бўлди. Аксига олиб, у сира кела қолмасди. Орадан уч кун ўтса ҳамки, дарак йўқ.

Ниҳоят тўртинчи куни шумқадам пайдо бўлди-ю Ғайбаров уни зўрға фототасмага муҳрлашга улгурди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек энгил тортиди. Эртаси куни фототасмани керакли жойга топшириб, туширган суратини қоғозга чиқартириб олди.

Мана, шумқадам! Мана, сурати!

Ғайбаров унга узоқ тикилди, кимгадир ўхшатди, аммо барибир эслай олмади. Бир тўп моллар билан қайтган Қўлдошнинг олдига суратни тап этказиб ташлади:

– Мана, оғайни, кўзингга ҳар бало кўриняпти, дегандинг!..

Қўлдош истамайгина суратни қўлига олди-ю қараб туриб, кўзлари пахтасидан чиқиб кетаёзди:

– Сен бунга қачон суратга олдинг?

– Кеча.

– Нима?! Қанақасига?.. Ахир бу Шариф-ку!.. Эсингда йўқми?

– Қайси Шариф?

– Вақтида бирга ишлаган эдик, наҳотки эслолмасанг? Сен уни Шариф эмас, Шарф деб чақирардинг!

Ғайбаров узоқ ўйлаб туриб, қичқириб юборди:

– Ҳа... ҳа... эсладим. Шариф, Шарф... Шарф! Ахир у билан не-не кунларни бирга ўтказмаганмиз! Бўйнимизга тақамиз сени, деб жиғига тегардик, Қўлдош...

– Худди шундай!

– Оббо, Шариф-ей!.. Қўлдош, эсингдами, Шариф мени, сени не балолардан асраб қолган. Нуқул ҳалол, ҳаромдан гапирар эди. Аммо нега у мендан ўзини олиб қочаверади?.. Шариф! Мен уни шумқадам деб юрибман-а!

Қўлдош маъюсланиб деди:

– Аммо ҳамма гап шундаки, ўша Шариф бундан беш йилча аввал ўлган. Уни мен ўзим тупроққа қўйганман.

Ғайбаровнинг бошига кимдир гурзи билан туширгандек бўлди. У Қўлдошнинг гапларини эшитмас, шумқадам – Шарифнинг нима учун пайдо бўлгани-ю, унинг Ғайбаровни нималардан огоҳлантирганини идрок этаётган эди. Шариф уни кўп балолардан асраб қолди, ҳаётни, одамларни бепарда кўрсатди. Шу билан бирга ўзининг ҳам эсини жойига туширди. У нотаниш эмас, шумқадам ҳам эмас, яхши, беозор одам.

Ғайбаров беихтиёр Қўлдошнинг қўлидаги суратга тикилди. Ундаги Шарифнинг сиймоси аста-секин йўқолиб бормоқда эди...






Рўзибой ҚУЛМАТ

## ХАТ

Ҳикоя



Олим ишдан кеч қайтди. Даҳлиз тўридаги хонтахта атрофида болалари – ўғли билан қизи бурчақдаги телевизорга тикилиб ўтиришарди. Олим хонтахта ёнига ўтирди, этигини ечди.

– Болам, этикни нарёққа олиб бориб қўй, – деди Олим ўғли Шоҳруҳга.

Шоҳруҳ синглисини туртиб:

– Сенга айтяпти, – деди.

– Менга эмас, ўзинга, тур.

– Менга эмас.

– Тортишмасдан обқўяқолсаларинг-чи, ҳозир ош-ни сузаман, – деди идишларни чаяётган хотини.

Олим пойгакка бориб қўлини ювди, келиб кўрпачага ўтирди. Болалар бирин-кетин бориб қўлларини ювиб келишди. Аёл ош тўла лаганни олиб келди.

– Гўштни тўғраларинг, – деди.

Шоҳруҳ отасининг гапи унга тегишлимасдай индамай ўтираверди.

– Болангни қайсарлигини кўр, – деди Олим.

– Сиз ҳали бунинг ҳолини сўранг. Ўқитувчиси уришибди.

– Нега уришади?

Хотини бир нималар деб жавоб берди, лекин Олимнинг қулогига кирмади.

Олим ўғлини имлаб чақириб ёнига ўтқазди.

– Х-ў-ш, нега уришади, сабаб нима, нима гуноҳ қилувдинг?

– Ҳеч нима қилмадим. Ўзидан-ўзи келиб уришади.

Қизи гапга аралашди:

– Шовқин солган эмишсан-ку.

– Ким айтди сенга?

– Синфингдагилар.

– Шовқин солганим йўқ, ўзидан-ўзи.

Олим жаҳл билан сўради:

– Шовқин солди деб уришаверадими? Бошқа болаларни ҳам уришдими?

Ўғлининг ўрнига хотини жавоб берди:

– Нукул буни уришармиш. Бири ҳисобчининг ўғли, бири раиснинг арзандаси. Уларга тегармиди, тегиб кўрсин-чи. Буни бечора кўради. Фермангиздан нари ўтмайсиз. Бориб гаплашинг сиз ҳам, бечорага кун йўқми, денг.

Олимга хотинининг гапи қаттиқ таъсир қилди. Фақат унинг ўғлини уришадиган ўша ўқитувчини ёмон кўриб кетди. Бошланғич синфда ўқийдиган Шоҳруҳнинг ўқитувчисини яхши танимасди. Хотинидан у ҳақда суриштирди. Хотини мактабга бир-икки борган, ўша ўқитувчи билан гаплашганди.

– Сиз уни кўча-қўйда кўрган бўлишингиз керак. У қорачадан келган, узун бўйли, гавдали йигит.

– Ҳа, ҳа, эсимга тушди, анавими? Шошма-чи, у нариги кўчадаги Мирза оққошларга қариндош бўлади-а?.

– Ҳа-да, ҳозир айтмоқчи бўлиб турувдим, Мирза оққош унинг тоғаси бўлади.

– Тушунарли, – деди Олим маънодор бош чайқаб.

– Мана гап қаерда экан. Ўғрининг жияни, дегин. Эсингдами, Мирза омбор мудири бўлиб ишлагани?

– Нега эсламай, яқин-яқингача ишларди-ку. Бўшаганига кўп бўлса уч-тўрт йил бўлгандир.

– Хўжаликни еди. Кишининг ҳақидан кўрқмайди, харомхўр, – деди Олим нафрат билан. – Шунинг жияни нима бўларди.

Болаларнинг шовқини Олимнинг нутқини бўлди.

– Бер буёққа, бер, – бақирарди Шоҳруҳ синглисига ёпишиб.

– Нимани талашяпсанлар, бас қилларинг! – бақириб берди Олим.



– Манави менинг нарсамни олди, берсин.  
Қизча акасининг гапга чалғиганидан фойдаланиб унинг чангалидан қутулиб олди, қиқирлаб кулганча югуриб тўрдаги хонага кириб кетди. Шоҳруҳ сапчиб ўрнидан турди, чопиб унинг ортидан йўл олди.  
– Шоҳҳи, тўхта! – деди Олим.  
Бола отасининг гапини эшитмагандай ичкари хонага кириб кетди. У ердан бақир-чақир овозлар эшитилди.  
Олим хонага отилди. Шоҳруҳ сингисининг қўлидаги нарсага ёпишганди, қизалоқ чириллаб йиғларди.  
Олим Шоҳруҳни даст кўтариб турғазди. Уни елкасидан силкитиб:  
– Калланг борми сен боланинг?! – дея бақириб юборди.  
Қўрқиб кетган Шоҳруҳ жим бўлиб қолди. У гоҳ отасига, гоҳ онасига жавдираб қарарди.  
– Шунчалик ҳам уришасизми? – деди аёл эрига таънали боқиб.  
– Ўзи нимага қирпичоқ бўлдиларинг? – сўради Олим.  
Маълум бўлишича, болалар бир ялтироқ тугмани талашишган экан.  
Буни эшитган Олим тутаяқиб кетди:  
– Шунга шунчами?  
Орага хотин қўшилди:  
– Ўзингиз берган тарбия.  
Жаҳл зўридан эр қизариб кетди:  
– Нега энди менинг тарбиям бўларкан. Ўзингизники!  
Хотин ҳам бўш келмади:  
– Сизники! Сизники!  
Хона шовқинга тўлди. Эр-хотин бир-бирларини айблаб қичқиришарди:

– Ўзингизники...  
– Сеники...  
Можаро телевизорда сериал бошлангандан кейингина босилди.  
Фильм тугагач, ўзини босиб олган аёл ётиш учун жой соларкан, деди:  
– Ўқитувчиман деб уришаверадимми?  
Чордона қуриб бош эгганча ўтирган Олим ҳам шу ҳақда ўйлаётганди: “Нега фақат менинг боламни уришадим?”  
– Биламан, барибир мактабга бормайсиз. Сиз уйда шерсиз. Икки кишининг ёнида гапингизни йўқотиб қўясиз.  
– Бас қил! – ўшқириб бери Олим.  
– Нима, ёлғонми?  
– Жаврама, ундан кўра қоғоз-қалам келтир.  
– Қоғоз-қаламни нима қиласиз?  
– Келтир, дедим.  
– Ҳа-а, – деди хотини тушуниб, сўнг сирли оҳангда давом этди: – Ўқитувчисига ёзмоқчимисиз?  
Олим индамади. Юзидан гапи хотинига ёққанидан мамнунлиги сезилиб турарди. Аёл “ҳозир” деб чиқиб кетди, кўп ўтмай қизидан қоғоз ва ручка олиб келди. Олим тиззалари устига фанер бўлагини қўйиб ушбу хатни битди:  
“Ўқитувчига хат.  
Сиз менинг боламни нима учун уришасиз? Ўқитувчи болани уришмаслиги керак, гап билан тушунтириши керак. Мактабда болани уришиш мумкин эмас, билдингизми? Шоҳруҳ ўзи яхши бола, яхши гап билан тушунтирсангиз, тушунади. Болани уришмаслик керак. Мана мен болаларимни ҳеч уришмайман, яхши гап билан тушунтираман. Ўқитувчи болани уришмаслиги керак, гап билан тушунтириши керак, тушундингизми?..”

Хоразм





Алимурод ТОЖИЕВ,  
ЎзМУ тадқиқотчиси

## ЖАРОҲАТЛИ ҚАЛБ БИЖИКАРЛИ

Сўнги йилларда адабиётимизда инсон руҳиятини турфа курашлар ва изтироблар қуршовида тасвирлаш аънаналари юзага келгандек туюлади. Қаҳрамонни мураккаб ҳолатлар тарозисига солиб тасвирлаш усуллари кўп ҳолларда ўз ижобий самарасини беради, чигаллик ва машаққатлар гирдобиди қаҳрамоннинг ички дунёси, бадиий қиёфаси шаклланади, характери ярқирайди, зуваласи пишади. Бу ҳолат кейинги пайтда, кўпгина ижодкорлар сингари истеъдодли ёзувчи Қўчқор Норқобил асарларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

“Дарё ортидаги йиғи” қиссасининг бош қаҳрамони – ижодкорнинг ўзи. Ёзувчи ҳамма қаҳрамонлари қатори ўз исмини ҳам ўзгартирмайди, ҳамма тасвирлар жонли чиқиши учун жанг майдонида кўрган воқеаларини холис тасвирлайди. Қиссани ўқир экансиз, йигирма уч яшар йигитнинг юрагидан ўтказаётган оғриқлари самимий эканлигига иқрор бўласиз.

“Дарё ортидаги йиғи” қиссасида бир неча оғриқли саволлар бор. Биринчиси шуки, инсон нима учун уруш қилиши керак. Иккинчиси, ҳаёт билан ўлимнинг орасидаги йўл қанча? Учинчидан, бегуноҳ тўкилган қонлар товонини ким тўлайди. Урушдан омон қолганда ҳам улар қалбидаги жароҳатга ким даво топади? Умуман олганда, урушдан пок тийнати булғаниб, кўксидаги тоза туйғулари лат еган йигитларни кейинчалик уруш тасаввурига дош беришнинг имкони борми, деган саволлар асар марказига қўйилади.

“Дарё ортидаги йиғи” қиссаси билан адабий жамоатчиликнинг яхшигина назарига тушган Қўчқор Норқобил кейинчалик “Қуёшни уйғотинг, тонг отди”, “Кулиб тур, азизим”, “Ўн саккизга кирмаган мен бор”, “Само остидаги сир” номли қиссаларини бирин-кетин чоп эттирди. Мазкур қиссалар моҳият-эътибори билан уруш ва унинг инсон қалбига соладиган раҳналари, асорати ва фожиаларига бағишланган. Ёзувчи уруш ҳақидаги таассуротларини қоғозга туширар экан, ҳар бир деталга алоҳида эътибор қаратади. Устоз ёзувчи Шукур Холмирзаев “..Қўчқорнинг шоирона насрида реаллик билан нореаллик кўпинча омухта бўлиб кетадики, бунга эришиш жуда қийин-е: биринчидан, бундай

ирреалистик наср тажрибалари бизда йўқ. Иккинчидан, бу йўл ман-ман деган адибни улоқтириб ўтлатиб кетади, демак, асар мақсадидан келиб чиқадиган чегарагина уни тутиб туриши мумкин. Энди, асарнинг мақсадини – уруш фожиасини – урушнинг инсон руҳиятидаги ўзгартиришларини, руҳдаги изтиробли тўлғоқларни тасвирлаш ва оқибат унинг фожиа натижасини кўрсатишдан иборат бўлса, ҳали ёш, дунёвий адабиётнинг бу борадаги тажрибалари билан энди таниша бошлаган ва шу асно ўзини кашф этаётган ёзувчига нақадар оғирлик тушади”... дея қиссалар ҳақидаги фикрларини айтиб ўтган эди бир пайтлар.

Адибнинг “Кулиб тур, азизим” қиссасини ўқир экансиз, беихтиёр атрофингиздаги воқеликни, сизни қуршаб олган турмуш муаммоларини унутиб, асар ичига шўнғиб кетасиз. Муаллиф бу қиссада “Дарё ортидаги йиғи” қиссасидаги йўлдан кетмайди. Балки ҳаётни бошқачароқ усулда тасвирлайди. Бу пайтда аскар ёзувчи афғон урушидан оиласи бағрига омон қайтган, маълум бир матбуот таҳририятида фаолият юритаётган ижодкор, журналист сифатида гавдаланади.

Афсуски, шоир урушдан уйга қайтгач, уни бир дунё қувончлар кучоқ очиб кутиб олмайди. Тинч ҳаётдаги пинҳоний курашлар ҳам олдинги жанглардан қолишмасди. Афғон заминида нифоқнинг асл моҳиятини тушунмай, ғурур ва ёшлик ғўрлиги билан шўро тузумининг найрангларига қурбон бўлган жангчилар курашга киришар экан, бир-бирларини танишмасди. Бу қирғинларнинг асл моҳиятини идрок этишга, қайси тузумнинг қўлида яхши қурол, ўйинчоқ бўлаётганларини англашга сиёсий билимлари етишмасди. Уларга фақат отиш ва ўлдириш, душманни таг-туги билан янчиб ташлашни ўргатишарди. Аммо шоир ватанига қайтгач, бир-бирини танийдиган, нону оши, шодлигу омадига шерик бўлаётган одамзод қавмининг пинҳоний ҳужумларига, курашларига дуч келди. Асардаги Бурхонов образи шоир ҳаётидаги иккинчи руҳий инқирознинг сабабчиси бўлди. Ҳаётни севган одам ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бутунлай йўқотиб қўймайди. Инсон, бошқа мавжудотлардан фарқли ра-



вишда ўзининг яшаш кўникмасига эга: у бахтсизликдан бахт излаб, қора булутлар кўланкаси ичидан толагина нур топа олиш қобилиятига эга.

Асар қаҳрамони қаддини тақдирнинг ўткинчи хар-хашаларига букмади, у ҳаётни яхшилик рангида кўрди ва бунга ишонди. Қолаверса, яхши одамлар мадади, руҳий далдаси, ёрига бўлган муҳаббат, фарзандларининг файзли чехраси, ёрқин умиди шоирни оёққа турғизди.

Кўчқор Норқобил “Ўн саккизга кирмаган мен бор” қиссасида ҳаётни ёлгон аралаштирмай, бор бўйича тасвирлайди. У ҳаёт ҳақиқатларига эгиз бўлган уруш ҳақиқатларининг тасвирини беради. Таъкидлаш ўринлики, бу асар урушдан кейин бир неча йиллар ўтиб ёзилган бўлса-да, худди уруш воқеалари ичида туриб ёзилгандек таассурот уйғотади. Беихтиёр ўзингизни уруш қатнашчиси – аскардек ҳис қиласиз.

Аваллиги икки қиссада қаламини яхшигина чархлаган ёзувчи “Ўн саккизга кирмаган мен бор”да ўзининг авж нуқтасига кўтарилди. “Мен ҳаммасини, бор ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилдим, афсуски, ҳеч нарса ёзолмадим”, дейди муаллиф. Бу ижодкорга хос камтарлик эмас, балки қалбда ёнган аланганинг тафтини кўнгилдагидек акс эттира олмаганлик афсуни, дейиш мумкин. Қиссада ёзувчи ўқувчини ишонтириш учун ҳар хил бадиий усулларни қўллашга ортиқча уринмайди, асосийси, кимнидир қоралаш, кимнидир оқлаш, бемаврид хулоса чиқариш йўлидан бормайди.

“Ўн саккизга кирмаган мен бор” қиссасидаги асосий қаҳрамонлардан бири Лилия образидир. Лилиянинг қалби гўзал ҳис-туйғуларга, олижаноблик ва меҳрга тўла. У ротадаги ҳар бир аскарнинг юраги қанақа уришини яхши билади, вужудида эркаклик ҳовури бор аскар борки, бу гўзал ва танти аёлга кўнглини очади. Ротада аёллар кўп, улар турмушнинг чигал йўлларида чалкашган ва пул, бойлик илинжида зобитлар кўнглини овлаб юришга маҳқум этилган бандилардир. Аммо Лилия олижаноб ва раҳмдиллиги билан бошқа аёллардан ажралиб туради. У ҳаммадан кўра ёзувчи аскарни севар, унинг пок дилини, бокира туйғуларини асрашни, унинг жонини ўқлар бўронидан омон сақлашни хоҳларди. Чунки аёлнинг покиза юраги эзгулик ва мардликка мойил эди. Ботқоқликдан униб чиққан нилуфар мисоли бу нажот фариштасининг ширин ишва ва нозлари, эркаланишу далдалари қалбини ўлим ваҳмаси қоплаган аскарларнинг кўнглини ёритар эди. Бу ерда Лилия афғон тупроғидаги шафқатсиз урушдан йигитларни омон сақлаб олди, деган фикр ўзини батамом оқламаслиги аён ҳақиқат. Аммо қаҳрамон қалбидаги зангларни йўқотишга, эртанги порлоқ келажакнинг нурли йўлларида умид уйғотган бу аёл образи қисса бадиий қимматини бир поғона юқорига кўтарган.

Ўтган йили “Ёшлик” журналида Кўчқор Норқобилнинг “Осмон остидаги сир” номли қиссаси чоп этилди. Орадан ўтган йиллар ёзувчининг ҳаётга бўлган

муносабатини анчагина ўзгартириб, унинг бадиий дунёқарашини кенгайтди.

Шу пайтгача бевосита урушнинг воқеаларини тасвирлаётган Кўчқор Норқобил энди уруш қурбонлари ҳаётини, урушнинг мудҳиш оқибатларини четдан кузатади, киши руҳияти, унинг ботинида кечаётган ғалаёнлар тўлқинини кенг ва батафсил тасвирлагани, бадиий бутунликка эришилгани сезилади.

Тўлқин танк билан олдинги қиссалардаги қаҳрамонлар солиштириб кўрилса, Тўлқин танкнинг тасвиринида ёзувчи урушни ўзгачароқ номлайди, унинг фалсафий моҳиятини, ҳаётини илдизларини чуқурроқ кўрсатгани аён бўлади.

Ёзувчининг бу қиссалардан ташқари бир қатор ҳикоялари ҳам борки, уларнинг мавзу ва ғояси, воқеалар кўлами, сюжет хусусиятлари биз кўриб ўтган қиссалар руҳига, йўналишига яқиндир. Аммо ҳикоя жанрига хос бўлган поэтик каноңлар, назарий-илмий мезонлар нуқтаи назаридан ёндошганда, унинг “Хун”, “Аросат” ва “Босинқираш” каби ҳикоялари яхлит сюжет қурилмаларининг йўқлиги, муаллифнинг ўй ва мушоҳадалари, “мен”и, воқеликка бўлган муносабатининг асар марказига чиқарилиши, асар структураси кўпроқ ёзувчи характерини очиши мақсадига мойилроқ бўлиши, баъзи ҳикояларда реал қаҳрамоннинг кўринмаслиги хусусиятлари билан кичик эпик жанрларнинг эссе жанрини эсга солади. Унинг “Қишдаги лола” ҳикояси эса олдинги қиссалардан кўчирилган нусхадек таассурот қолдиради. Чунки ҳикоя ёки қиссаларда ғоя бир-бирини тўлдирса, сюжетдаги айрим ўзгаришлар ҳеч қандай аҳамият касб этмай, ёзувчи ижоди ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон беради, холос. Ғоялар хилма хиллиги ва фикрлар полифониясини, ёзувчи услубига хос қирраларни кўрсатишга хизмат қилмайди. Ёзувчининг “Ёшлик” журнали 2007 йил, 1-сонидан чоп этилган “Кўзларингни кўргани келдим” ҳикояси эса ҳолатларнинг фавқулодда динамикаси, сюжетдаги кескин бурилиш, ҳикояда қаҳрамон характерини чуқур очиш мақсадидан кўра қаҳрамонларнинг ҳолат ва ҳаракатлари ривожини тадрижида воқеанинг келтириб чиқариш принципларига кўра ғарб адабиётининг машҳур эпик жанри бўлмиш новеллага яқин туради. Аммо ҳикояда публицистик руҳнинг қоришиб кетиши, ёзувчи ғоясини акс эттиришга хизмат қилмай, балки халақит берган ортиқча тафсилотларнинг кўпайиб кетиши ҳолатларини ҳам назардан соқит қилмаслик лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги сермавж адабий жараёнда турли-туман овозларнинг кўпаяётгани, ёзилаётган асарларимизда миллатимиз руҳи ва тафаккури, қалби ва тарихига доир адабий ҳақиқатлар акс этаётгани ҳаммамиз учун қувончли ҳодисадир. Ёзувчи Кўчқор Норқобил ҳам бу жараёнда астойдил меҳнат қилиб, ўз ўрни ва баҳосини топаётганини эътироф этиб, бу билан ижодкорни фақат қутлаш ва ижодий ғайратга ундаш бизнинг эзгу мақсадимиз эканлигини айтиб ўтмоқчи эдик.





Ўроқхон НАРЗУЛЛАЕВ,  
тиббиёт фанлари номзоди

## ТАРБИЯ – ҲАЁТ ДЕМАК

Инсонга бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ тўртта хислат неъмат қилиб берилди: ақл, илм, тафаккур ва сўзлашиш. Шунинг учун ҳам инсон бу дунёнинг гултожидир. Бироқ инсон ўзига неъмат қилиб берилган ана шу хислатларни бекаму-кўст бажариши учун маълум эътиқод ва ихлосга эга бўлиши, ўзининг яратилишидаги моҳиятни англаши лозим бўлади. Бунинг учун эса инсонга ҳар жиҳатдан таълим ва тарбия шарт. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, инсон тарбияси беш йўналишда кечади: иймон тарбияси, маънавий тарбия, дунёвий тарбия, жисмоний тарбия, руҳий тарбия.

Иймон тарбияси нима? Иймон тарбияси ҳар бир кишининг тириклик ҳаётида энг муҳим ўрин тутадиган етакчи воситаси – маёғи. Иймон тарбиясининг бош мезони яратган зотни таниш, англаш, унга бўйин эгмоқдир. Демак, аввало инсонда тўғри эътиқод бўлиши лозим. Бу иймоннинг асосини ташкил қилади. Иймон тарбияси эса барча тарбияларнинг боши ва ҳаракатга келтирувчисидир. Инсоннинг ўзини англаши иймон тарбиясидан бошланади. Шунинг учун ҳам бир муборак ҳадисда: “Ким ўзини таниса, у албатта, Парвардигорини ҳам танийди”, дейилади.

Киши ўзининг мўъжиза эканини, бу муҳташам коинот ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмаганини, бу тарздаги мукамал яратилиш замирида ўзига хос ҳикматлар борлигини англаса, ҳаётнинг маъноси бўлади.

Инсоннинг нақадар мукамал яратилганини бир тафаккур қилинг: тиббиёт олимларининг маълумотларига қараганда инсон миясидаги асаб толаларининг узунлиги ер юзидаги барча телефон симларининг узунлигидан ҳам ортиқроқ экан. Инсоннинг асаб тизимида 200 мингта иссиқликни сезадиган тирик ҳужайралар, 3,5 миллионга яқин оғриқни сезадиган ҳужайралар мавжуд. Миянинг 1 куб сантиметр қисмида 225 миллионга ҳужайра бўлса, ҳозирги замоннинг “энг ақлли” электрон аппаратлари хотирасининг 1 куб сантиметр қисмига 2250 та элемент жойлашар экан. Демак, инсон мияси ундан юз минг марта мураккаброқ бўлиб чиқмоқда. Инсон ана шундай мураккаб хилқат. Бу хилқатнинг яратилишидаги ҳикматни англаш учун эса инсонга иймон тарбияси керак.

Маънавий тарбия нима? Инсон тарбиясида иймон ва маънавий тарбия ажралмас, чамбарчас бири-бирига боғлиқдир. Бу тарбияларнинг нечоғлик яхши ва ўз ўрнида бўлиши оиладан бошланади. Айниқса, бугунгидек мураккаб даврда оиладаги маънавий тарбия жуда кўп нарсани белгилайди. Маънавий тарбиянинг асосида қалб тўғрилиги ётади. Шунинг учун ҳам болага маънавий тарбия зарур.

Дунёвий тарбия нима? Инсон қайси жамиятда ва ким бўлишидан қатъи назар, у яшаши ва оилани боқиши учун дунёвий ишлар билан шуғулланишга мажбур. Зеро, инсон ризқни бирор сабаб билан топмоғи лозим. Ота-боболаримиз болаларини ҳалол-покиза турмуш кечиришлари учун уларга ёшлиқдан дунёвий тарбия беришган. Дунёвий тарбия ҳам иймон ва маънавий тарбиянинг муҳим бир қисмидир.

Инсоннинг иймон ва маънавияти мукамал бўлса, у дунёда адашмайди. Топган дунёси ҳалол-покиза бўлади. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди. Энг асосийси, дунё молини яшашнинг моҳиятига айлантириб олмайди. Дунёвий тарбия дунё ишларида мувозанатни сақлашни, ҳалолликни, покизаликни ўргатади.

Жисмоний тарбия нима? Тирик организм учун озиқ-овқат қандай табиий зарурият бўлса, жисмоний тарбия ҳам шундай зарурдир. Чунки инсон кун бўйи қабул қилган озиқ-овқатнинг механик энергияси кинетик энергияга айланади, ҳаракатдаги барча аъзоларга у етказилади, ишлатишдан қолган энергия эса кислотага айланиб, организмда, мушакларда сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам меҳнат қилмайдиган кишиларнинг баданларида ҳар хил оғриқлар бўлади. Бу табиий ҳол. Бирор органик касаллик билан боғлиқ эмас. Шу сабабдан ҳар бир кишининг сиҳат-саломатлиги учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти жуда каттадир.


Руҳий тарбия нима? Инсон руҳи яратган зотнинг буюк сиридир. Улуғ манбаларда айтиладикки, инсоннинг танаси ҳар куни озиқланмаса, у яшашдан тўхтади. Худди шунингдек, унинг руҳи ҳам нимадандир озиқланиши керак. Инсон ўз руҳини нимадан озиқлантирганига қараб бахту саодатга эришади. Руҳ ўзини яратган зотнинг зикри билан покланади. Инсон ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланса, гўзал ахлоқли инсонга айланади. Руҳий тарбия жуда мураккаб, катта иймон-эътиқод талаб қиладиган масала бўлганлиги сабабли уни махсус ўрганиш лозим.

Инсон руҳан тарбия топган бўлса, гуноҳ ва ёмон ишларга аралашмайди. Чунки ёмон ишлардан тарбияланган руҳ изтиробга тушади. Кечалари ўз соҳибига маломат қилади. Унга тинчлик бермайди. Соҳибини инсофга чақиради.

Дарҳақиқат, ҳамма замонларда ёшларнинг таълим-тарбияси долзарб масала бўлиб келган. Бугун бизнинг давримизда ҳам ёшларимизга ниҳоятда юксак эътибор билан қаралмоқда. Ҳукуратимиз томонидан ёшларимизга ўқиш ва меҳнат қилиш борасида ҳамма шарт-шароитлар муҳаё қилинган. Эндиги вазифамиз мана шу ғамхўрликларга муносиб саъй-ҳаракатда бўлишдир.



Сомерсет МОЭМ



# × Ó Ì Î Ë Ì Á È Ë À Ì × È Æ È Ð Ò È Æ

## Ҳикоя

Сиз чумоли билан чигиртка ҳақидаги ҳикояни эшитганмисиз? Мен болалигимда мактабда шуни ўрганишга мажбур бўлганман. Бу оддийгина ҳикоя бўлиб, ёш ўқувчиларга ибрат бўлиши керак эди. Ҳикоя меҳнатсеварлик ғоясини тарғиб қиларди. Унга кўра кимки меҳнаткаш бўлса, муваффақиятга эришиши мумкин-у, кимки меҳнат қилмаса, бирор нарсага эриша олмайди.

Ҳикояда чумоли ёз бўйи тинимсиз меҳнат қилади. У ҳар куни уйига дон ташийди. Ёз охирига бориб у қишга етарли озуқа ғамлаб қўяди. Чигиртка эса умуман меҳнат қилмасдан, офтобда тобланиб қўшиқ айтишдан бўшамайди.

Кейин қиш келади. Чигиртканинг овқати бўлмайди. У чумолиникига бориб бирор егулик беришини сўрайди.

“Сен ёзда нима қилдинг?” – дея қарши олади уни чумоли.

“Қўшиқ айтдим?” – дейди чигиртка. – Қуёшда тобланиб қўшиқ айтдим”.

“Энди яна бориб рақс тушишинг мумкин”, – дейди чумоли.

Ўшанда бу ҳикояни жиним суймаганди. У мени меҳнатсеварликка чорлай олмади. У менда чумолилар бераҳм экан, деган тасаввур уйғонишига ва чумолилардан нафратланишимга сабаб бўлди. Мен қаерда чумоли кўрсам уни босиб-янчиб, эзиб ўтиб кетадиган бўлдим. “Бу сенинг чигирткага раҳмсизлик қилганинг учун жазо”, дердим.

Бундан бир неча кун илгари менга чумоли билан чигиртка ҳикоясини яна эслатган бир воқеа содир бўлди. Мен ресторанга тушлик қилгани боргандим. У ерда дўстим Жорж Рамсейни кўриб қолдим. У столда ёлғиз ўтирар ва жуда ғамгин кўринарди.

– Салом, Жорж, – дедим унга.

– Аҳволларинг яхшими?

– Унчалик эмас, – жавоб қилди у.

– Нима бўлди? – сўрадим столга ўтираётиб. – Яна уканг Томми? Яна у туфайли муаммоми?

– Ҳа, – деди у. – Яна Том.

Келинг, сизга аввало Том ҳақида сўзлаб берай. Ҳар қандай яхши оиланинг битта номуносиб аъзоси бўлганидек, Жоржнинг оиласида ўша одам – укаси Том эди.

Бошда Томнинг ишлари жуда яхши эди. Унинг яхшигина бизнеси, хотини ва икки боласи бор эди. Кунларнинг бирида у ортиқ ишлашни хоҳламаслигини айтиб қолди. У дам олишни, роҳатланиб яшашни истаб қолганди.

У оиласи ва ишини ташлаб, Европага жўнаб кетди. Унинг маблағи жуда оз бўлиб, ўйламасдан пулларини совурарди. У ҳашаматли меҳмонхоналарда турар, энг қиммат ресторанларда овқатланар, турли базмларга гўзал аёллар билан борарди. Қисқаси, у вақтини жуда хуш ўтказар эди.

Унинг оиласидагилар бу гаплардан хабар топишгач, афсус билан бош чайқашди.

“Пуллари тугагач, у қандай қиларкан?” – деган савол қийнади уларни.

Тез орада бу саволга жавоб топилди. Том ҳамманинг ёқимтойи эди. У жуда хушчақчақ бўлиб, дўстлари ҳам жуда кўп эди. Пули тугагач, у дўстларидан қарз оларди.

Унинг оладиган қарзи унчалик кўп миқдорда бўлмагани учун дўстлари одатда қарзни сўраб ҳам ўтиришмасди. Мен уни тез-тез учратиб турардим, у билан ҳамсуҳбат бўлиш менга ёқарди ва ҳар гал уни кайфияти чоқ ҳолда кўрардим. Лекин ҳар кўришганимизда у мендан қарз оларди.

Том ўзининг одатий харажатларига пулни дўстларидан оларди-ю, мабодо кўпроқ пул керак бўлиб қолса, акаси Жоржнинг олдига келарди.



Жорж жуда обрў-эйтиборли эди. У кўп ишлар, пулни ҳам ўйлаб сарфларди. У укасининг ҳам обрўли одам бўлишини хоҳларди.

Том акасига ҳаётини ўзгартиришга ва агарда Жорж унга етарли маблағ берса, ишини қайтадан бошлашга ваъда берди.

Биринчи марта у акасидан олган пулларни қимматбаҳо машина сотиб олишга, иккинчи сафар Париждаги меҳмонхона маишатиға сарфлаб юборди.

Жорж унга мутлақо ишонмайдиган бўлди. У Томга пул беришдан бош тортди. Шундан сўнг ўта даҳшатли воқеа юз берди. Том қамоқхонаға тушиб қолиши маълум бўлди. Жорж бу воқеани эшитиб, жуда хафа бўлди. Агар Том қамоққа олинса, у ва унинг оиласи учун бу нарса шармандалик ҳисобланарди.

Том Кроншав исмли кишини катта миқдордаги пулга чув туширган эди. Кроншав уни судга берган бўлиб, агар пули қайтариб тўланмаса, Томнинг қамоққа тушиши муқаррар эди. Турган гапки, Том уни тўлолмасди. Шунинг учун Жоржнинг 500 фунт-стерлинг тўлашдан бошқа иложи қолмади.

Жорж пулни тўлаб бўлган куниёқ, Кроншав билан Том Монте-Карлоға жўнаб кетишди. Улар Монте-Карлода Жоржнинг пулларига кайфу сафо қилиб бирга юришганини кўришибди. Жоржнинг фиғони фалакка чиқди. Мен уни ҳеч ҳам бунчалик жаҳлдор ҳолатда кўрмагандим.

Шундай қилиб йигирма йил давомида Том бахтли ҳаёт кечирди. Йигирма йил давомида у гўзал аёллар даврасида даврон сурди. У қирқ беш ёшға тўлган бўлса-да, анчагина ёш кўринарди. Унинг дўстлари кўп эди.

Жорж бутун умр меҳнат қилди. У ҳар куни саҳарлаб ишхонасига борарди. У ишхонасини қоронғу тушмасдан тарк этган кунини эслай олмайди. У топганини йиғиб оиласи учун сарфлади. Унинг кўнгил ёзиш, ҳордиқ чиқаришға мутлақо вақти бўлмади. Унинг ёши атиги қирқ еттида бўлса-да, олтмиш ёшли қарияға ўхшарди.

Жорж қариётганидан мамнун эди.

“Том ҳам қарияпти”, деганди у бир куни менга. “У ёш ва чиройлилигида дўст орттириши осон эди. Тўрт

йилдан сўнг у элликка тўлади. Ўшанда нима қиларкан? Мен элликка тўлганимда ўттиз минг фунт стерлинг миқдоридаги жамғармам бўлади. Томда эса ҳеч вақо бўлмайди. Кўрамиз, умрни меҳнат қилиб ўтказган яхшимми ёки ўйнаб?”

Мен стулга ўтирдим. Бечора Жорж. Унга ичим ачишиб кетди.

– Бу гал нима бўлибди? – сўрадим ундан.

Мен Том яна қандай хатоликка йўл қўйди экан, деб ўйлардим. Уни полиция ушладимикан ё яна қамоққа тушдимикан?

– Мен бутун умр тинимсиз меҳнат қилдим, тўғрими? – аста гап бошлади Жорж.

– Биладан, – дедим мен.

– Том охириги йигирма йил давомида бирор-бир ишнинг бошини тутмай, бекор юргани учун қолган умрини қашшоқлик ва надоматда ўтказиши керак, тўғрими?

Тасдиқлашдан ўзга иложим йўқ эди. Жорж ғазабдан бўғриқиб кетди. Унинг шунчалик жаҳли чиққандики, ҳатто гапиролмай қолди.

– Бир неча ҳафта илгари Том ва бир қари кампирнинг унаштирув маросими бўлиб ўтганди, – деди у ниҳоят. – Кампирнинг ёши шунчалик катта эдики, Том уни бемалол оиди деб қақиравериши мумкин эди. Бугун у ўлибди. Томға эса ўзининг бор мулкани қолдирибди. Томға унинг ярим миллион фунт-стерлинги, Лондонда ва қишлоқда жойлашган ҳашаматли уйи мерос бўлиб ўтибди, – деди Жорж столни алам билан муштларкан.

Мен бу вазиятда ўзимни кулгидан тўхтата олмасдим. Баланд овозда кулиб юбордим. Яқин орада бунчалик кулгили воқеани эшитмагандим. Чигиртка чумолидан кўра омадлироқ чиққанди.

Жорж мени ўша кунги кулгим учун кечирмади. У мен билан умуман гаплашмай қўйди. Том эса мени тез-тез Лондоннинг энг қиммат кварталида жойлашган ҳашаматли уйига тушликка таклиф қилиб туради.

Лекин у ўзгармаган. Ҳали ҳам уйдан чиқаётганимда мендан қарз сўраб туради.

***Инглиз тилидан СамДЧТИ талабаси  
Аброр РАҲИМОВ таржимаси.***







**Рустам МАННАПОВ,**  
тадқиқотчи

## АЪЛАМЖУЖ АЛАМ-ИЗМИРОБАРИ

Таниқли ёзувчи Аҳмад Аъзам ўзининг “Ҳали ҳаёт бор” қиссасида ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги маъмурий-буйруқбозлик шароитида бир нашриётнинг ички ҳаётини кўрсатиб беришга уринган. Асар қаҳрамони нашриёт ходими Аълам Камолов юқоридан бўлган бир кўнғироқ туфайли нашриётдаги тўфонлар гирдобиди қолади. Марказкомдан, Гулимоҳ Юлдузовна нашриёт директорида Аъламни сўраб, кейин гаплашамиз деб телефонни қўйиб қўяди. Воқеалар шундан кейин шиддат билан ривожлана боради.

Нашриёт директорининг ҳолати яхши очиб берилган. Қиссада кўплаб образлар асар сюжетини бойитишга хизмат қилади. Асардаги Карим Умаров, Турдиали, Сурайё, касаба уюшмаси раиси Сожида образлари катта роль бажарган. Асар композициясидаги бу образларга катта вазифа юкланган. Асар марказида ҳаракат қилувчи етакчи образ Аълам Камоловдир.

Аълам чин маънода меҳнаткаш, тўғриси ўйигит. У шу тўғриси ўзлиги учун кўп жойларда баҳсга киришиб кетади. Бунга мисол қилиб, журналистлар уюшмаси раиси Шамсиддин Солиҳбоев билан бўлган мунозара ёрқин мисол. Шамсиддин Солиҳбоев юқоридан келган материаллардаги хатони ҳам кўрмасликка ҳаракат қилади. Аълам Камолов эса бу хатоларни тузатиш кераклигини тушунтиради. Маъмурий-буйруқбозлик муҳитида бунга журъат қилиш нималарга олиб келиши маълум эди. Аълам Камолов бу имло хато эканини тушунтиргунча Шамсиддин Солиҳбоев тутақиб кетади. Юқорини рўқач қилиб, юқорининг муҳри босилган материалларни қандай келган бўлса, шундайлигича босиш кераклигини уқтиради. Қиссада Гулимоҳ Юлдузовна образи ҳам ўқувчида катта фикр уйғотади. Гулимоҳ Юлдузовна рус тилида саводи чиққан, шунинг учун баъзи сўзларни нотўғри тўғрилаганини бўйнига олиб, Аъламга кенг имконият беради. Қиссадаги Гулимоҳ Юлдузовна образи кўплаб воқеаларга туртки берган образдир. Асарда шу бир кўнғироқ туфайли нашриёт алғов-далғов бўлиб кетади. Нашриёт директори ҳуноби ошиб нима қиларини билмай қолади. Қиссадаги касаба уюшма раиси Сожида образи ҳам ўқувчини ўйга толдиради. Штат бўйича катта корректор бўлган бу аёл ҳам, нашриёт директори ўринбосари Карим Умаровдан дакки эшитади. Карим Умаров образи ўзининг хатти-ҳаракати билан қиссада алоҳида ўрин тутаяди. Қисса нашри-

ёт ҳаётини, унинг ичидаги инсонлар хатти-ҳаракатини тафтиш қилиш орқали кечаги кунимизнинг ҳаққоний манзарасини кўрсатиб беради. Ёзувчи Аҳмад Аъзам бу қиссада ҳар бир образни ўз ҳолича бўрттирмай тасвирлай олган. Аълам Камолов образи теварагида кечаётган воқеаларни тасвирлай олган. Ёш ходим Аълам Камоловнинг изтиробларини кўрсатиб беришга уринган. Аълам Камолов бундай муҳитда ишлаш олмаслигини тушуниб етади. Асардаги умумбашарий муаммо – инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабати ўқувчини ўйга толдиради. Вазиятга қараб, тусланиш ўқувчини мулоҳаза қилишга ундайди. Ўз курсисини йўқотмаслик учун ялтоқилик қилиш, ўз дўстини сотиш бу қиссада ёрқин бадиий бўёқларда кўрсатиб берилган. Нашриёт зиёлилар ишлайдиган, зиё тарқатадиган маскан. Шўро замонида бу зиё тарқатувчи даргоҳда ҳам салбий воқеа-ҳодисалар бўлиб турарди. Қиссани ўқиб ўша даврдаги ижодий муҳит шароитини ўқиб оламиз.

Таниқли ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг бу асари зийрак, зукко ўқувчини мулоҳаза қилишга ундайди. Қиссадаги кўплаб персонажлар асар сюжетини бойитишга хизмат қилади. Асардаги ҳар бир образ ўзича бир олам. Ҳаммаси ўзини асраш билан банд. Қиссадаги Абдузафар Абдусуфарович образи ҳам ишонарли чизилган. Абдузафар ака ҳам ёмон инсон эмас. Лекин у жуда эҳтиёткор инсон. Ўз мансабидан айрилишдан ҳайиқади. Шунга яраша муомала қилади. Маъмурий-буйруқбозлик замонида у ҳам ўзининг бир ғилдирак эканлигини билади. Шунга қараб шароитга мослашишга уринадиган инсон.

Қиссада экологик муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилган. Долондаги бочкалар, улардан чиқаётган сассиқ ҳид инсон саломатлигига зарар эканлиги асарда кенг очиб берилган. Қиссани ўқир экансиз, асардаги ҳар бир образ сизни фикрлашга ундайди. Қисса кечаги кунимизнинг манзарасини кўрсатиб бериши билан аҳамиятлидир. Асарни мутолаа қилган зукко китобхон асарнинг ўқ-томирида инсон омили ётганлигини тушуниб етади. Шўро замонида инсоннинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди. У бир парракнинг винтчаси эди. Қиссада мана шу ҳолатлар ниҳоятда яхши очиб берилган. Асарнинг кадр-қиммати ҳам мана шунда. Аҳмад Аъзамнинг бу асари ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинишига шак-шубҳа йўқ.



Фулом ФАТҲИДДИН



## Юлдузлар ёдимга солади сени

### АСКАР ОНАСИ

Қаҳрамон ўғлининг суратин ўпиб,  
Ишонч-ла умидин ўрайди гулга.  
Маъюс термулади қирқ йилдан буён  
Олис уфқларга туташган йўлга.

Минг ташбех, минг мақтов келмас баробар,  
Нуроний чехрадан ёққан зиёга.  
У ахир юрагин қилди гулчамбар,  
Аскар ўғли озод қилган дунёга.

Аскар онасининг қалбида дарддан,  
Қолгандир аламли, озриқли доғлар.  
Бўлса ҳам нўлатдек қомати, қадди,  
Ғамин кўтаролмас, ҳаттоки тоғлар.

Урушдан қайтмаган жангчи онаси, –  
Кўзида порлайди матонат, сабот.  
Оловга айланган ўғли ёнида  
Ҳайкалга айланиб турибди, ҳайҳот! ...

Она! Юзингизга қўнмасин ажсин,  
Энди ҳеч кўзингиз тўлмасин ёшга.  
Сизни Эзгуликнинг тимсоли каби,  
Энди кўтарайлик бир умр бошга! ..



### ХОТИРОТ

Устоз Рауф Парфи хотирасига

Тугади... Хатарли... Буюк бир сафар...  
Кўчди ўз уйига озод Рўҳингиз...  
– Рауф Парфи ўтди! – деган шум хабар,  
Санчилар юракка бигиздек: жиз! жизз!!

Наъраси музлаган – нотафон Дунё,  
Бағрида кезинар – карахт Ал-видо.

Балки, биз унутиб одамлигингиз,  
– Тоғдек тураверар, – дея адашидик.  
Қирқилдимми, собит қадамларимиз,  
– Наҳотки, зафлатда қолдик, алдандик?!  
Афсус... пушаймонлар... гулдан ўтинлар...  
Дийдор маҳшиарида – бағри Бутунлар...

Нега шошилдингиз?!...  
Айламай огоҳ?! –  
Ҳақ васли томонга қўйдингиз қадам?!  
Наҳотки, чақмоқдек тез кетар, э, воҳ,  
Дунё ҳасратини сўраган одам?!  
Жим-житлик... қайда у, – донгил садолар?!  
Ингранар бечора – нола, видолар...

Сўнгги бор ҳўшлашидик, тушимда бу гал,  
Рўй берди ризолик, видолашмоқ ҳам.  
Шу дамдан туш бўлиб қолдингиз тугал,  
Яна Сиздай тушни кўрарми Олам?!  
Дарахт соясидан учиб ўтди от,  
Ҳаётингиз энди – ёрқин хотирот?!

### ЭНГ СОДДА КАШФИЁТ

Осмонга қараб қувониб чопдим  
Тиришидим – англадим, изладим – топдим,  
Титраб турган кўҳна дунё оёғи  
Кўксимизда турар жуда омонат.  
Ўша товон тағи бўшлиқ бўлмасин,  
Ўша товон тойса – бўлар қиёмат.  
Қаранг, Мен Ер шарни измида эмас,



Ер шари яшаркан менинг кўлимда.  
Бугуни, эртаси – бор-йўқ қисмати  
Боғлиқ экан юрган йўлимга.

Осмонга қараб энтикиб чопдим  
Бақирдим:

– Англадим!

Қичқирдим:

– Топдим!

– Виждонни асрайлик! Қулаб кетмасин,  
Ер шари йўқотиб таянч нуқтасин.

### СЕНГА ЎХШАЙДИ

Йироқда бир чироқ порлаб қолади,  
Мендек парвонани чорлаб қолади.  
Шуъласи имлайди, ақлим олади,  
Шу шуъла излари сенга ўхшайди.



Ғалати-ғалати боқар атиргул,  
Руҳимга таратар бир ифор нуқул.  
Мен шайдо бўламан мисоли булбул,  
Шу булбул сўзлари сенга ўхшайди.

Мен каби дилхаста, кўнгли вайрона,  
Девона кўнглига боққан жайрона,  
Беғубор боқади бизга ҳайрона,  
Шу жайрон кўзлари сенга ўхшайди.

Бағримда севгининг соғинч доғлари,  
Мен сени соғинган – ҳижрон онлари,  
Тушимга кирар гоҳ Фирдавс боғлари,  
Жаннат ҳур қизлари сенга ўхшайди.



Тип-тиниқ осмонда юлдуз чамани,  
Асир этганида бутунлай мени,  
Юлдузлар ёдимга солади сени,  
Осмон юлдузлари сенга ўхшайди.

Кўзимга бетакрор туюлар олам,  
Қиқир-қиқир қулиб, билмай гам-алам,  
Патпарак учириб юрадир болам,  
Боламнинг юзлари сенга ўхшайди.

### СОЙ БЎЛГАН ЖИЛҒА

Баланд тоғни иккига бўлиб,  
Ҳаволаниб, қудратга тўлиб,  
Овозини баралла қўйиб,  
Харсангларни сийпалаб ўйиб,

Сой бўлган жилғалар оқар,  
Тубидан ой сояси боқар.

Баҳайбат қоялар оралаб,  
Чўққилар ортидан мўралаб,  
Шуълалар липпиллаб боқишар,  
Чўққилар мавжланиб оқишар.  
Сой бўлган жилғалар оқади,  
Тубидан ой акси боқади.

Ўзан деворидан боқар термулиб,  
Гоҳ хўмрайиб, гоҳида қулиб.  
Вақт суврати, вақт зарралари,  
Оқимларнинг сатҳ марралари.  
Томчилар – майин сой арралари.  
Сой бўлган жилғалар оқади,  
Тубидан ой акси боқади.

### ТАЛАБ ВОДИЙСИДА...

Талаб водийсида Пирларни кўрдим,  
Пирлар ҳузурида ҳурларни кўрдим.  
Ҳурларнинг юзида нурларни кўрдим,  
Нурафшон меҳробда сирларни кўрдим.  
Дуода – кўлимда дурларни кўрдим.  
Берган ҳурларингдан айирма, Раббим,  
Берган дурларингдан айирма, Раббим!

Бу ҳолни сўрама мендан, жигарим,  
Охирлаб бормоқда ахир сафарим.  
Ёрга етгаймикан охи сахарим...  
Чарчади юрагим – мардим, дагарим,  
Мен сени соғиндим жондан севарим,  
Берган ҳурларингдан айирма, Раббим,  
Берган дурларингдан айирма, Раббим!

Талаб водийсида бўзлаб турибман,  
Сенга сирларимни сўзлаб турибман,  
Дийдоринг йўлини излаб юрибман,  
Розинг боғчаларин кўзлаб турибман,  
Сени сенлаб, итларинг сизлаб юрибман,  
Берган ҳурларингдан айирма, Раббим,  
Берган дурларингдан айирма, Раббим!


Музлар ичра кечган умрим ёзи бўл,  
Ҳаётим боғининг сарвинози бўл,  
Кўнглим торларининг ҳур овози бўл,  
Мен сендан розиман, сен ҳам рози бўл,  
Берган ҳурларингдан айирма, Раббим,  
Берган дурларингдан айирма, Раббим!





Акбархон МАГДИЕВ

## ЯШАШДАН МАҚСАД НИМА



Бу дунёдаги барча хатти-ҳаракатларимизнинг ибтидоси яшашга бўлган интилишга бориб тақалади. Аслида эса яшаш учун унчалик кўп нарса зарур эмас-дек гуё. Лекин инсон онгли мавжудот бўлгани боис шунчаки яшаш, ҳаво, сув, озуқа, иссиқлик, ёруғликка бўлган эҳтиёжларини қондириш билангина кифоялана олмайди. У яхши яшашга интилади, эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқроқ қондириш пайида бўлади. Хуллас, инсон айнан шу майли – яхши яшашга интилиш туйғуси билан бошқа мавжудот ва махлуқотлардан фарқланади.

Одамзод дунёга келибдики, яхши яшаш йўлларини излайди. Бу эса унда оламини билишга, ўзлигини англашга интилиш, қавмдошлари билан ўзаро мулоқотда бўлиш ва маълумот алмашиш каби маънавий эҳтиёжларни ҳам вужудга келтирадигани, бугун энди айнан шу эҳтиёжлар қай даражада қондирилаётгани фаровон яшаш шарти, тўкин-сочинликнинг асосий омили ҳисобланмоқда.

Хўш, инсон яшамоқда, боринги бекаму кўст яхши яшамоқда. Лекин бундан мақсад борми ўзи деган савол барчамизни мушоҳадага чорлайди. Дарҳақиқат, инсон бутун ҳаётини, умрини еб-ичишга, кийинишга, молу дунё тўплашга, фарзандлар тарбиясига, тўю маърака қилишга, ҳордиқ чиқаришга, сайру саёҳат қилишга ва бошқа ишларга сарфлайди. Ва кейин умр йўлимизнинг нечоғлик мазмунли ўтган, ўтмаганлигини сарҳисоб қила бошлаймиз. Кундалик юмушлардан ҳам ташқари пичоққа илинадиган бирон бир иш қилдимми ўзи деган савол кўпчиликни ўйлантириши табиий ҳол, албатта.

Келинг, яхшиси умримиз сарҳисобини бугундан бошлайлик. Кун бўйи қилган ишларимизни икки бўлакка ажратайлик: хайрли ва бефойда амалларга. Шунда умримизнинг бир куни мазмунининг формуласи келиб чиқади. Натижа сизни қониқтирмаса, демак, мақсадсиз яшамоқдасиз.

Аслида эса яшашдан мақсад нима? Нима қилсак биз босиб ўтган умр йўлимиздан мамнун бўламиз,

ҳаётимиздан қониқиш ҳосил қиламиз. Қандай йўл тутсак икки дунёмиз обод бўлади. Охиратда яратган ҳузурга қай аҳволда борамиз.

Шу тахлит ўй-хаёллар гирдобиди юриб бехосдан савобли ишларни кўпроқ қилишга киришиб кетамиз. Қилган яхшиликларингиз эвазига ёмонлик кўрганингизда, савоб умидида бажарган амалингиз ортидан таънаю дашномлар эшитганингизда яна бошингиз қотади. Нима қилиш керак ўзи? Одамларга нима керак ўзи? Ҳатто саломингга алик ҳам олгиси келмайди-я. Яна бошингиз қотган.

Атрофингиздаги одамлар билан илиқ самимий муносабатлар, тинчлик-тотувлик алоқаларини ўрнатишни истасангиз, унда энг аввало кучингиз ўзингизга етсин! Бошқалардан ранжу алам кўрсангиз ҳам сиз уларга фақат яхшилик, эзгулик билан жавоб қайтаринг. Ўқрайганга жилмайинг, мушт кўтарганга таъзим қилинг, сўкканга сукут қилинг, бирортаси сиздан ноўрин ранжиган бўлса узр сўрашдан орланманг.

Халқимизда «Савобнинг таги тешик» деган ибора мавжуд. Ҳақиқатан бировга яхшилик қиласиз, аммо ундан жавоб қайтмайди, келса ҳам яхшилигингиз эвазига ёмонлик кўрасиз. Бировга раҳм қилиб қарз берасиз, ололмай қийналасиз, ҳатто унга душманга айланасиз. Бировга ёрдам қилиш учун битмаётган ишига елка қўйиб юборасиз, эвазига кинояли «миннатдорчилик» ила сийланасиз.

Юқоридаги каби ҳолатлар сизни асло чиройли ишларни тарк этишга, бошқаларга яхшилик ва ёрдам қилмасликка даъват бўлиб туюлмасин. Яхшиликларингиз барбод бўлиб, иродангиз чилпарчин синганида эвазига хазинаси тугамайдиган Зот томонидан савоб, яъни мукофотлар берилишини ўйланг-да, қилган ишингиздан фахрланиб, хурсанд бўлиб юраверинг.

Агар сизда ғам-алам пайдо бўлиб қолса ўзингиздан бошқаларга яхшилик қилинг ва гўзалликни ҳадя этинг, шунда қийинчилик ва машаққатни унутасиз ва ажойиб роҳатни ҳис этасиз. Демак, маҳрумларга нарса улашинг, мазлумларга ёрдам беринг, қийинчиликка тушиб



қолганни қутқаринг, очни тўйдиринг, касални бориб кўринг, жабрланганларга ёрдам қўлини чўзинг, шунда сизни ҳамма томонингиздан бахт-саодат ва хотиржамлик ўраб олади.

Аслида ҳам яшашдан мақсад шу эмасми.

Яхшиликларни бажариб юриш худди хушбўй бир нарсага ўхшайдики, унинг кўтариб юрувчиси, сотувчиси, сотиб олувчиси, қўйинги барча ундан наф олади.

Гоҳида муаммолар гирдобидан ҳориб-чарчаб, ёлғизликни истаб қоламиз, тоғу тошларга чиқиб, узлатга чекиниб кетгимиз келади. Аслида эса одамлар билан муносабатда узлатга чекиниш ҳам инсонга руҳий хотиржамлик бахш этади. Бу нарсани таркидунёчилик, ҳаммадан узилиб, бир уйда биқиниб яшаш, деб тушунмаслик керак. Узлат дегани ёмонликлардан, ёмон одамлардан ўзни тортиш, узоқлашишдир. Бекорчи билан қўшилсангиз, унинг бемаъниларча вақтни совуришига шерик бўласиз. Безорига яқинлашсангиз, бир куни унинг «қораси» албатта сизга ҳам юқади, жиноятига тартади, жазони ҳам бирга ўташга тўғри келади. Қиморбоз билан улфат бўлсангиз, яна ҳаётингиздан файз, фароғат кетди, деяверинг. Ичкиликбоз ёки гиёҳванд кимса билан ошно тутинсангиз-ку, умуман турмушингиз заҳар-заққумга айланади, ўзингиз хароблик чоҳига қараб йўл оласиз. Яшашдан мақсадингиз қолмайди.

Ана шундай кишилардан йироқлашгандагина фикрингиз тинчиб, хотирингиз роҳатланади, зехнингиз ҳикмат дурлари билан жилоланиб, кўзингиз маърифат бўстонида сайр қилиб юради.

Оқил, заковатли инсонлар кулфат ва зиённи фойдага йўналтиради. Ҳар бир ёмонлик гўзал бир интиҳога олиб бориши мумкин. Бир фалокат эзгу, хайрли оқибат олиб келиши мумкин.

Оқил ва доно инсонлар ҳар бир бало-мусибатдан, бошларига тушган мушкулотдан ҳикмат излашади, йўқчилик ва йўқотишлардан ибратланишади. Замонамизнинг етук алломаси Садриддин Салим Бухорий домланинг “Қалб гавҳари” аталмиш

*Иллат излаганга иллатдир дунё,  
Фурбат излаганга фурбатдир дунё.*

*Ким нени изласа топгай бегумон,*

*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё* – тўртлигини мутолаа қилар эканмиз, бу мисралар замирида буюк кашфиётлар зоҳир эканлигига гувоҳ бўламиз.

Бу дунёда яхшилиги ёмонликдан, бахту кулфатдан, соғлик ва хасталиқдан, бойлик ва фақирликдан, хуллас барча амаллардан ҳикмат излаган ва уни топган кишигина ҳаётнинг асл моҳиятини англаб, умрининг мазмунини чақа бошлайди ва шу тахлит яшашдан маъно ва мақсад топади.

Қалбимиздаги эзгулик ва чин эътиқодимиз барчамизни юксак мақсадлар сари етакласин. Зеро ана шу юксак мақсад ва унга интилиб яшаш махлуқотлар ичра азизу мукаррам саналган инсон аталмиш хилқатга яратган томонидан ато этилган буюк бир неъматдир.

### *Хитой халқ мақоллари*

\* \* \*

*Дарахт қанчалик юксак бўлса-да, барибир япроқлари ерга тўкилади.*

\* \* \*

*Бошқаларга таъна қилгандек ўзингга таъна қил, ўзингни кечирганинг каби бошқаларни кечир.*

\* \* \*

*Муваффақиятсизлик инсонга кўп нарсаларни ўргатади.*

*Инглиз тилидан Давронбек ТОЖИАЛИЕВ таржимаси.*



Нормат ЙЎЛДОШЕВ

## МУҲАҚҚИДААР МУҲАҚҚИДИ

*«Озод Шарафиддинов ҳаётида ҳам, ижодда ҳам ўзининг халқона сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимизга, авваламбор ёшларимизга ибрат бўлаётган том маънодаги маърифатпарвар инсондир».*

**И. Каримов**

Озод Шарафиддинов адабиёт майдонига ўтган асрининг 50 йилларида кириб келди. Илк мақолаларидаёқ адабиёт илмининг ҳаққонийлиги, софлиги учун ўзини сафарбар этди. Атоқли адиб А.Қаҳҳор таъкидлагандек, у адабий танқидчиликка ёниб кирди ва умрининг охирига қадар лов-лов ёниб, ўз этиқодида собит турди. Адабиётга, ижодга, ҳақиқатга садоқат ила хизмат қилди.

Озод Шарафиддинов илк китоби «Замон, қалб, поэзия»дан тортиб «Ижодни англаш бахти»га қадар йигирмадан ортиқ китоблар ёзди. Ўзбек адабий танқидчилигида ўзига хос мактаб яратди.

Мунаққид поэзия нима, унинг моҳияти нимадан иборат, чинакам санъат, чинакам поэзия, чинакам истеъдод қандай бўлиши керак, деган саволарга ўтган асрининг 60-йилларидаёқ жавоб берган эди.

«Чинакам санъат, поэзия ҳамиша санъаткорнинг вақеликка янгича муносабатидан, янгича қарашидан, янгича фикрлашидан бошланади!.. Чинакам шоир биринчи навбатда мутафаккирдир, ҳаёт ҳақида фикрловчи, унинг устидан ҳукм чиқарувчи файласуфдир.

«Чинакам поэзия эса ҳамма вақт ҳис-туйғуга айланиб кетадиган фикрдан ёки фикрга айланган ҳис-туйғудан иборатдир» – дея ёзганди устоз.

У шеъриятнинг ҳеч қандай андозаларга, қолипларга сиғмайдиган, фақат юрак, қалб амри билан боғлиқ санъат ҳодисаси эканлигини тоталитар тузумнинг энг «қизиллашган» даврида айтган эди. Мақолада шеъриятимизга ўзининг оригинал йўналишлари, янгича фикрлаш тарзи билан кириб келган Эркин Воҳидов, Теша Сайдалиев, Охунжон Ҳакимов каби шоирларнинг ижодига ижобий муносабат билдирилди.

Мунаққид шеъриятга муносабатда жаҳон адабиётининг энг юксак мезонлари асосида ёндошди. Чинакам поэзия билан назмбозликни бир-биридан фарқ қилиш кераклигини, шеърият-истеъдоддан бошланишини, талант эса ҳаётнинг ҳеч кўрмаган томонларини кўра олиш

қобилияти эканлигини ҳар жиҳатдан асослаб берди.

«Замон, қалб, поэзия»га кирган «Поэзиянинг бағри кенг», «Чаманзорда гуллар кўпайсин» мақолаларида баҳсу мунозараларга ойдинлик киритди. Шеъриятимизда овозлар, созлар ҳар хил жаранглашини, ҳар бир шоир ўз овози ва созига эга бўлиши кераклигини Миртемирнинг халқона, А.Мухторнинг интеллектуал шеърияти мисолида асослаб берди. «Замон, қалб, поэзия» ниҳоясида домла «Мен фақат поэзиямизнинг ижобий тенденцияларини ва уларнинг ўсишига халақат бераётган айрим ҳодисаларни таҳлил қилдим», – деб ёзган эдилар.

Бугунга келиб замон, давр ўзгарди. Адабиётга қараш ҳам ўзгарди. Кўпгина ижодкорларнинг совет даврида яратган асарлари бугунги адабий тамойилларга тўғри келмай қолди. Аммо Озод домланинг аксарият мақола ва китоблари бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Масалан «Биринчи мўъжиза» китобидаги Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов ижоди ҳақидаги портретлари бугунги адабиёт учун ҳам муҳим манбадир.

Барча миллат фарзандлари сингари Озод Шарафиддинов ҳам Мустақилликни қучоқ очиб кутиб олди. Мустақиллик барча ижодкорлар сингари устозга ҳам чексиз имкониятлар эшигини очди. Домла биринчи галда кўнгилдаги энг буюк армони – миллат истиқоли йўлида шаҳид кетган, ноҳақ қатағонга учраган адибларнинг муборак номларини оқлаб, асарларини халққа қайтаришдек масъулиятли, аммо муқаддас вазифани ўз зиммасига олди.

1969 йилда Чўлпон, Фитратлар қаторида ноҳақ қатағон этилган шоирлар шеърларидан жамланган «Тирик сатрлар» китоби бевосита домла раҳбарлигида нашр этилди. Аммо бу китобнинг бошига қийин кунлар тушди. Бу ҳақда домла «Тирик сатрларнинг қийин қисмати» мақоласида муфассал фикр юритган.

Озод Шарафиддинов мустақилликнинг илк кунларидан истиқлол фидойилари ҳақида туркум мақола ва рисоалар яратди. Айниқса, Чўлпон ижоди мунаққид ижодининг марказида бўлди. 1991 йилда нашр этилган «Чўлпон» рисоласида шоирнинг ҳаёти ва ижодий мероси илк бор манографик планда ўрганилди. «Истиқлол фидойилари» китобида Тукистон истиқлоли фидойи-



лари – Мустофо Чўқаев, Отажон Ҳошимов ҳаёти, ижоди, тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари кенг таҳлил назаридан ўтказилади.

Устоз Озод Шарафиддиновнинг “Довондаги ўйлар” китоби Президентимиз Ислоҳ Каримов портретига чизгилар билан бошланади.

Домла юртбошимизни ҳақли равишда мустақиллигимиз меъмори деб атайди. Бу шунчаки оддий ибора эмас, балки бу атамада олам-олам маънолар ўз ифодасини топган. Муаллиф халқимизнинг асрий орзулари Президентимиз томонидан жуда катта жасорат ва масъулият билан эълон қилинганини алоҳида таъкидлаб, ўтган ўн йил давомида юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришларнинг бош ижодкори ва илҳомчиси Президентимизнинг ёрқин сиймосини чизади.

Муаллиф ўз фикрларини асослаш учун юртбошимиз билан боғлиқ муҳим воқеаларни баён қилади. Тоталитар тузумнинг энг қийин давлари 80-йилларда ҳам юртбошимизнинг халқ, миллат қадри, ори-номуси, келажаги йўлидаги саъй-ҳаракатлари, «пахта иши» билан боғлиқ Марказ билан тортишувчилари ишончли далиллар билан асослаб берилган. «Ислоҳ Каримовнинг юртбоши сифатидаги биринчи қадамни энг қутлуғ қадам деб, ўзбек халқини маломатдан қутқариб, унга тинчлик ва хотиржамлик қайтариб берганини энг улуғ жасорат, тенгсиз бир қахрамонлик деб ҳисоблайман», дея ёзади аллома.

«Мустақиллик меъмори» туркумига кирувчи «Истиқлол жилолари», «Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож» мақолаларида ҳам халқ ва миллат дарди билан яшаётган йўлбошчимиз ҳаёти, фаолиятига доир қизиқарли воқеалар талқин этилади.



## НАЗМ

*Сабоҳат ОДИЛОВА*

### *Билармисиз, англармисиз қалбимни?*

#### АЁЛ

*Сен тоғлар юкини кўтарган тоғсан,  
Ошиқ юракларда энг ширин хаёл.  
Умр дафтарида бахтиёр чоғсан,  
Муқаддас аёлсан, муқаддас аёл.*

*Гоҳо ерда бўлсанг, гоҳ фариштасан.  
Гоҳида минг йиллик жавобсиз савол.  
Ҳатто тушларингда иш, юмушдасан  
Муқаддас аёлсан, муқаддас аёл.*

*Бешигингдан чиққан беклар ҳам бешак,  
Меҳрингдан не зотлар топмади камол.  
Онасан, опасан, ёрми ё сингил,  
Муқаддас аёлсан, муқаддас аёл.*

*Вафо, муҳаббатда тенгсизлигинг рост,  
Садоқатинг кимларни айламаган лол.  
Сен ўша энг гўзал туҳфаларга мос,  
Муқаддас аёлсан, муқаддас аёл.*

#### БИЛАРМИСИН

*Дилда соғинч, армон билан бўзладим,  
Сиз кетдингиз, изларингиз изладим.  
Хаёлимда хотирангиз сизладим,  
Билармисиз, англармисиз қалбимни?*

*Осмонларга қушлар билан борарман,  
Оқар сувга мен кўнглимни ёрарман.  
Сочларимни андуҳ каби ўрарман,  
Билармисиз, англармисиз севгимни?*

*Гар келсангиз қуёш бўлиб балқирдим,  
Кўнглингизга шикдан олов ёқардим.  
Юрагимни тумор қилиб тақардим,  
Билармисиз, англармисиз сиз мени?*

#### БАХТЛИ ЭТАРСАНМУ?

*Юрак дарддан ортга тортди,  
Мени ташлаб кетарсанму?  
Кўнгилда шубҳалар ортди,  
Ўзгани ёр этарсанму?*

*Вужудда изтироб бисёр,  
Бири шубҳа, бири гумон.  
Айирмасин сендан зинҳор,  
Мени ҳамроҳ этарсанму?*

*Йўлим олис, манзил йироқ,  
Кўлларимдан тутарсанму?  
Қолиб кетсам ярим йўлда,  
Мени бир зум кутарсанму?*



*Тақдиримдан илтижойим,  
Раҳм этсин-да илойим.  
Ер айласа гар Ҳудойим,  
Мени бахтли этарсанму?*

#### ПОРЛОҚ ҚУЁШ

*Ёмғир ёғиб осмондан,  
Бошимга дур тўкилди.  
Ой ботиб гарб томондан,  
Жилмайиб қуёш кулди.*

*Нур ёғилиб бирпасда,  
Олам гулистон бўлди.  
Борлиқ олам ҳавасда,  
Қуёшдек хандон бўлди.*



Турсунбой АДАШБОЕВ

## ЯНГИ ПАРОДИЯЛАР

### ТАКА ЗОТИ

“Мен кўприкнинг ўртасида  
Қотиб турган серкаман.  
Йўлим бўшат, эрка бўлсанг,  
Мен ҳам сендек эркаман”.

**Умида АБДУАЗИМОВА,  
“Эркаман” шеъридан**

\*\*\*

Олмагоннинг ўрисчаси,  
“Белка” бўлади.  
Куракнинг сал тепароғи,  
Елка бўлади.  
Фарзандларнинг кенжатоғи  
Эрка бўлади.  
Ҳайвонларнинг ҳайвонлардан  
Фарқи бор, синглим!  
Така зотини ахта қилса,  
Серка бўлади...

### СЎЗНИНГ ҚАДРИ

“Чавандоз тулпорин чиқарди томдан,  
Сўнгра якка миҳда совутди узоқ.  
Волидаси олиб эски тахмондан –  
Бошига кийгизди қадимий бошмоқ”?!.

**Анвар СУЮННИНГ  
“Чавандоз фалсафаси” шеъридан**

\*\*\*

Дарҳақиқат “Олтин кўприк”  
Яхшигина тўплам бўпти.  
Шеър, ҳикоя, таржималар,  
Чанқов бости – ҳўплам бўпти.  
Ойгул Асилбекнинг қизи,  
Шаҳнозахон, Акмал Тошлар.  
Зоҳид Олов, Иномжоннинг,  
Машқларида лола яшнар.  
Анвар Суюн фалсафаси  
“Ғўр булутдай” ўзига хос  
Сўзнинг қадри маъносида  
Ўйлаб ёзинг, шу илтимос.  
Отнинг ўрни отхонада,  
Тунда миниб совутади.  
Кейин якка миҳга боғлаб,  
Оққанд бериб овутади.  
Хаёл курғур учқур тулпор,  
Судра қайдан қаёқларга.  
Бошмоқ асли бошга эмас,  
Кийилади оёқларга...

### ШАЙДОЛИК

“Нилуфардан чиройли юзинг,  
Бинафшадан гўзалсан сўлим,  
Атиргулдан ифорли юзинг,  
Ер юзида танҳосан гулим”.

**Бахтиёр РОЗИҚНИНГ  
“Гулим” шеъридан**

\*\*\*

Қизил гулим,  
Сафсар гулим.  
Сариқ гулим,  
Оқ гулим.  
Ер юзида  
Танҳо гулим,  
Тоқ гулим.  
Момақаймоқ,  
Қоқи гулим.  
Бойчечагим,  
Қизғалдоғим,  
Гулхайримсан,  
Ойчечагим.  
Лолам ўзинг,  
Бутакўзим,  
Турфа гулга,  
Ва сумбулга  
Макон бўлган  
Далам ўзинг,  
Гапнинг рости,  
Пора қилдинг,  
Юрагимнинг қатини.  
Жоним эшит,  
Давот қилиб,  
Мен оққушнинг патини  
Китоб ёздим, жўнатаман  
Гуллар рўйхатини...